АБДИРАСИЛОВ С., МАХКАМОВА С.,
ИСАХОЖИЕВА Н.

# ТАСВИРИЙ САНЪАТ
ТЎГАРАГИ



Низомий номидаги ТДПУ Илмий кенгашининг 2012 йил
24 майдаги 9 - рақамли қарори билан нашрга тавсия этилган.

**ТАСВИРИЙ САНЪАТ тўгараги** (талабалар учун методик қўлланма)

## АННОТАЦИЯ

Мазкур методик қўлланма «Тасвирий санъат» тўгараги бўйича олий ўкув юртларидаги санъат йўналишидаги талабалар учун мўлжалланган бўлиб, бугунги кун талабларини ҳисобга олинган ҳолда тузилди.

Методик қўлланма талабаларни қаламтасвир, рангтасвир ва композиция фанларининг назарий ҳамда амалий асослари билан чукур таништиради. Қўлланмада «Тасвирий санъат» тўгарагининг талаблари, Низоми, расм чизиш методларининг қискача тарихи, тасвирий санъатнинг асоси тўғрисида батафсил маълумотлар берилган. Шунингдек, амалий ва мустақил машғулотларда мавзуларни тасвирли, кўргазмали тасвирлаш, синф тахтасида бўр билан методик-педагогик тасвирлар ишлаш назарда тутилган. Дастур бўйича амалий ишлар вазифалари оддийдан мураккабга қараб ишлаш тамойили асосида ишланмаси ишлаб чиқилган. Мавзулар бўйича саволномалар ва топшириқлар ҳамда фойдаланиш учун адабиётлар келтирилган.

Қўлланмани янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларингиз бўлса, бизга ёзиб юборсангиз Сиздан миннатдор бўлар эдик.

**Муаллифлар:** педагогика фанлари номзоди, доцент Абдираснлов Сунатулла, ўқитувчилар Махкамова Саодат, Исахожиева Насиба

**Тақризчилар**: Нуртаев Ў. – К.Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, педагогика фанлари номзоди.

Тожиев Б. - тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси кафедраси доценти в.б.

© Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2012

**Мундарижа**


Кириш........................................................ 4

**Тасвирий санъат тўгараги талаба-ёшларни илмий методик ишларини шакллантириш сифатида** 5

"Тасвирий санъат" тўгарагига қўйиладиган талаблар.................. 5

"Тасвирий санъат" тўгарагининг НИЗОМИ................................ 6

"Тасвирий санъат" тўгарак машғулотларини ўтказиш дастури........ 10

**Қаламтасвир – тасвирий санъатнинг асоси** 14

Перспектива конуниятлари.............................................. 15

Нукта, чизиқ ва штрих.................................................... 20

Ёруг ва соя қонуниятлари................................................ 22

Уй-рўзғор буюмларидан натюрмортни тасвирлаш.................... 26

Гипсдан ясалган орнаментни тасвирлаш................................ 27

Гипсли буюмлардан тузилган натюрморт қаламтасвири.............. 31

Калла суягини чизиш...................................................... 33

Одам бошини тасвирлаш.................................................. 35

Одам гавдасини тасвирлаш............................................... 37

Амалий машғулотлар..................................................... 40

**Дастгоҳли рангтасвир тасвирий санъат отаси** 49

Рангтасвир тасвирий санъатнинг бир тури............................ 49

Натюрмортни боскичма-боскич тасвирлаш............................ 57

Гипсли геометрик шакллардан натюрмортни гризайлда ишлаш....... 58

Уй-рўзғор буюмларидан натюрмортни тасвирлаш.................... 60

Амалий машғулотлар..................................................... 63

**Композиция – ижод қилиш натижаси** 68

Композиция.................................................................. 68

Композиция конуниятлари................................................ 72

Композиция усуллари...................................................... 73

Портрет композицияси .................................................... 80

Композицияда мувозанат.................................................. 86

**Педагогик расмлар ишлаш** 94

**Бадиий экскурсия ташкил этиш** 106

Бадиий кўргазмаларга экскурсиянинг уюштирилиши.................. 107

Темурийлар Давлат тарихи музейига экскурсия........................ 108

Рассом устахоналарига экскурсия....................................... 110

Табиат қўйнига экскурсия.................................................. 112

Хулоса......................................................................... 116

"Тасвирий санъат" фани бўйича тест саволлари........................ 117

Глоссарий.................................................................... 120

Адабиётлар ва электрон таълим ресурслари рўйхати.................. 133

"Тасвирий санъат" тўгарак машғулотлари ишланмаси.................. 134



*«Ёшлар, ўзларини илм-фан, тасвирий санъатда синамоқчи бўлсалар, аввало расм чизишни мукаммал билмоқлари лозимдир»*
***Леонардо да Винчи***

# КИРИШ

Тасвирий санъатнинг асосий негизи бўлиб қаламтасвир, рангтасвир, композиция фанлари ҳисобланади.

Мустақил Ўзбекистоннинг ҳозирги ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиётида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" муҳим аҳамият касб этмоқда. Унинг "Узлуксиз таълимни ислоҳ қилишнинг йўналишлари" қисмида "Таълим тизимини таркибий жиҳатдан қайта қуриш, таълим, фан, техника ва технологиянинг, иқтисодиёт ва маданиятнинг жаҳон миқёсидаги замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва касб-ҳунар таълими дастурларини тубдан ўзгартириш" лозимлиги қайд қилинган[1].

Энг асосий мақсад - замонавий тасвирий санъат ижодкорлари орқали ёшларимиздаги қобилият ва имкониятларни аниқлаб, уларни тўғри шакллантириш ва юзага чиқариш, тасвирий санъат педагогикасининг ўзига хос мураккабликларини тушуниб, унинг нозик қирраларини ўқувчиларга улашиш маҳоратига эга бўла оладиган устозларни етиштириб чиқаришдир.

Бу борада Ўзбекистон президенти И.А. Каримовнинг «Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг самарадорлиги, аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи билан узвий боғлиқдир»[1], деган сўзлари билан маънавият чўққисига интилишга чорламоқда. Бунинг учун таълим олаётган ҳар бир ўқувчини санъатга мойиллигини, мавжуд иқтидорлик ва ижодий қобилиятини бойитиб уни амалий, назарий, илмий жиҳатдан шакллантириш мақсад қилинган.

Тасвирий санъат тўгарагининг ташкил этишдан мақсад – келажакда тасвирий санъат ўқитувчисини «Композиция», «Қаламтасвир», «Рангтасвир»

---

[1] Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори" - Тошкент: "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни. 1997. 44 бет.

2.[1] И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Ўзбекистон. Т.: 2000. 386-бет.

фанлари назарияси ва амалий кўникмалар билан куроллантириш, ижодий кобилиятини ўстиришдан, тасвирий санъатга мос билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда педагогик фаолиятга пухта тайёрлашдан иборатдир.

Мазкур тўгаракнинг вазифаси бўлажак тасвирий санъат ўкитувчиларини бадиий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг бадиий дидларини юксалтириш, тасвирий санъат асарлари билан чукур таништириш, уларни нафосат борасидаги фикр ва мулоҳазаларини юксалтириш, тасвирий санъат асарларини кўриш ва тушуниш кўникмаларини ҳосил килишдан иборат. Шунингдек, талабаларга, бўлажак рассом-педагогларга кўриб-кузатиб, таҳлил килиб тўгри тасвирлаш, атроф-муҳитни, борликни идрок этиш, ранг сезиш, рангтасвир асарларини яратиш малакаларини шакллантиришдан иборатдир. Реалистик рангтасвир, каламтасвир, композиция ишлаш санъати борликни ҳакконий образларда ифода этиш маҳоратини ривожлантиришни ўз олдига максад килиб кўяди.

Мазкур методик кўлланмада тасвирий санъат фанларидан назарий ва амалий машгулотлар вазифасини тайёрлаш ва уни бажариш билан боглик бўлган масалалар ёритилган. Кўлланмани тайёрлашда тўгаракнинг дастури ва кўрсатмаларига, шунингдек, кўп йиллик тажрибага асосландик.

## ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТЎГАРАГИ ТАЛАБА-ЁШЛАРНИ ИЛМИЙ МЕТОДИК ИШЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ СИФАТИДА

### Тасвирий санъат тўгарагига кўйиладиган талаблар:

- ўз соҳасида чукур маълумотли, замонавий санъат жараёни йўналишларини яхши англаб тушуниши, ўтмиш маданий меросимизга тўгри баҳо бера олиши, тасвирий санъат терминларини чукур билиши, турли бадиий материаллар воситасида тасвирий санъат асарларини бажаришни эгаллаган бўлиши, тасвирий санъатда замонавий окимлар, рангтасвир тарихи ва назарияси, буюк санъат усталари ҳаёти ва ижоди, уларнинг машҳур санъат асарларини мукаммал ***билиши лозим;***
- каламтасвир, рангтасвир, композициянинг тасвирий санъатда тутган ўрни; дастгоҳли, монументал, декоратив рангтасвирнинг фаркланувчи томонлари, реалистик рангтасвир конунлари, композиция асослари, илик ва совук ранглар, колорит, ритм, тус, ёруглик, ранг доги, умумий тус ва ранг буёги, турли тасвирлаш материаллари хусусиятлари, ранг уйгунлиги конуниятлари, турли тасвирлаш воситаларидан фойдаланиш йўллари, ранг гаммаси, мотив, ҳиссийлик, яхлит кўриш, рангтасвир ишлаш методлари: суюлтиргичлар, мато, грунтлар, суюк ишлов бериш, суртма; рангтасвир ашёлари: акварель, темпера, гуашь ва мойбўёклар тўгрисида, чизикли ва ҳаво, перспективалари, уфк чизиги, силуэт, конструкция, штрих, масштаб, нисбатлар, материаллар хусусиятлари, ёруг-соя конуниятлари, турли тасвирлаш воситаларидан фойдаланиш ***кўникмаларига эга бўлмоги керак.***

- талаба тасвирий санъат дарсларини режалаштириш: натюрморт, портрет, одамнинг турли ҳолатларидан қўйилмалар ташкил этиш, тасвирлаш технологиялари, ўқувчиларга композиция, қаламтасвир, рангтасвир машғулотларини ташкил этишда санъат асарларини таҳлил эта олиш, яхши ўзлаштирувчи талабалар билан якка тартибда дарслар олиб бориш, ўқувчилар ижодий ишларини баҳолай олиш, дастгоҳли, монументал, декоратив рангтасвир композициясида ранглардан фойдаланиш йўллари, тасвирий санъат тарихи ва назарияси, композиция қонуниятлари ва пластик анатомия, портрет характеристикаси ва психологик ечими, ўқув ва академик қаламтасвир ишлаш методлари асослари, қаламтасвир технологияси, оддий геометрик шакллардан бошлаб, инсоннинг тўлиқ қоматини тасвирлай олиш, тасвирий санъат асарларини яратишда қаламтасвирнинг аҳамияти, уста рассомлар асарларини ўрганиш ва нусха кўчириш ***малакаларига эга бўлиши керак;***



Низомий номидаги ТДПУ Санъат факультетидаги "Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси қошидаги "Тасвирий санъат" тўгарагининг

**НИЗОМИ**

I. Тўгарак фаолиятининг мақсади

1.1. Низомий Номидаги ТДПУ "Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси қошидаги "Тасвирий санъат" тўгараги (бундан кейин тўгарак деб юритилади) ихтиёрий тузилма бўлиб, у қуйидаги мақсадларни кўзда тутади:

- Кафедра профессор-ўқитувчилари таркибининг юқори малакали педагогик кадрлар тайёрлашга оид саъйи-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш;
- Талаба ёшларни илмий-методик ишларга тайёрлаш;
- Талабаларнинг илмий-методик ҳамда мураббийлик фаолиятларини ташкил этиш;
- Илмий-методик соҳада талабалар ва бошқа жамоат ташкилотлари билан, шунингдек, факультет ва университет маъмурияти билан ҳамкорлик қилиш;
- Илмий-методик мавзуларда илмий-амалий семинарлар, анжуманлар, бахс-мунозара кечаларини ташкил этиш ва ўтказиш;
- Ижодий ишлар альбомларини, талабаларнинг энг яхши ижодий ишларини кўргазмасини ташкил қилиш ва ишларини журналларда нашр этиш;
- Интернетда тўгаракнинг сайтини яратиш ва уни мунтазам тарзда янги материаллар билан бойитиб бориш;
- Талабалар ижтимоий ҳаётига оид турли масалаларни муҳокама этишга доир ташаббуслар билан чиқиш.

1.2. Мазкур тўгарак ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, жорий қонунчиликка, Илмий Кенгаш Қарорларига, ректор буйруқларига, мазкур Низомга, шунингдек, демократизм, ўз-ўзини бошқариш, қонунчилик принципларига таянади.

## II. Тўгаракка аъзолик

2.1. Тўгаракка мустакил равишда илмий-методик иш олиб бораётган, ёки факультетдаги ҳар кандай кафедранинг илмий-методик ишларида иштирок этаётган ёки иштирок этишни хохлайдиган, шу факультетда ўкиётган барча талабалар аъзо бўлиши мумкин.

2.2. Тўгарак аъзолигига кабул килиш унга аъзо бўлувчининг тўгарак раҳбари номига ёзган ёзма аризаси ҳамда бир ўкитувчининг тавсияси асосида амалга оширилади.

2.3. Ҳар бир аъзонинг қабул килиниши тегишли карор асосида расмийлаштирилади, янги аъзо тўгарак аъзолари рўйхатига киритилади ва унга тегишли тарздаги аъзолик билети топширилади.

2.4. Тўгарак аъзоси тўгаракдан мазкур Низом талабларини бузган тақдирда тўгаракнинг умумий йиғилиши карори билан четлаштирилиши мумкин.

## III. Тўгарак аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Тўгарак аъзолари куйидаги ҳукукларга эга:

1. Тўгаракнинг раҳбар органларига сайлаш ва сайланиш;
2. Илмий-назарий ҳамда илмий-амалий анжуманлар ишида иштирок этиш;
3. Тўгарак ишида иштирок этиш;
4. Илмий-методик ишлар танловида ишштирок этиш;
5. Турли ижодий ишлар танлови ва кўрикларида иштирок этиш;
6. Аспирантируга кириш учун имтиёзли тавсиядан фойдаланиш;
7. Университет ахборот ресурслари марказлари фондларидан фойдаланишда имтиёзларга эга бўлиш;
8. Тўгарак раҳбарини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда тўгарак аъзолигидан чикиш.

## IV. Тўгаракнинг таркиби ва уни бошқариш органлари

4.1. Тўгаракнинг таркиби илмий-методик муаммоларни ўрганишга оид илмий секциялардан иборат бўлиб, кафедрада ўкитиладиган фанларнинг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқади. У кафедрадаги мавжуд илмий мактабларни кўллаб-қувватлаш асосида шаклланади.

4.2. Тўгарак бошқарувининг олий органи унинг Умумий йиғилиши бўлиб, тўгарак сардори ҳам шу йиғилишда сайланади.

4.3. Тўгаракнинг доимий фаолият кўрсатадиган ижрочи-бошқарувчи органи тўгарак сардоридир.

4.4. Тўгаракка раҳбар кафедра томонидан ундаги юкори малакали профессор-ўкитувчилар таркибидан белгиланади. Тўгаракка умумий раҳбарлик кафедра томонидан амалга оширилади.

4.5. Тўгарак ўз эмблемасига, штампи, расмий бланкига эга бўлиши мумкин.

## V. Тўгарак аъзоларининг умумий йиғилиши

5.1. Тўгаракнинг умумий йиғилиши семестр давомида бир марта тўгарак сардори, кафедра профессор-ўқитувчилари ёки Университет раҳбариятининг ташаббуси билан чақирилади.

5.2. Тўгарак Умумий йиғилишининг қарори аъзоларнинг ярмидан кўпи иштирок этган тақдирда ҳаққоний деб ҳисобланади. Барча қарорлар иштирок этаётган тўгарак аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

5.3. Тўгаракнинг умумий йиғилиши:

- тўгаракнинг Низомини қабул қилади, унга тўлдириш ва ўзгартиришлар киритади;
- тўгарак сардорини сайлайди;
- тўгарак сардори ва унинг аъзоларининг илмий-методик ишлар ҳақидаги ҳисоботини эшитади ва муҳокама қилади;
- тўгарак фаолиятига алоқадор бўлган бошқа масалаларни кўриб чиқади.

## VI. Тўгарак сардори

6.1. Тўгарак сардори аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан сайланади, тўгарак раҳбари томонидан маъқулланади, кафедра йиғилишида тасдиқланади.

6.2. Сардор мазкур Низомда кўзда тутилган тўгарак йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказишга оид вазифаларни бажаради.

6.3. Сардор тўгарак Илмий раҳбари, тўгарак Кенгаши олдида ҳисоб беради, уларнинг тўгарак фаолиятига оид бўлган қарор ва тавсияларини амалга оширади.

6.4. Сардор тўгарак Кенгашига ўқув йили давомида камида бир марта тўгарак фаолияти ҳақида ҳисоб беради.

6.5. Тўгарак Кенгаши сардорнинг камчиликлари ҳақидагти масалани кун тартибига қўйиши мумкин. Унга нисбатан кетма-кет кўрсатилган уч ва ундан ортиқ танбеҳлдарнинг тўпланиб қолиши унигнг сардор сифатидаги вазифасидан бўшатьиш учун асос вазифасини бажаради. Бу тўгарак раҳбарининг қарорига кўра амалга оширилади.

## VII. Тўгарак йиғилишлари

7.1. Тўгарак йиғилишлари жадвали сардор томонидан тўгарак раҳбари билан келишган ҳолда тўгарак аъзоларининг истак ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда тузилади. Бунда тўгарак йиғилишларида муҳокама ёки ҳимоя қилиниши кўзда гутилган маърузаларинг умумий сони ҳам эътиборга олинади.

7.2. Тўгарак йиғилиши ўтказилиши режалаштирилган муддатдан камида бир ҳафта олдин маърузачи сардорга тўгарак раҳбари маъқуллаган маъруза тезисларини тақдим этиши шарт.

7.3. Йиғилиш охирида сардор йиғилиш қарори лойиҳасини тайёрлайди. Унда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

- йиғилиш ўтказилган жой ва сана;
- маърузачининг исми-шарифи;

- маъруза мавзуси;
- маърузанинг баҳоси (у курс иши, илмий (ёки методик) мақола сифатида тавсия этилди, нашр этишга тавсия қилинди...);
- тўгарак ишида қатнашаётган талабалар рўйхати, илмий раҳбар;
- тўгарак йиғилишида баҳс-мунозаралар бўлдими, савол ва масалалар ечимининг қисқача баёни берилиши керак.

## VIII. Тўгарак йиғилишида муҳокама этиладиган мавзу ва материаллар

8.1. Материалларнинг мавзуга кўра сараланиши илмий раҳбар томонидан тасдиқланган тўгарак иш режасига мувофиқ равишда тузилади.

8.2. Талаба томонидан тўгаракда маъруза қилиш учун танланган мавзу, албатта, илмий раҳбар томонидан маъқулланган бўлиши керак.

8.3. Тўгаракда муҳокама қилиш учун тақдим этилган маъруза ёки бошқа материаллар илмий раҳбар томонидан тасдиқланган талаблар билан мувофиқ бўлиши шарт.

8.4. Тўгаракда муваффақиятли тарзда муҳокама қилинган (ҳимоя этилган) маъруза илмий раҳбар розилиги билангина курс иши сифатида тавсия этилиши мумкин.

## IX. Материалларнинг нашр этилиши

9.1. Тўгарак йиғилишларида муҳокама (ҳимоя) этилган ишларга оид материаллар муаллиф билан келишилган ҳолда тўгарак сайтида эълон қилиниши мумкин.

9.2. Энг яхши материаллар асосида тайёрланган илмий, методик мақолалар вақтли матбуотда нашр этиш учун тавсия этилиши мумкин.

9.3. Энг яхши материаллар тўгарак аъзоларининг фикрларни эътиборга олган ҳолда тўгарак сардори ва илмий раҳбар томонидан аниқланади.

## X. Тўгаракнинг илмий раҳбари

10.1. Тўгаракнинг илмий раҳбарлигига шу тўгаракни ташкил қилган кафедра профессор-ўқитувчиларигина раҳбарлик қилиши мумкин.

10.2. Илмий раҳбар сардор ва тўгаракнинг фаолияти устидан умумий назоратни ташкил этади. Унинг тўгарак машғулотларида шахсан иштирок этишга ҳақлидир.

10.3. Илмий раҳбарнинг тўгарак фаолияти ҳақидаги фикр-мулоҳазаларининг сардор ва бошқа аъзолар учун бажарилиши мажбурийдир.

## XI. Якунловчи қоидалар

11.1. Мазкур Низом тўгарак аъзоларининг оддий кўпчилиги овози билан қабул қилинади ҳамда факультет кенгашининг тавсияси билан Университет илмий Кенгашида тадиқланади.

11.2. Мазкур Низомга оид ўзгариш ва тўлдиришлар тўгарак аъзоларининг ташаббуси, тўгаракларга оид мувофиқлаштирувчи кенгаш тьасиясига кура тўгарак аъзоларининг оддий кўпчилиги овози билан қабул қилинади.

***Ушбу Низом “Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси” кафедраси қошидаги “Тасвирий санъат” тўгараги аъзоларининг Умумий йиғилишида қабул қилинган.***

Тошкент шаҳри. 20__ йил "___" август.

Тўгарак аъзолари Умумий йиғилиши раиси ____________________ имзо

«Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси» кафедрасининг мудири

____________________ имзо

## «ТАСВИРИЙ САНЪАТ» ТЎГАРАК МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ДАСТУРИ

***Қаламини бошқа биров тарашлаб берган***
***Қаламкашдан ҳеч нарса кутиб бўлмайди..***
***Содиқбек Афшор***

## 1. БЎЛИМ. ҚОҒОЗ ТЕКИСЛИГИДА ТАСВИРЛАШ УСУЛЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ



***Кириш***

***1. Эркин мавзуда тасвирли иш бажариш.***

***Мақсад:*** *Бадиий тайёргарлигини аниқлаш ва таҳлилини ўтказиш*

***Вазифалар:*** *Машқ - бадиий қобилиятларини аниқлаш учун тест ўтказиш*

***Топшириқ:*** *Тасвирий санъатга оид адабиётлар билан ишлаш. Эркин мавзуда композиция бажариш.*

***2. Мавзу: Табиат шаклидаги нарсаларни ўзига қараб тасвирлаш. 4 соат*** *(Қоғоз, акварель, гуашь)*

***Мақсад:*** *Табиатдаги нарсаларни таҳлил этиш билимларини ва тасвирлаш босқичларида кўникмаларини орттириш*

***Вазифалар:*** *Гуллар, сабзавот маҳсулотларини тасвирлаш.*

***Мустақил иш:*** *гуллар, сабзавот маҳсулотларини тасвирлаган рассомлар ижодини ўрганиш.*

***3. Мавзу: Натурага қариб ишлаш.*** *(Қалам, тушь, перо)*

***Мақсад:*** *Ҳайвон ва қушлар тулумидан қаламчизги ва қораламалар чизишни ташкил этиш.*

*Тасвирлаш турлари: чизиқли, тусли, конструктив, ҳажмли, доғли силуэт тўғрисида билими, кўникмаларини орттириш. Ҳайвон ва қушларни композиция қонуни асосида тўғри жойлаштириш, малака ва кўникмаларини мустаҳкамлаш.*

***Вазифалар:*** *Хотирадан қаламчизги ва қораламалар чизиш.*

***Мустақил иш:*** *Ҳайвон ва қушларни педагогик расмини ишлаш. (Бўр, кўмир)*

***4. Мавзу: Тасвирий санъат музейига саёҳат***

***Мақсад:*** *Натюрморт, манзара жанридаги рассомлар ижодини таҳлилини қилиш, уларнинг мавзуси ва композицияси мазмуни билан таништириш.*

***Вазифалар:*** *Натюрморт, манзара жанридаги рассомлар ижоди билан яқиндан таниши.*
***Мустақил иш:*** *Тасвирий санъат терминологияси бўйича қисқача луғат-альбом тайёрлаш.*
***5. Мавзу: Натюрмортни натурадан тасвирлаш.*** *(Қоғоз,акварель,гуашь) - 8 соат.*
***Мақсад:*** *Декоратив натюрмортни таҳлилини қилиш, уларнинг мавзуси ва композицияси мазмуни билан таништириш.*
***Вазифалар:*** *Кўза, мевалар, гуллар ва матодан иборат декоратив натюрмортни ташкил этиш.*
***Мустақил иш:*** *Декоратив натюрмортнинг яратилишини ўрганиш ва таҳлилини қилиш - 2 соат.*

## 2. БЎЛИМ. КОНСТРУКЦИЯ, ШАКЛ, ТУС

***1. Мавзу: Натюрмортни уй-рўзғор буюмларини ўзига қараб қаламчизгиларини бажариш.*** *(Қалам, тушь, перо) - 4 соат.*
***Мақсад:*** *Нисбат, конструкция, шакл, тус, штрих, шаклларни конструктив қуриш, перспектив қисқариш ва тасвирни яхлитлиги ҳақида тушунчалари билан таништириш.*
***Вазифалар:*** *Идиш-товоқ, асбоб-анжомлар, инвентарь, санъат атрибутларини қаламчизгиларини бажариш*
***Мустақил иш:*** *Топшириқнинг педагогик расмини ишлаш - 1 соат.*
***2. Мавзу: Манзара бўлакларини тасвирлаш.*** *(Қалам, тушь, перо) - 4 соат.*
***Мақсад:*** *Манзара жанри, қоралама, қаламчизги, контраст, тасвирни яхлитлиги ҳақидаги назарий тушунчалар, шаклларнинг динамик ҳаракатлари, пластик тушунчалари билан таништириш.*
***Вазифалар:*** *Шохчалар ва тўнкалар, дарахтларни тасаввурдан ёки натурадан тасвирлаш*
***Мустақил иш:*** *Топшириқнинг педагогик расмини ишлаш - 1 соат*
***3. Мавзу: Натурадан инсон қоматини қораламаларини ишлаш.*** *(Қалам, акварель, гуашь) -5 соат*
***Мақсад:*** *Инсон қоматининг нисбат қурилишини каноник хусусиятлари ва масштаб нисбатлари асосида тасвирлаш тушунчалар бериш.*
***Вазифалар:*** *Натурадан инсон қоматини қораламаларини бажариш.*
***Мустақил иш:*** *Инсон қоматини график материаллар билан педагогик тасвирини ишлаш - 1 соат*
***4. Мавзу: Транспортни ҳар хил турларини хотирадан, тасаввурдан ва натурадан қаламчизгисини бажариш*** *(Қалам, тушь, перо) -4 соат*
***Мақсад:*** *Шакл ва конструкцияларни таҳлил қилиш малакаларини, умумийдан хусусийга қараб ишлаш кўникмаларини ўстириш.*
***Вазифалар:*** *Транспортларни хотирадан, тасаввурдан ва натурадан қаламчизгисини бажариш.*
***Мустақил иш:*** *Ҳар хил турдаги транспортни педагогик расмини ишлаш - 1 соат*
***5. Мавзу: Инсон калласини қаламчизгисини ишлаш.*** *(Қалам, акварель, тушь, перо) - 6 соат*

***Мақсад:*** *Портрет жанри, ракурс тушунчаларини, инсон калласини нисбат хусусиятларини ўзлаштириш, мураккаб шаклни конструктив таҳлил қилиш ва умумлаштириш ҳақидаги тасаввурини мустаҳкамлаш.*
***Вазифалар:*** *Натурадан – кесик каллани ишлаш.*
***Мустақил иш:*** *Инсон калласини педагогик расмини ишлаш. - 1 соат*

## 3. БЎЛИМ. ЁРУҒЛИК, ХАЖМ, ФАЗО

***1. Мавзу: Уй-рўзгор буюмларидан ташкил топган натюрмортни тасвирлаш.*** *(Қалам) - 12 соат*
***Мақсад:*** *Натюрморт жанри тасаввурини кенгайтириш, шакллар таҳлили, ёруғлик, материаллик, фазо, ҳажм, нисбат муносабатлари тўғрисидаги билим ва малакаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.*
***Вазифалар:*** *Чинни, темир, фаянс, матодан иборат натюрморт (шакл ва материаллари, тусли тўйинганлиги бўйича турлича бўлган буюмлар)*
***Мустақил иш:*** *Натюрмортнинг педагогик расмини доскада бўр билан ишлаш - 1 соат*
***2. Мавзу: Натурадан ҳайвон ва қушларни қораламаларини рангда бажариш (тулуми)*** *(Қоғоз, акварель) - 4 соат*
***Мақсад:*** *Натурани фазовий жойлашуви, унинг ҳажми, ёруғликни таъсирини таҳлил қилиш малакасини эгаллаш ҳақида маълумот бериш.*
***Вазифалар:*** *Натурадан ҳайвон ва қушларни қораламаларини рангда тасвирлаш (тулуми)*
***Мустақил иш:*** *Ҳайвон ва қушларни қораламаларини доскада график материаллар билан педагогик расмини бажариш - 1 соат*
***3. Мавзу: Қишлоқ манзарасини тасаввурдан кузатишлар асосида тасвирлаш.*** *(Қалам, акварель, тушь, перо) - 4 соат*
***Мақсад:*** *Перспектива, уфқ чизиғи, кўриш нуқтаси тушунчаларни мустаҳкамлаш, фазовий тасаввури ва кузатув хотирасини ўстириш тўғрисида маълумот бериш.*
***Вазифалар:*** *Қишлоқ манзарасини тасаввурдан кузатишлар асосида тасвирлаш*
***4. Мавзу: Қишлоқ манзарасини намунадан тасвирлаш.*** *(Қалам) - 4 соат*
***Мақсад:*** *Манзарадаги ёруғлик ва шаклларни таҳлили, умулаштириш, яхлитлик, мотив, тус ва массани фазовий ўзгариши тугунчалари тўғрисида маълумот бериш, манзара жанрини классик намуналари орқали таништириш*
***Вазифалар:*** *Намунадан манзарани тасвирлаш*
***Мустақил иш:*** *Манзарани график материаллар билан доскада педагогик расмини ишлаш - 1 соат*

***5. Мавзу: Уй-рўзгор буюмлари ва табиат шаклларидан иборат бўлган натюрмортни тасвирлаш.*** *(Қалам, гуашь) - 16 соат*
***Мақсад:*** *Ёруғликни таҳлили ва рангларнинг ёруғликда ва соядаги ўзгаришларини ўзлаштириш. Локал ранглар, мураккаб ва қўшимча тўғрисида маълумот бериш*
***Вазифалар:*** *Аниқ рангларда сабзавот ва мевалар, идиш-товоқлардан иборат бўлган натюрмортни бажариш*
***Мустақил иш:*** *Натюрмортни бўр билан тус орқали педагогик расмини бажариш - 1 соат*
***6. Мавзу: Саёҳат – тасвирий санъат музейида суҳбат.***

***Мақсад:*** *Портрет композицияси ва психологик хусусиятларини муҳокама этиш*
***Вазифалар:*** *Тасвирий санъат ва санъат тарихи билимларини қўллаш.*

## 4. БЎЛИМ. ФАЗО ВА ПЕРСПЕКТИВА

***1. Мавзу: Фазода фонни ҳисобга олган ҳолда буюмларни перспективада, тусда ва ранглар муносабатида қаламчизги ва ранглавҳаларини бажариш.*** *(Қалам,акварель,гуашь) - 4 соат*
***Мақсад:*** *Буюм ва фонларни фазовий муносабатларини аниқлаш, буюмларни фазовий перспектив тасвири тўғрисидаги тасаввурини мустаҳкамлаш*
***Вазифалар:*** *Гуллар, мева ва сабзавотлар, қуш тулуми, асбоб-анжомлар, матоларни тасвирини бажариш*
***Мустақил иш:*** *Натурадан тасвирлаган натюрмортни педагогик расмини машқлари - 1 соат*
***2. Мавзу: Натурадан шаҳар манзарасини ранглавҳасини тасвирлаш.*** *(Қалам, тушь, перо) - 4 соат*
***Мақсад:*** *Чизиқли ва ҳаво перспективалар тушунчаларини мустаҳкамлаш, турли кўриш нуқталаридан фойдаланишни ўргатиш.*
***Вазифалар:*** *Натурадан шаҳар манзарасини ранглавҳасини бажариш*
***Мустақил иш:*** *Хотирадан шаҳар манзарасининг педагогик расмини бажаришга оид машқлар - 1 соат*
***3. Мавзу: Натурдан интерьерни перспективада қаламчизгисини тасвирлаш.*** *(Қалам, тушь, гуашь) - 4 соат*
***Мақсад:*** *Интерьер, контражура тушунчаларини ўзлаштириш, перспектива қонуниятлари тўғрисидаги тасаввурларни мустаҳкамлаш*
***Вазифалар:*** *Интерьерни перспективада қаламчизгисини бажариш*
***4. Мавзу: Натурадан интерьерни инсон қомати билан қаламчизгисини тасвирлаш.*** *(Қалам, тушь,перо) - 4 соат*
***Мақсад:*** *Репродукция ва асар намуналари орқали маиший жанр ҳақида маълумот бериш*
***Вазифалар:*** *Натурадан интерьерни инсон қомати билан қаламчизгисини бажариш*
***Мустақил иш:*** *Хотирадан интерьерни инсон қомати билан педагогик расмини бажариш - 1 соат*
***Назорат иш.*** *(Қалам, акварель, гуашь) - 8 соат*
***Мақсад:*** *Тавсия этилган турли уй-рўзгор, мева, сабзавотлардан натюрморт қўйилмасини тузиш ва натюрмортни рангда бажариш*
***Вазифалар:*** *Узоқ муддатли рангли натюрморт устида ишлаш*

# ҚАЛАМТАСВИР – ТАСВИРИЙ САНЪАТНИНГ АСОСИ



***«Қаламтасвир бу рангтасвир, ҳайкалтарошлик, меъморчиликнинг энг юқори нуқтаси, барча фанларнинг илдизи ва манбаидир»***

***Микеланджело Буанаротти***

Тасвирий санъатнинг барча турларининг асоси қаламтасвир ҳисобланади. XVIII асрдан бошлаб «қаламтасвир» чизиқлар ёрдамида образ яратиш сифатида тасвирни белгиловчи атама ҳисобланиб, барча санъат турларидаги буюмнинг - шакли, ўлчами, тузилиши ва характерини белгилаб берувчи муҳим хусусиятлари билан таништиради.

Қаламтасвир хусусиятлари шартли равишда тасвирлашни бир неча турларга бўлади.

Қаламтасвирнинг тасвирлаш воситалари ишлатилиши бўйича чизиқли ва тусли бўлади. Чизиқли расм қоида бўйича оч, енгил ва умумлаштирилган бўлади. Чизиқлар орқали бадиий образ яратилади, жадваллар, шартли чизмалар, синф тахтасидаги тасвирлар шулар жумласидандир.

Тусли тасвирлар муҳитдаги буюмнинг ҳажмлилиги, ёруғлиги, фактураси ва фазовий муносабатларини тўлиқ таърифини беради. Бундай расмларни ёруғ - сояли ва тусли деб аталади.

Айрим буюмларнинг шарпаси ва ташқи кўриниши орқали характерли. Шунинг учун бундай кўринишларни тасвирлашда айрим ҳолда тусли тасвирнинг оддий тури танланади, бу силуэт деб номланади, яъни бир хил текис тус билан қопланиб, ташқи кўриниш чизиғи орқали бажариладиган тасвир.

Қаламтасвир бажариш услубига кўра асл нусха (оригинал) ва босма турларга бўлинади. **Асл нусхали расм** рассом томонидан ўз қўли билан яратилган ягона намуна ҳисобланади. **Босма расм** эса қоғоз юзасига қолипдан туширилган расмдир ва у **эстамп,** деб юритилади. Эстампнинг бир неча кўриниши мавжуд: **гравюра, линогравюра, литография.**

Қаламтасвир ишлатилишига кўра академик ва ижодий тасвирларга ажралади. **Академик қаламтасвир** – бу узоқ вақт давомида тасвирлашга ўргатиш, турли шакл ва белгиларни ўрганиш ва тасвирлашнинг усулларини ўзлаштириш мақсадида бажариладиган расм. Унга буюмнинг ташқи кўриниш тасвирини белгиловчи барча асосий хислатларини қайд қилиш тааллуқлидир.

**Ижодий қаламтасвир** – бу рассомнинг фикри, ҳиссиёти ва дунёқарашини образли тарзда ифодаловчи тасвирий санъат асари.

Ўкув ва ижодий ишларда **қоралама, қаламчизғи, этюд, эскиз** иборалари кенг қўлланилади. **Қоралама, қаламчизғи** деб қисқа вақтли тасвирга айтилади. Буюм тасвири ёки унинг қисмларининг мукаммал ўрганилиши этюд орқали амалга оширилади. Этюдларда ва қораламаларда чуқур ўрганилиб йиғилган ҳақиқий материаллар ижодий расм ёки асарлар яратилиш мобайнида фойдаланишга мўлжалланган дастлабки қаламчизғилар **эскиз**, деб юритилади.

**Қаламтасвир**

Ўкув



Қисқа вақтли



Чизиқли



Ижодий



Техник



Тусли



**Перспектива қонуниятлари**

Кундалик ҳаётимизда ишлатилаётган ва теварак - атрофимизни қуршаб турган нарсаларга назар ташлайдиган бўлсак, яъни темир йўл ёки кўчанинг ўртасида туриб, диққат билан қаралса, кўча четлари, темир йўл излари узоқлашган сари ўзаро яқинлаша бориб, гўё бир нуқтада учрашаётгандек кўринади. Дарахтларнинг яшил бўлиб кўринаётган ранглари узоқлашган сари кўк эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Табиатдаги нарсаларнинг ана шундай

кўринишини қоғоз ёки бирор бир буюм устида тасвирлаш билан шуғулланадиган фан **перспектива** дейилади.

**Перспектива** французча сўз бўлиб (la perspective), «узоққа қараш», юнончада эса «ойна оркали тўғри ва аниқ кўряпман», маъносини билдиради.

Перспектива қонунлари жуда ҳам кўп, лекин биз уларнинг энг асосийларидан фойдаланамиз. Рассом расм чизганда перспективанинг кузатиш, чизиқли ва фазовий турларидан кенг фойдаланади.



Темир йўл перспективаси.

**Кузатиш перспективаси** бу кенгликни бевосита кузатиш, чамалаш асосида юритилади. **Чизиқли перспективанинг** маъноси геометрик қурилиш услубига асосланишига таянади. **Фазовий перспектива** нарсаларни кузатувчидан узоклашган сари ҳаво муҳити таъсирида тус ва ранглар ўзгаришини ўрганади.

Перспективада тасвир моҳиятини тушуниш учун унинг асосий тушунчаларини ўзлаштириш лозим: **уфқ чизиғи, кесишиш нуқталари, картина текислиги, кўриш нуқтаси.**

**Уфқ чизиғи - кўз баландлигида жойлашган фаразий текислик**.

**Картина текислиги** эса расм чизаётган киши билан тасвирланаётган нарса ўртасидаги текислик. **Кўриш нуқтаси** деб кенгликда жойлашган нарсалар кузатилаётган жойга айтилади. **Кўриш майдони** - тасвирловчининг кўриш чегараларига олинган кенглик қисми. **Кесишиш нуқталари:** чизиқлар ёрдамида перспектив тасвирлар қурилади ва чизиқлар уфқ чизиғида учрашади. Учрашган жойлари кесишиш нуқталари, деб аталади.

Тасвирни чизишда перспективанинг қуйидаги асосий беш қоидасини билиш лозим:

1. Буюмлар кузатувчидан узоклашган сари кўзга кичрайиб кўринади
2. Тасвир текислигига параллел жойлашган горизонтал чизиқлар доимо горизонтал ҳолатда чизилади.
3. Тасвир текислигига параллел бўлган тик (вертикал) чизиқлар ҳар доим тик ҳолатда чизилади.

4. Тасвир текислигига параллел бўлмаган, аммо ўзаро параллел бўлган тўғри чизиклар уфқ чизиғининг бир нуктасида учрашади.

5. Айлана шаклни уфқ чизиғидан аста-секин юқори кўтара бошласак, айлана қисми эллипс шаклига айлангандек туюлади. Унинг устки айланаси кўзимиз баландлигига етганда эллипс тўғри чизиқ бўлиб кўринади. Айлана ва эллипс энининг ўлчами перспективада ўзгармайди.

Перспектива қонунияти пайдо бўлмай туриб, ибтидоий одамлар томонидан яратилган қоялардаги тасвирларда узоқдаги нарсалар расми тепарокда, якиндаги нарслар эса пастрокда, лекин бир хил катталикда тасвирланган. Яъни, у вақтларда перспектива тушунчаси ва қонунлари асоси ишлаб чикилмаган эди.




Айлана перспективаси.

Уйғониш даврининг буюк сиймоси - италиялик машҳур рассом Брунелески ҳамда Пьеро Делла Франческо (1416 - 1492), Леонардо да Винчи (1452 - 1517), немис рассоми ва графика устоси Альбрехт Дюрер (1473 - 1528) биринчи бўлиб перспектив аппаратда тасвирни ясашда кўриш нуктасининг кўзғалмас эканлигини исботлади ва булар тўғрисида конунлар ишлаб чикди.

Расм чизишда уфқ чизиғини тўғри белгилаш катта аҳамиятга эга. Талабалар кўпинча уфқ чизиғини топишда кийналишади. Уфқ чизиғи ҳар доим бир хил баландликда бўлавермайди. У кишининг қаерда туриб қарашига боғлик. Уфқ чизиғи аудиторияда ва бошқа жойларда талабаларнинг турли жойда ўтирганликлари учун ҳаммага ҳам бир хилда кўринмайди. Аслида, уфқ текислиги кузатувчининг бўйи (паст, баланд) ва ҳолатига қараб пастда ва юқорида бўлиши мумкин. Уфқ чизиғини топиш учун расм дафтари ёки калин қоғозни горизонтал ҳолатда ушлаб, кўз рўпарасига келтирилади. Шунда унинг олд ва орқа томони бир чизикка келади, демак, уфқ чизиғи ана шу чизиқ оркали ўтади.

923463




Уфк чизиғини турли ҳолатдаги кўриниши.

Уфк чизиғини кубнинг тасвирида кўриш мумкин. Турли ҳолатда (паст, баланд, уфк чизиғи устида) жойлашган кубнинг тасвири битта кесишиш нуктаси билан тасвирланиши, шунингдек, ўша кубнинг ўзини иккитта кесишиш нуктасидаги кўриниши берилган.



Фронтал персиективаси.



Бурчакли перспектива.

Кубнинг тасвирлаш усулидан фойдаланиб, атрофдаги нарса ва буюмларнинг тасвирини тасвирлаш мумкин. Мисол тариқасида, уфк чизиғидан пастда жойлашган сандиқнинг тасвирини ва бошкаларни кўрамиз.

**Тасвирлаш жараёнининг методик босқичлари:**

Тасвирлаш тартибида қўйилманинг тузилишига караб қоғоз варағи вертикал ёки горизонтал ҳолатда бўлиши аниқлаб олинади. Ундан кейин буюмнинг ташқи шакллари кузатилиб, қўшимча чизиқлар ёрдамида геометрик шакли ҳамда амалда қандай мақсадларда ишлатилиши таҳлил қилинади. Буюм бўйининг энига нисбати аникланади.




Тўгри жойлаштириш композицияси.

Биринчи босқичда буюмнинг умумий шакли ва тасвирнинг нисбати, ўлчами ҳисобга олиниб, қоғозда унинг жойлашиши (композиция) аникланади. Шунингдек, буюмнинг асосий нисбатлари, унинг ўлчами, конструктив қурилиши ҳамда перспектив қисқариш қоидаларига риоя қилган ҳолда тасвирланади.

Иккинчи босқичда буюмнинг асосий қисм ва майда бўлакларининг, ўзаро жойлашуви аниқлаб олинади. Тасвир чизишда қўлланилган ёрдамчи чизиклар ўчириб ташланади ва буюм билан тасвирланган иш солиш-тириб кўрилади. Соялари штрихланади.



1 боскич



2 боскич.
3-4 боскич.



Учинчи боскичда тасвирдаги буюм ёруғ-соясининг катта қисмлари штрихланиб, оч-тўқлиги аниқланади.

Тўртинчи босқичда тасвирланаётган буюмнинг ёруғ, соя, яримсоя, рефлекс, шуъла кисмлари аниқланади. Шаклларнинг характери, фактураси кўрсатилиб, иш бутун бир яхлитликка келтирилган ҳолда тугалланади.



## Нукта, чизик (чизикли тасвир) ва штрих

Тасвирий санъатда нукта, чизик ва штрих расм чизишда энг асосий вазифани бажаради. Уларсиз ҳеч қандай расмни тасвирлаб бўлмайди, шу сабабли уларнинг амалий методик бажарилишини алоҳида кўриб чиқамиз.

**Нукта.** Қоғоз юзида тасвирланаётган чизиқ нуқталардан иборат. Агарда битта нукта қора доғ сифатида қабул қилинса, иккита нуқта ораси туташтирилиши натижасида чизиқ ёки бирон-бир буюмнинг қирраси ташкил бўлади. Текисликдаги бир неча нуқталарни бир-бири билан туташтирсак, бирон-бир буюмнинг умумий шакли пайдо бўлади.

Тасвирий санъатда, айниқса, чизматасвирда қўлланиладиган нуқталар **таянч нукта**, дейилади. Шу таянч нуқталар орқали буюм шаклининг конструктив тузилиши ҳосил бўлади. Масалан, тасвирдаги одам бошининг таянч нуқталари конструктив қурилишида асосий ўринни бажараётгани

кўрсатилган: энгак кўтармаси, бурун, кош ўртаси ва пешона нукталари умумий бошнинг профиль чизиғини тасвирлаб, конструкциясини куришда катта ёрдам беради. Бошланишида бундай таянч нуқталар кўплаб ишлатилади. Масалан, икки ёнок суягининг таянч нукталари билан энгак кўтармасининг нуқталари умумий юзнинг олд томони текислигини ҳосил қилади.

Таянч нукталар шу билан бир қаторда қоралама чизгилар тасвирлашда ҳам кўп қўлланилади ҳамда чизикли тасвирлашни бошланғич асоси бўлиб ҳисобланади.



Таянч нукталар.

**Чизикли тасвир.** Чизик хар бир буюмнинг шакл чегарасини белгилаб, унинг марказий ўкларн билан ёрдамчи чизиқларида хам бўлади.

Чизиклардаги нукта ҳаракатсиз, нуктадан чизикларга туташтирилганда эса чиройли эгилувчан маълум бир мазмунли шакл ҳосил бўлади. Чизиқлар айрим жойда йўгон, баъзида ингичка, ҳаттоки, кўринар-кўринмас ҳам бўлади ва ёркин пластик эгилувчан излар ҳосил килади.

Расм чизишда тасвирлашнинг асосий икки тури мавжуд: **чизикли тасвирлаш ва тусли тасвирлаш**. Уларнинг асосийси чизикли тасвирлаш. Чунки тусли тасвирлаш (штрихлаш ёрдамида бажарилади) чизикли тасвирдан кейин бажарилади.



Ҳар бир даврда чизикли тасвирлашнинг моҳир усталари бўлган. Масалан, Леонардо да Винчи, Рафаэль Санти, Ренато Гуттузо, Пабло Пикассо ва бошқалар шулар жумласида. Улар чизикли тасвирлаш оркали инсонларнинг ички дунёсини, фалсафий фикрни талқин қила олишган.

Буюк рассом П. Пикассонинг **«Раккосалар»** асари чизикли тасвирлашга мисол бўла олади. Рассом юқори динамик ҳаракатни, пластик эгилувчанлик, одамларнинг ички руҳий кайфиятини моҳирона кўрсата олган.

**Штрих.** Штрих билан чизиқ орасида фарқ бор. Чизиқ юқорида қайд қилингандай бирон-бир буюмнинг чегарасини яратса, штрих шу буюмнинг ёруғ-сояларини оч-тўқлигини кўрсатиб, унинг хажмини яққол тасвирлайди.

Штрих кўп қиррали умумий чизиқларнинг йиғиндиси. Уларнинг йўналтирилиб тасвирланиши буюмнинг шаклига ва катта-кичиклигига боғлиқ. Шу сабабли штрихлаш буюм шаклига қараб қўлланилади.



Штрихларнинг бир неча турлари мавжуд, улар қуйидагилар: бир йўналишдаги тўғри штрихлар, ётиқ штрихлар, айлана шаклдаги штрихлар ва бошқалар. Булардан ётиқ штрихлар кўпроқ қўлланилади.

Штрихларнинг кенгликни, чуқурликни тасвирлашда ҳам ўз ўрни бор. Олдинги қаторда жойлашган штрихлар аниқ ифодаланса, олисдаги чизиқлар узоқлашган сари бир-бири билан туташиб, фазовий кенгликни тасвирлайди. Бу ҳолат кўпроқ тасвирловчининг тажрибаси ёки моҳирлигига боғлиқ.

Қуюқ соялар бир қават штрихлаш билан қопланмайди, уни бир неча марта босқич штрихлар билан юритиш лозим. Ҳар бир юритилган штрихлар йўналиши озгина ўзгартириб берилади. Штрих чизиқлар оралиғи бир-бирига яқин жойлаштирилади. Кичик ҳажмдаги тасвирлар ёки тасвирланаётган буюмнинг майда қисмлари қисқача штрихлар билан бажарилади. Масалан, одам бошининг кўз, бурун, оғиз ва бошқа қисмларини тасвирлашда қисқача штрихлардан фойдаланилади.



Узунроқ штрихлар кўпроқ катта ҳажмли тасвирни, текисликларни, сояларни ёки қоралама расмларни чизишда қўлланилади. Тасвирда тус штрихлар йиғиндиси билан кўрсатилади. Буюм туси, унинг фактураси штрихлар ёрдамида кўрсатилиб вазифани туғаллаш вақтида асосий ўринни эгаллайди.

## Ёруғ ва соя қонуниятлари

Буюмларнинг ёруғ ва сояларини тўғри тасвирлай олиш реалистик расм чизишда муҳим аҳамиятга эга. Аслида буюмларнинг ёруғлик тушаётган томони ёруғ, унинг тескари томони эса соя бўлади.



Буюмларнинг ёруғланиш даражаси ёруғлик манбаига боғлиқ. Ёруғлик манбаи қанчалик кучли бўлса, буюмнинг ёруғ қисми шунчалик тиниқ бўлади. Буюмлардаги ёруғ ва соя ўртасидаги қисмига яримсоя, деб юритилади. Улар буюмнинг шаклидан келиб чиққан ҳолда турли хил кўринишга эга бўлади. Масалан, шар шаклидаги предметларда яримсоя ҳалқа шаклида бўлса, призматик шаклдаги буюмларда у тўғри тўртбурчак ёки трапеция шаклида бўлади.




1-3 – ёруғ; 2 – энг ёруғ жойи; 4 – яримсоя; 5 – шахсий соя;
6 – рефлекс; 7 – тушувчи соя.

Буюмларнинг ёруғ қисми ўртасида ялтироқ текислик мавжуд бўлади. Бу текислик блик, деб юритилади. Бундай бликлар ўзидан ёруғликни кучли қайтариш хусусиятига эга буюмларда мавжуд булади (металл, чинни, шиша ва

б.). Буюмнинг соя кисмида кўпинча теварак-атрофдан (масалан, буюм турган сурат текислигидан) акс этган ёруғ кўринади. Уни рефлекс деб юритилади.

Соялар икки хил бўлади: **шахсий ва тушувчи соялар**.

**Шахсий соя** деб буюмнинг ўз танасида жойлашган соясига айтилади. Бирон буюмдан бошқасига ёки текисликка тушган сояга – **тушувчи соя,** деб юритилади.

Буюмларнинг фазовий ҳолати ва ҳажмини реалистик тарзда тасвирлаш учун уларнинг қай ҳолатда турганлигини аниқлаш билан бир қаторда ёруғ ва соя қонунларини пухта билиш ва уларни амалда қўллаш юзасидан маълум ишлар олиб бориш керак бўлади.

Маълумки, буюмлар ёритилганда, уларнинг юзасидаги ёруғ ва сояларнинг характери буюмларнинг шаклига кўра (масалан, цилиндрик, конуссимон ва тўғри тўртбурчак) ҳар хил бўлади. Буюмларнинг ҳажмини тасвирлашда уларнинг тузилишига кўра, қалам юритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, буюмларнинг ёруғ-сояларини тасвирлашда қаламни қаттиқ босмаслик керак. Ёруғ-сояларнинг қоидаларини пухта ўзлаштириш учун ушбу машқларни тавсия этамиз. Текис юзани ва шар, цилиндр, конус каби шаклдаги юзани штрихлаш йўллари кўрсатилади ҳамда очдан тўққа ўтиш машқлари берилган.

Буюмларни қандай ёруғлик манбаи ёритаётганини аниқлаш муҳим. Аслида ёруғлик манбаи табиий ва сунъий бўлади.



Табиий ёруғлик манбаи буюмларга нисбатан жуда узоқ бўлгани учун унинг нурлари буюмларга деярли параллел йўналган бўлади. Шунинг учун расм чизаётганда бунга риоя қилиш муҳим.

Қуёш нурлари туш пайтида буюмларга тикроқ тушиши натижасида соялар анча қисқа, эрталаб ёки кечроқ нурлар оғганлиги учун улар узунроқ

бўлади. Шунингдек, буюмларга куёш нурлари чап, ўнг, олд ва орқа томонлардан тушиши мумкин.



Сунъий ёруғлик нурлари ҳамма томонга маълум радиус бўйлаб тарқалади, деб қабул қилинган. Ёруғлик манбаи қанчалик паст бўлса, соялар шунчалик узун бўлади ва аксинча, ёруғлик манбаи қанчалик юқори бўлса, соялар шунчалик қисқаради.



Сояларнинг ёруғликка яқин қисми тўқроқ, ёруғликдан узоқлашган сари улар очроқ, хирароқ бўлиб боради.



Буюмларнинг фазовий холати ва хажмини реалистик тарзда тасвирлаш учун уларнинг кай холатда турганлигини аниклаш билан бир каторда ёруғ ва соя конунларини пухта билиш ва уларни амалда қўллаш юзасидан маълум ишлар олиб бориш керак бўлади.

## Уй-рўзғор буюмларидан натюрмортни тасвирлаш

Натюрморт қўйилманинг асосий вазифаси – турли буюм ва шаклларни тус воситалари оркали тасвирлашдан иборат.

Таълимий вазифанинг асосий максади буюмларнинг шакли, ранги, тузилиши, фазовий холати жихатдан бир-биридан фарк килишига амалий иш жараёнида алохида ахамият бериш.

Қўйилмадаги буюмларнинг ўлчамлари турлича бўлиши максадга мувофик. Кичикрок буюмлар олдинрокда, йириклари оркарокда жойлаштирилади.

Натюрморт композициясини тўғри топиш максадида алохида кичик ўлчамда хомаки тарзда коғозга чизиб кўрилади. Расм композицияси топилгандан сўнг асосий ишга ўтилади.

Қўйилмани чизганда ундаги хамма буюмларни баравар тасвирлаш лозим. Акс холда расмда бир буюмнинг ўлчами каттарок ва иккинчисиники эса кичикрок бўлиб, расм композицияси бузилади. Шунинг учун қўйилмадаги барча буюмларнинг умумий баландлиги ва эни когозда ёрдамчи чизиклар билан белгилаб олинади.

Сўнг натурадаги хар бир буюмнинг ўлчами жихатдан ўзаро фарки, ораларидаги масофа, ёруғ ва сояларнинг фарки, тус нисбатлари кўз билан чамалаб аниклашга ўтилади.

Қўйилма уфк чизиғидан пастрокка жойлаштирилган бўлиб, унинг горизонтал текислиги аникланади. Гипсли накш оркарокда ва баландликда ўрнатилган, сопол идиш ва мевалар олдинги кўринишда жойлашган.

Кейин мевалар ва сопол идишнинг умумий шаклини билдирувчи чизиклар хамда симметрик ўклар ва накшли гипс моделининг тахтача асоси белгилаб чизилади. Сўнгра мева ва сопол идишнинг устки, пастки асослари ва накшнинг

ён томон йўналишлари перспектива конуниятига асосланиб белгиланади. Накш гулининг турган жойини аниклаш учун тахтача асоси ўртасидан ёрдамчи профил чизиги юритилади (  - расм).



а б в

Сопол идиш симметрик шаклдаги буюм хисобланиб, у цилиндр ва шар шаклларидан ташкил топган. Ўтказилган симметрик ўкдан сопол идишнинг баландлиги хамда энининг ўлчами топилади. Сопол идиш уфк чизигидан бир оз пастрокка қўйилганлиги учун унинг устки ва остки асослари эллипс шаклда кўринади. Сўнгра сопол идиш бўйи ва энини белгиловчи чизикларни туташтириш оркали умумий шакл топилади.

Шаклини йирик яхлит кисмидан майда бўлакларига кетма-кетликда бажарилади. Таккослаш усули оркали бўлакларнинг нисбатлари бир-бирлари билан хамда яхлит аниклаб борилади. Бу боскичда буюмларнинг кўринмас чизиклари хам чизилади. Бу усул буюмларнинг фазодан ўрин олиб турганини кўрсатишда ўкувчиларни янглиштирмайди.

Буюмларни тасвирлаш ёруг ва соя коидаларига риоя килган холда олиб борилади. Албатта натурадаги буюмларнинг ўртасидаги оч-тўкликнинг фаркини саклаган холда хамда материаллик фактурасини кўрсатиб тасвирлаш керак.

Сунггра олдинги ва орка кўринишда жойлаштирилган буюмларнинг тус муносабатлари умумлаштирилади, нихоят, расм ишлаб битказилган, деб хисобласа бўлади.

## Гипсдан ясалган орнаментни тасвирлаш

(геометрик орнаменти)

Вазифанинг асосий максади орнаментни конструктив жихатдан курилиши, шакл хажми ва фактурасини тўгри ифодалашдан иборат.

Берилган вазифани амалга оширишда рельефли орнаментни бажариш максадга мувофик. Орнамент сўзи лотинча – «Ornamentum» - безак, накш деган

маъносини билдиради. Шунингдек, геометрик шакллар билан ўсимлик ёки ҳайвонлар оламидан олинган тасвирларни бирлаштириб, уйғунлаштириб ишланган бўёкли, ўйма ёки чизма накш, безакларга айтилади.

Орнаментнинг конструктив курилиши ва уни ёруғ-соя тусини белгилаш чизувчилардан диккат-эътиборни талаб этади. Орнамент чизувчиларга нисбатан кўз баландлигида оч-кулранг фонда жойлаштирилади. Тасвирловчи орнаментни ён томондан кузатиб, айрим перспектив кискаришларнинг каламтасвирини бажаришлари максадга мувофик бўлади.

Орнаментнинг умумий шаклини бажариш жараёнида унинг асосий нисбатлари – гипс бўйининг узунлигига ҳамда эни ва чукурлигига нисбатан тўғри белгилаб олиниши муҳим.

Устки кисм шаклини тасвирлашда чизувчи шаклларнинг симметрик жойлашганини кўради. Бу уларни ҳар бир бўлакни янада диккат-эътибор билан таҳлил этишга йўналтиради.

Ҳакконий тасвирлашнинг асосий конунларига асосан геометрик накшни таҳлил этиб, унинг характерли бўлаклари аникланиб, боскичма-боскич тасвирланади.

Коғоз юзасида жуда енгил чизиклар билан орнамент томонларининг нисбатига караб коғозда тик ёки ётик ҳолда ифодаланади.

Гипсли накш намунасининг вертикал текисликка нисбатан оғмалиги, томонлардан бирининг иккинчисига нисбати, перспектив кискариш ва уфк чизиғининг кандай ҳолда туриши чизикли конструктив усулда бажарилади. Сўнг тасвирланган симметрик гуллар элементи аникланади. Бунинг учун накш гулнинг айланаси энг юкори ва пастки кисми ҳамда чекка нукталари белгиланади.

Маълумки, ушбу розетканинг томонлари, бир-бирига тенг ва симметрик бўлгани учун уни тенг иккига бўлиб ўтувчи нукталардан горизонтал ва вертикал тўғри чизиклар ўтказилади.



Ўтказилган вертикал чизик бир-бирига параллел бўлса, горизонтал чизик ганч асосининг юкори ва пастки горизонтал кирраларига параллел бўлади. Чунки бу тўғри чизик чизувчи кайси нуктадан туриб тасвирлаётганига караб

перспектив кискариб боради ва маълум масофага бориб бир нуктада учрашади (кесишади). Сўнг устидаги гулнинг барг бўлаклари калинликлари белгиланади ва улар чизиқлар оркали бирлаштирилади. Бу вазифанинг 2-боскичи ҳисобланади.

Кейинги боскичларда устки накш гулнинг барглари, текисликларнинг бир-бирига нисбатлари топилади. Сўнг орнамент бўлакларидаги ёруғ ва соя, ярим соялар, ёруғлик манбаининг тушишига караб кандай ўзгарилиши аникланади. Соялар бошланғич боскичда енгил штрихлар асосида бажарилади. Накш баргларининг ёруғ ва сояларини ҳеч качон алоҳида-алоҳида ишлаш ярамайди. Тасвирланаётган ҳар бир бўлакни бир-бирига таккослаган ҳолда баробар олиб бориш, тугалланганлиги жиҳатдан бир-бирига мувофиқ бўлиши керак. Ушбу методик босқичнинг тўғри бажарилиши иш жараёнида килинган хато ва камчиликларни ўз вактида тузатишга ёрдам беради (3 - боскич).

Вазифада боскичма-боскич иш юритиш, яъни орнаментни коғозда тўғри жойлаштириш, ҳар бир бўлакни конструктив чизикли куриш ва ҳажмлари устида иш олиб бориш оркали бири иккинчисини тўлдириб боради.



Гипсли симметрик бўлмаган орнаментни ҳам юкорида бажарилган методик боскичларда амалга оширилади.

Гипсли орнаментнинг тасвирини тўғри бажаришда чизувчилар куйидаги конун ва коидаларга амал килишлари зарур:

1. Белгиланган ихтиёрий коғоз сиртида тасвирланаётган натуранинг чекка қирраларини белгиланган ҳолда композициясини тўғри жойлаштириш.

2. Натурадаги шаклларнинг асосий таянч нуқталарини белгилаб, улардан бирининг иккинчисига бўлган нисбатларини перспектив қонун-қоидалар асосида тасвирлаш.

3. Шаклларни чизикли конструктив равишда қуриш, натурада қўйилган асосий бўлакларни белгилаш.

4. Тасвирланаётган шаклларнинг характерли хусусиятларидаги тушувчи ва шахсий сояларни белгилаш ва алоҳида бўлакларга ишлов бериш.

5. Натурадаги барча буюмларни тус жиҳатдан яна бир бор кўриб, қўйилмадаги шаклларнинг характерини аниқлаш ва ёруғли, яримсояли, сояли ва рефлекси мавжуд жойларини аниқлаш. Буюмни бутун бир яхлитликка бўйсундириш ва ишга якун ясаш.

Ушбу методик кетма-кетликка риоя қилиб тасвирни тўғри бажарган ўқувчи вазифадаги қўйилган мақсадга эришади ва кейинги вазифаларни бажаришида у муҳим восита ҳисобланади.

Олинган назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш учун мустақил равишда «Беда гули», «Капитель» ва шу каби гипсли нақш орнаментларини тасвирлаш мақсадга мувофиқ.



## Гипсли буюмлардан тузилган натюрморт қаламтасвири

(гипсли ваза, шар ва мато бурмалари)

Натюрморт чизматасвири вазифасининг асосий мақсади йирик ҳажмдаги шакл ва ёруғ-сояларнинг қурилиш усулларини ўрганишдан иборат.

Антик вазаларни[1] чизишда, нисбатларни аниқлашда кўз билан чамалашни машқ қилиш муҳим мезон ҳисобланади. Тавсия этилаётган амфора[2] ҳам шулар қаторидадир.

Бу вазифани методик жиҳатдан бажариш жараёнида симметрик қуриш принципини қўллаш муҳим аҳамият касб этади, негаки, у симметрия ўқининг икки томонидаги бир хил шаклни таққослаш ва қуришга асосланган. Айни бир вақтда симметрик қуришни билиш ўқувчиларнинг одатий иш услубига айланган бўлиши керак (бу усул кейинги – инсон комати ва калласининг чизматасвир ишларида доимий қўлланилади).

Бурма мато, шар ва вазанинг чизматасвирини ишлашда тасвирланаётган буюмларнинг материал фактурасини ҳам кўрсатиш талаб этилади (гипс, мато ва текисликнинг ёруғлик юзаси). Матонинг қандай жойлаштирилганлиги қўйилманинг асосий буюми ҳисобланган вазанинг оқ бир хил туслигини ва шаклини кўрсатишига бевосита хизмат қилади. Шунингдек, вазанинг шакли ва гипс фактурасини аниқ кўрсатадиган мато, ёритгич ва фонлар муҳим аҳамиятга эга. Ёритгич юқори ён томонидаги кучсиз ёруғлик манбаидан туширилади, фони эса тушувчи сояларга нисбатан очроқ бўлиши керак ( _ - расм).



Ишнинг биринчи босқичи вазанинг конструктив қурилишидан бошланади. Бу ерда тасвирни енгил ёрдамчи чизиқлар билан узлуксиз текширилиши талаб этилади.

---

[1] Антик ваза (франц. Vase, лот. Vas - идиш) - қадимги турли материаллардан ясалган, суюқ маҳсулотлар сақлаш учун ишлатилган идиш, гулдон, шунингдек, безак буюми. Унинг шаклига кўра – амфора, арибалл, гидрия, киаф, килик, лекиф, псиктер, скифос турларига бўлинади.

[2] Амфора (лот. Amphora, юнон. amphoreus) лой ёки металлдан ишланган идиш, юқори қисми кенгайтирилган, пастки қисми торайтирилган бўлиб, йингичка оғзи билан иккита учлағичи мавжуд



Ишнинг кейинги босқичларида тасвирнинг ёруғ-соя тусини белгилаш мураккаб жараён эканлиги ҳисобга олиниб, нозик енгил штрихлар ёрдамида бажарилади.

Тус муносабатлар бирлиги ҳақида эслаб, шакл бўйича кетма-кетликда туснинг айрим жойи тўқроқ ёки очроқ бўлишини аниқ тасаввур қилиб штрихлар бериш лозим.

П. Чистяков бу ҳақда шундай дейди: «ҳар доим мулоҳаза юритиш лозим: «Бу ердан у ерга, шакли бундай» ҳамда натурани тез-тез кузатиш керак...». «... ҳеч қачон индамай расм чизма, ҳар доим ўзингга бирор-бир вазифани белгилаб ол ...».



Таваккалига ишлаш дегани натурадан мақсадсиз ёруғ-соялар қонуниятларига амал қилмасдан оч ва тўқ жойларини кўчиришдир.

Бундай иш жараёнида қаламтасвир фақатгина умумий қорайтиришга ва муттасил тузатишларга олиб келади.

Ушбу методик кетма-

кетликка риоя килиб тасвирни тўғри бажарган чизувчи вазифадаги қўйилган максадга тўлик эришади ва кейинги топширикларни аник бажаради

## КАЛЛА СУЯГИНИ ЧИЗИШ



Калла суяги бошнинг асосини ташкил этади. Ўзининг шакл жиҳатдан жуда мураккаблигига сабаб суякларнинг суяк чоклари ёрдамида бир-бири билан кўзғалмас бўлиб бирикканлиги. Умуман, бош суяги икки кисмдан ташкил топган: мия кисми ва юз кисми. Бош суягининг мия қисми бош мия ва эшитув органини ўзига сигдирган жой бўлиб, бош суягининг юқори – орка кисмини ҳосил килади: бош суягининг юз қисмида кўзлар, бурун, оғиз жойлашган. Шу билан бир каторда кўриш, эшитиш, ҳид, таьмни сезиш мускуллари жойлашган. Бу иккига бўлинадиган пешона суяги билан юқори жағ суяги чоклар оркали бўлинади. Умуман олганда мия кисми бир неча суяклар йиғиндисидан иборат: пешона, асосий суяк, тепа, энса ва чакка суяклари.






Калла суягининг тузилиши: 1- тепа суяги: 2 - пешона суяги: 3- пешона дўмбоги: 4- чакка суяк: 5- чакка ботиги: 6- энса суяги: 7- ёнок суяги: 8- юкори жағ суяги: 9- пастки жағ суяги: 10- энгак кўтармаси: 11- кош усти равоги: 12- тор суяк: 13- ёнок равоги: 14- каншар усти: 15- кўз косаси: 16- бурун суяги: 17-бурун тешиги.

Бош мускуллари асосан чайнов мускуллари ва мимика мускулларидан иборат.




Мускуллар: 1-пешона мускули; 2-чакка мускули; 3-кўзнинг доиравий мускули; 4-бурун мускули; 5-квадрат мускули; 6-огизнинг доиравий мускули; 7-кулги мускули; 8-лунж мускули; 9-пастки лабнинг квадрат мускули; 10-бўйин-кўкрак мускули; 11-огрик мускули; 12-дўк-тахдид мускули; 13-юкори лабни кўтарадиган мускул; 14-чайнов мускули; 15-огизнинг учбурчак мускули.

Чайнов мускули ёноқ равоғидан бошланиб, пастга ва бир оз орқага томон боради ва пастки жағ бурчагига бирикади. Бу мускул кучли жисмоний иш-ҳаракат вактида, шунингдек, сабр-токат кўрсатиш керак бўлган чоғларда таранг тортади. Чайнов мускуллари одам ғазабланганида ёки жанжаллашишга тайёрланаётган вактда ҳам намоён бўлади. Шундай килиб, чайнов мускули мимика мускули ҳамдир.



# ОДАМ БОШИНИ ТАСВИРЛАШ



Расм чизишнинг биринчи боскичи мухим ўринни касб этади. Расмнинг мазмунли чикиши шу боскични тўғри бажаришга боғлик. Чунки бу боскич расмнинг асоси ҳисобланади.

Бажариш боскичининг қонуниятларига таяниб бошнинг умумий шакли қоғоз юзасига жойлаштирилади. Бу ерда бошнинг олдинги ва пастки томонларидан бошка томонларига нисбатан кўпроқ жой қолдирилади. Ундан чизиқ ёрдамида бошнинг бурилиш йўналишини белгилаб, унинг тик ўртанги чизиғи ўтказилади, у энса, қош оралигининг, бурун учини ва энгак кўтармасини таянч нуқталаридан айлана тарздаги чизикни ҳосил килади.

Таянч нуқталаридан кўз ўкларига параллел ёрдамчи чизиқлар юритилиб бошнинг асосий нисбатлари белгиланади. Таққослаш учун нисбат ўлчамиға буруннинг узунлиги олинади. Бу ерда кўзнинг ўклари умумий бошнинг ҳам горизонтал ўки бўлиб ҳисобланади. Шу чизикнинг узунлигидан кўзларнинг четки нукталари, кулокнинг эшитиш тешигининг ташки шакли белгилаб олинади.

2- босқичда бошнинг асосий мушакларининг умумий шакли тузилиши белгиланади. Аввалги боскичда буруннинг ўрни белгиланган бўлса, энди унинг умумий чизиқли қанкаси тасвирланади.

Унинг умумий шакли призмага ўхшаб тўртта текисликдан иборат. Буруннинг эни кўзнинг узунлигига тенг ва шу қатори кўзнинг четки нуктаси билан бошнинг чекка жияк чизиғига қадар оралиқ ўлчамига ҳам баравар бўлиши мумкин. Шундай килиб, бурун эни бошнинг кўндалангини ўлчайдиган ўлчам ҳисобланади. Бошнинг кўндаланги етти бурун энига тенг (икки кулоқ супрасини ҳисобга олган ҳолда). Бу ўлчам билан бошнинг тик узунлигини ҳам ўлчаш мумкин, лекин кўпрок бошнинг бўйи бурун узунлиги билан ўлчаб килинган (А.Дюрернинг методик услуби).

Шу ўлчам билан ҳисобланганда бошнинг узунлиги уч ярим бурун узунлигига тенг келади. Бу таққослаш қуйидагича: энгакнинг остки чекка нуктасидан бурун учигача, ундан қош чизиғигача ва қошдан пешона дўмбоғигача бўлган ораликлар.

Пешона дўмбоғидан тепагача бўлган оралиқ шу ўлчамнинг ярмига тенг келади.

Бурунни тасвирлаш жараёнида унинг икки томонида кўз косасининг умумий шаклини чизиб, ичига шарсимон кўз олмаси белгиланади. Ундан устки

ковоғи билан остки ковоғининг кўз ўрталигидан канчалик масофада жойлашганлиги аникланади.

Кўзни тасвирлаш вактида иккаласини ҳам бир пайтда (параллел) чизиш керак, чунки улар бошнинг икки томонида симметрик текисликда жойлашган. Шу каби кулокни чизганда ҳам шу услубни кўллаш керак.

Шу ерда яна бир шаклни эслатиб ўтиш жоиз – бурунни тасвирлаш мобайнида кулокнинг ҳам тузилишини белгилаш керак, чунки уларнинг узунлиги бир хил ва бир каторда жойлашган.

Тасвирланаётган калла тўғри олдидан эмас, балки тўртдан уч кисм бурилишида бўлгани учун кейинги кўринишдаги кўз ёки кулок якинрокда жойлашган кўз билан кулокдан озгина бўлса ҳам кичикрок бўлади. Бу эса перспектива конунияти бўлиб, уни амалда кўллаш ёддан чикмаслиги зарур.

Оғиз тузилишини чизганда бурун билан энгак оралиғи уч бўлакка бўлинади. Юкори бўлакда оғиз жойлашади, бўлак чизиғи оғизнинг ўқ чизиғи ҳисобланади. Сўнгра оғизнинг чекка нукталари – юкори ва пастки лабнинг оралик нисбатлари белгиланади. Юкори лабни бурун билан боғловчи киррасига чизиклар юритилади, у чизикнинг лаб билан кўшилган жойи юкори томонига нисбатан кенгрок бўлиши маълум бўлади.

Умуман, бош мушакларини чизиш мобайнида уларнинг нисбатларини текшириб соя-ёруғлари белгиланиб, штрихлар берилиб борилиши максадга мувофик.

3 - боскичдаги расмнинг максади – сочларни чизиш жараёни. Сочни чизганда унинг ёруғ кисми одам юзининг соясига нисбатан тўк кора бўлади. Штрихларни сочнинг йўналишига караб юритиш лозим, чунки у унинг табиийлигини кўрсатади.



Бу боскичда кўзни чизишга ҳам муҳим аҳамият бериш лозим. Кўз одам юзининг "ойнаси". Кўз оркали киши хулкини, ички дунёсини, ёш хусусиятларигача кўрсатиш мумкин.

Шунинг учун расмдаги тасвирнинг одам ўз табиий кўринишига ўхшашлиги кўпрок кўзни ёки кўз корачигини моҳирона тасвирлашга боғлик.

Юкоридаги уч боскичда тасвирлаш умумийдан хусусийга караб ишланган бўлса, 4-боскичда, аксинча, услубга ўтилади. Энди хусусийдан умумийга караб тасвирланади, яъни бош тасвирининг умумий кўринишини умумлаштириб якунланади.



Ўқув вазифаси.



Н.Фешин. Қаламтасвир.

## ОДАМ ГАВДАСИНИ ТАСВИРЛАШ



Одам гавдасини тасвирлаш рассомнинг энг асосий ва қийин вазифаларидан бири. Гавданинг барча тана қисмларини ўзида кўтариб турадиган асосий қаттиқ таянчи скелетидир. Скелет, суякларнинг бир-бири билан бирикиш, мускулатурани, суяк ва мускулларнинг бирикиш қонунлари ва бошқаларини пластик анатомия орқали ўрганиш мумкин.

Одам скелети асосан уч бўлакка бўлинади: бош суяги, гавда бўлаги ва қўл-оёқ суяклари.

Гавда суяклари умуртқалан, кўкрак қафасидан тузилган. Кўкрак қафаси суяк-тоғайлардан иборат харакатчан тузилма бўлиб, ўпка, юрак ва баъзи бошқа ички органларни ўзида саклайдиган жой хизматини бажаради. У гавда умуртқалари, 12 та жуфт қовурғалардан ва тўш суягининг бирикмаларидан тузилиб, конуссимон шаклга эга.

Гавда умуртка поғонасини ҳосил қилувчи суяклар – умуртқаларнинг ўсимталаридир. У бўйига 33–34 та умуртқадан таркиб топади.

Умуртқа поғонаси бутун скелетнинг асосий ўқи бўлиб, скелетнинг устки қисмини пастки қисми билан бирлаштириб туради ва эгилувчан ток суяк тузилмасидан иборат бўлади.

Умуртқа поғонаси 7 та бўйин, 12 та кўкрак, 5 та бел, 5 та думғаза ва 4–5 та дум умурткаларидан иборат бўлади ва шунга яраша бўйин, кўкрак, бел, думғаза ҳамда дум бўлимларига бўлинади. Умуртка поғонасининг узунлиги бутун гана узунлигининг 40 фоизини ташкил этади.

Гавданинг мускулларини уч гуруҳга бўлиш мумкин: бўйин, кўкрак, қўл-оёқ мускуллари.

Бўйин мускуллари бош суягидан бошланиб, тўш ёки умуртка суягига бирикади. Улар бошнинг турли ҳаракатланишига имкон туғдиради.

Кўкрак мускуллари: кўкрак, орка ва корин мускуллари.



Гавданинг тузилиши.



Ўқув вазифа. Инсон қоматини қаламтасвири.

**Амалий машғулотлар:**

**Наргис гулини натурадан тасвирлаш (қаламтасвир)**



1. Қоғозда композиция жойлашувини ва умумий мутаносиблик муносабатларини аниқлаш. Тасвир қоғозда эркин ва тўғри жойлаштирилиб, ҳамма томонидан етарли бўш жой қолдирилиши керак.
2. Умумий геометрик шакли, идиш билан гулнинг нисбатини белгилаш, идишнинг юқори қисми, таги ва сувнинг кўринишини перспектива қисқаришидаги овалларни чизиш керак.
3. Наргис гулнинг шаклига аниқлик киритиш, қуриш учун ишлатилган чизиқларни ўчириш.



4. Муносабатлари ёрдамида ҳажмини чиқариш, умумлаштириш ва ишни тугаллаш.

**«Гулдаста» натюрморти (қаламтасвир)**

1. Қоғозда гулдастани умумий композиция холатини, умумий мутаносиблик муносабатларини белгилаш.



2. Дастлабки тусли муносабатларини чизиш, майда қисмларига ишлов бериш.



3. Тусли муносабатларини тўғри тасвирлаш, умумлаштириш ва ишни тугаллаш.

## Геометрик жисмлардан ташкил топган натюрморт (қаламтасвир)

1. Геометрик жисмларни композицион курилишини, нарсаларнинг перспектива холатини тасвирини белгилаш.



2. Геометрик жисмларнинг нисбатларини топиш ва ёрдамчи курилиш чизикларини ўчириш.



3. Ёруғ-соя муносабатларини белгилаш.
4. Тусли муносабатларини охирига етказиш, умумлаштириш ва ишни туғаллаш.

## Ёш кизнинг портрети (турли график материал)

1. Тасвирни композиция жиҳатдан тўғри жойлаштириш, бошнинг умумий шаклини белгилаш.



2. Қизнинг юзидаги майда кисмларини умумий шаклини белгилаш, бошнинг ҳажмини кўрсатиш учун енгил чизиқлар билан соя кисмларига ишлов бериш.
3. Ёруғ ва соялар оркали тасвирни ифодалаш.



4. Ишни якунлаш – шаклларни умумлаштириш, моделни характерли хусусиятларини етказиш, образни яратиш.

**«Қиш» манзарасини тасвирлаш (турли график материал)**

Манзарани фазовий курилиши тасвирий воситалардан чизиқлар ва туслар орқали ифодаланади. Манзарани биринчи кўринишдаги нарсалар кўзга ташланадиган карама-каршилик туслар билан изоҳланади. Кўринишлар узоқлашган сари тус ўз тўйинганлик кучини йўқотади ва уфқ чизиғида ҳаво билан бирлашиб кўринмай қолади.





1. Қаламчизғи. 2. Тусли муносабатларини дастлабки чизғилари.



3. Майда қисмларига ишлов бериш. тусли муносабатларига аниклик киритиш, умумлаштириш ва ишни туғаллаш.

## Саволлар, машк ва ижодий топшириклар

1. Қаламтасвир нима? Унинг таърифини беринг.
2. Қаламтасвирнинг қандай турларини биласиз? Уларни тушунтириб беринг.
3. Қаламтасвирда ишлатиладиган тасвирий материалларни санаб ўтинг.
4. Геометрик жисмларни айтинг.
5. Машклар бажариш: уй-рўзғор буюмларидан (чойнак, жомадан, дазмол, чангютгич ва бошк.), уларнинг шаклини кўринарли этиб, нисбатини тўғри олиб, нарсаларнинг ташки кўринишини ва конструктив хусусиятларини кўрсатиб тасвирланг.
6. Мева, сабзавот, куш, ҳайвонларни, шунингдек, маълум ҳиссиёт ҳолатидаги инсон коматини (кайғули, тантанавор, толиккан ва бошк.) тасвирланг, ўйлаб кўринг, кайси тасвирий ифодалаш воситалар ёрдамида максадга эришиш мумкин. Бу кораламаларни қалам, кўмир ёки фломастер, тушь ва бошка материалларда бажаринг.
7. Фикран тасаввур килинг, кўрсатилган фигуралар ўз ўкида айлантириш натижасида кандай шаклга эга бўлади. Уларни тасаввурдан тасвирлаб беринг.



8. Машкни бажаринг – пиктограмм тасвирлар оркали кичик тарихий вокеани баён килиб беринг, суратдаги каби:



Ўзининг ҳаёти ҳакида хатнома тасвир тузиш мумкин.

9. Расмга каранг. Кузатувларга караганда, сочнинг шакли инсоннинг характерини, ҳаттоки унинг ташки кўринишини ўзгартириб юборади. Соч шакли кўринишини ўйлаб топинг ва ўз вариантларингизни тасвирлаб кўрсатинг. Шумбола, камтар, кувончли, тартибли, кўркок, олифта, айёр, кучли ва шу каби инсонлар учун соч шаклини топишга харакат килинг.



10. Оддий геометрик бўлаклардан қизиқарли фигуралар ясаш мумкин экан, расмга қаранг. Сиз ҳам шу каби қарама-қарши ранглардан фойдаланиб аппликация, мозаика ёки қаламтасвнрини бажаринг, ўз композиция вариантларингизни ўйлаб топинг.



Ўқувчилар ишларидан. Аппликация.

11. Тасвирнинг каеридан уфк чизиғини ўтишини аникланг.



12. Уфк чизиғидан нарсаларнинг кайси бири пастда кайси бири эса юкорида жойлашганини аникланг.



**Саволларга жавоб**




л. г.



## ДАСТГОҲЛИ РАНГТАСВИР ТАСВИРИЙ САНЪАТ ОТАСИ

Тўгарак аъзолари олган билим ва малакаларига асосланган ҳолда ўзининг кузатишлари, бадиий тасвир яратиш олдидан қилинадиган изланишларида, айниқса эскизлар, улар асосида санъат асарларини яратишда рангтасвирнинг ўрни беқиёсдир. Рангтасвир дарсларида олган назарий ва амалий машғулотлар бўлажак мутахассисларнинг кейинги ижодий фаолиятларида муҳимдир.



**Рангтасвир тасвирий санъатнинг бир тури**

Табиат ва ҳаётдаги нафислик, гўзаллик сирларини рангтасвир санъати даражасида бошқа бирор-бир соҳа очиб бера олиш имкониятига эга эмас. Шу боисдан, тўгарак қатнашчиларидан қуйидагиларни билиш талаб қилинади:

- рангтасвир санъати ҳақида назарий билимларга эга бўлиш;
- рангшунослик ва рангтасвир технологияси ҳамда унинг асослари хусусида тушунча ва билимлари;
- сувбўёқда расм ишлаш қоидалари ва босқичлари, шакл бериш, характерни топиш йўллари;
- рангтасвирда тасвирни - чизиқли ва ҳавойи перспективаси;
- гуашь, мойбўёқ, сувбўёқларда расм ишлаш қоидалари, босқичлари, шакл бериш ва характерини топиш усуллари;
- хомаки расмлар ишлаш, эскизлар асосида композициялар тузиш кабилар.

Бўлажак рассом-ўқитувчи тасвирлаш санъати борасида ҳам ҳар жиҳатдан саводхон бўлишлари билан бирга бу соҳа сирларини қизиқарли, содда мазмунли қилиб, ўқувчи ёшларга ўргата олиш қобилиятларига эга бўлиши

керак.

Рангтасвир конун-коидаларини пухта эгаллаган ўкувчи амалий ижодда самарали шуғулланиши мумкин. Айникса рангтасвир соҳасида амалиёт ҳамиша кучли назариёт билан боғлик ҳолда амалга оширилиши зарур ва буларсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди».[1]

Рус рассоми ва педагоги Д.Н. Кардовский айтиб ўтганидек: «Санъатни ўрганаётганлар тасвирлашни йўллари ва усуллари, яъни нарсаларни шакли, нисбатлари, ранги, ёруғлиги, хусусияти ва ҳаракат конуниятларига бўйсунишга мажбурдирлар».[2]

Тасвирий санъатнинг методикасига оид адабиётларда жуда кимматли материаллар тўпланган бўлиб, уларда кўплаб техник ва технологик маслаҳатлар ёритилган. Бир канча рассомларни тарбиялаган, ажойиб педагог-рассом Д.Н. Кардовский айтганки: «Натурада ҳам, ишни бошкаришда ҳам асосий эътибор шунга каратилиши кераккки, бутун дарсни ўтиш жараёнида ранглар нисбатини ҳисобга олиш зарур... Доимо ранг муносабатлари билан ишлаш ва фикрлашга ўрганиш керак» [3].

Рангтасвирнинг асосий конунлари - ранг ва тус муносабатлари ва уларни аниклаш усуллари, ҳаво перспективаси, коғоз юзасида хажмли нарсаларни фазовий жойлашуви, тасвирлаш коидалари, ёруғ-соя конуни, натюрморт, манзара, портретни методик боскичма-боскичда тасвирлай билиш, ишни ранг ва тус жиҳатдан яхлит ҳолатга келтиришни эгаллашлари лозим.

**Акварель билан ишлаш.** Акварель - рангтасвирнинг энг нозик турларидан бири. «Акварель» лотинча сўз бўлиб, "сув билан суюлтириб ишлатиладиган бўёклар" маъносини англатади. Қадимдан акварель ўзининг нафислиги ва рангларнинг ёркинлиги билан кўпгина рассомларни кизиктириб келган.



Акварель иши.

---

[1] Мастера искусства об искусстве. Т.1, М., 1936, с. 124.
[2] Д.Н.Кардовский об искусстве. Воспоминания, статьи, письма. М., 1960, с. 128.
[3] Д.Н.Кардовский об искусстве. Воспоминания, статьи, письма М., 1960, с. 128.

Акварелда оқ ранг ишлатилмайди, унинг ўрнини оқ қоғознинг ўзи ўтайди. Қоғоз оппоқ, етарли даражада қалин ва юзаси гадир-будур бўлиши зарур. У агар жуда силлиқ бўлса, сатҳида ранглар етарли даражада текис ётмайди. Нарса тасвирларини бўяш жараёнида умумийдан хусусийга ёки аксинча хусусийдан умумийга қараб борилади, ниҳоят иш яхлитлаш билан якунланади.



Акварель



Гуашь



Мойбўёк

Талабалар учун энг муҳими ўткир нигоҳ, моҳир қўл, тинимсиз меҳнат орқали акварель билан ишлаш техникасини мукаммал эгаллашдир. Бунга тарихдан жуда кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Масалан, XV аср охирида Уйғониш даврининг машҳур немис рассоми А. Дюрер акварелда жуда кўплаб ажойиб асарлар яратган. Гўзал ва бетакрор табиат манзаралари, ҳайвонот дунёси ва ўсимликларни ажойиб қилиб тасвирлаш, шу мўйқалам соҳибининг нақадар юксак маҳорат эгаси бўлганлигининг исботидир.



Альбрехт Дюрернинг акварель ишлари.

Тўгарак дастури чизувчилардан рангтасвир фанининг илмий негизларини эгаллашни, унда ишлатиладиган турли ашёларнинг хусусиятлари ва уларни самарали ишлатиш йўлларини чукур билишни талаб этади. Шунинг учун дастур амалий машғулотлар билан бир каторда назарий билимларни, амалий вазифалар кўригидан ташкари, оғзаки сўровни ҳам назарда тутади.

Рангларнинг табиатда кандай ҳосил бўлиши ва таркалиши муаммоси кадимдан олим ва рассомларнинг диккатини тортган. Машҳур олимлар И. Ньютон, М.В. Ломоносов, Г.Л. Гельмгольцлар рангларнинг моҳиятини илмий асосда текширишган. М.В. Ломоносов фанда биринчи бўлиб, асосий рангларни кашф этган. Исаак Ньютон катор тажрибалар ўтказиб, оқ ёруғликни кўп рангли эканлигини исботлаган ва экранда спектр рангларини ҳосил килган. Спектр ранглари куйидагича жойлашган: кизил, сарик, зарғалдоқ, яшил, зангори, ҳаво ранг ва бинафша ранглар.



Ньютон рангларни физика фани нуктаи назаридан ўрганган бўлса, немис шоири ва санъатшуноси И.В.Гётени рангларнинг киши организмига кўрсатадиган таъсири кўпрок кизиктирган. У «Ранглар ҳакидаги таълимот» номли асарида рангларни илик ва совук тусларга ажратган. Илик (сарғиш, кизил) ранглар кишида кайфичоглик туйғусини, совуқ (ҳаворанг, яшил) ранглар эса маъюслик туйғусини уйғотиши ҳакида ёзган.





XIX асрда немис табиатшунос олими Г.Л. Гельмгольц рангшунослик назариясида муҳим янгилик яратди. Кўп йиллик тажрибалар асосида хроматик

рангларнинг уч асосий аломати – ранг туси, рангнинг оч-тўқлиги ва тўйинганлиги асосида туркумлаш зарурлигини кўрсатди.

Табиатдаги ранглар ўз хусусиятига кўра икки турга: ахроматик (рангсиз) ва хроматик (рангли) хилларга бўлинади.




Ахроматик рангларга оқ, кулранг ва қора ранглар киради. Бошқа ранглар эса хроматик рангларни ташкил қилади. Улар ўзаро аралаштирилганда эса яна бир қанча тусдаги рангларни ҳосил қилади. Бирор хроматик рангга очроқ кулранг қўшсак, унинг жозибалилиги пасайиб, нурсизланади. Бу ҳол рангнинг кам тўйинганлигидан, яъни унинг таркибида бўёқнинг камайганлигидан дарак беради. Демак, рангнинг тўйинганлиги ёки тўйинмаганлиги деганда, кул рангга нисбатан рангдорлик даражаси, тозалигини тушуниш керак.

Ранг доираси икки тенг бўлакка бўлинса, биринчи ярмида қизил, зарғалдоқ, сарғиш, сариқ ранглар, иккинчи ярмида эса ҳаво ранг, зангори, кўк, бинафша ранглар жойлашади. Доиранинг биринчи ярмидагилар илиқ ранглар, иккинчи ярмидаги эса совуқ ранглардир. Бундай номланишга сабаб қизил, сариқ, зарғалдоқ ранглар оловни, қизиган темирни, чўғни эслатса, ҳаво ранг, зангори, яшиллар эса музни, сувнинг рангини эслатади.

Иккита спектр ранги устма-уст туширилса, ранглар бир-бирига қўшилиб, мураккаб ранг ҳосил бўлади. Қизил ранг, ҳаво ранг ва бинафша ранглар билан қўшилганда чиройли тусдаги пушти, тўқ қизил, сапсар рангларни ҳосил қилади. Қўшилганда оқ ранг берадиган спектрли ранглар қўшимча ёки тўлдирувчи ранглар, дейилади. Чунки, улар оқ ранг ҳосил бўлгунга қадар бир-бирини тўлдиради. Бундай рангларга сариқ, ҳаво ранг, қизил, зангори, яшил ва бинафша ранглар киради.

Бўёқларнинг қўшилиши билан спектр рангларнинг қўшилиши орасида фарқ бор. Учта асосий спектр ранги: қизил, яшил ва ҳаво ранг қўшилганда оқ ранг ҳосил бўлади. Асосий қизил, сариқ ва ҳаво ранг бўёқлари қўшилишидан эса қора ранг ҳосил бўлади. Спектрнинг сариқ ва ҳаво ранглари қўшилиши натижасида оқ ранг ҳосил бўлади. Бироқ сариқ ва ҳаво ранг бўёқларни аралаштирсак, яшил ранг ҳосил бўлади.

Демак, икки рангни оптик аралаштириш натижасида оқ ёки унга яқин ним кулранг ҳосил қиладиган ранглар ўзаро тўлдирувчи (қўшимча) ҳисобланади. Масалан, тўқ қизил ва яшил, зангори ва зарғалдоқ, қизил, сариқ, ҳаво ранг, сарғиш яшил ва бинафша ранглар ўзаро тўлдирувчидир.

Кундалик турмушимизда, ҳаётий тажриба асосида маълум нарса ва нарсаларнинг ўзига хос ранглари онгимизда сингиб боради (пахта - оқ, ўтлар – яшил, осмон - ҳаво ранг, денгиз – кўк ва бошқалар). Бу ранглар нарса ва нарсаларнинг шахсий ранги ҳисобланади. Аммо, нарса ва нарсалардаги шахсий ранг турли ёруғлик таъсирида ўзаро ўзгарувчан бўлади. Қарама-қарши рангларнинг таъсирида нарсанинг ранги турлича кўринади. Қизил муҳитдаги кулранг нарса кўкимтир-яшил тусга киради, яшил муҳитда – пуштисимон, сариқда эса – кўкимтир бўлади.



Қизил қоғоздан доира шаклини қирқиб олиб, кул ранг қоғоз устига қўйилса, кулранг қоғоз енгил яшилсимон рангда бўлиб кўринади. Агар қизил доиранинг ўрнига яшилни қўйса, кул ранг қоғозда қизғиш тус ҳосил бўлади. Ҳар бир ҳолатда ҳам қарама-қарши рангларнинг туслари (қўшимча) ҳосил бўлади. Шу сабабли ҳам табиатда «хира» нейтрал ранглар мавжуд эмас. Ҳатто, нарсадаги соялар ҳам нозик енгил ранглар билан тўйинган. Ёнма-ён бўлган қўшимча ранглар ўзининг ёрқинлигини кучайтиради (қўшимча ва қарама-қарши ранглар – бу қизил ва яшилсимон - ҳаворанг, зарғалдоқ ва ҳаворанг, сариқ ва кўк, саргиш-яшил ва бинафша ранг, яшил ва қирмизи). Нарсалар ранги кузатувчидан узоқлашган сари ҳам ўзгаради (ҳаво перспективаси).

Юқорида санаб ўтилган таъсирлар натижасида нарсанинг ранги, рангнинг туси бўйича ҳам, ёруғлик бўйича ҳам, тўйинганлиги бўйича ёки учала хусусиятлар бўйича бир вақтда ўзгариши мумкин. Бундай ўзгарган ранг энди нарсанинг шахсий ранги эмас, балки шартлидир.

Яна бир мисол. Тажрибасиз рассом сариқ олмага қараса, унинг тўқрок жойини ҳам худди ёруғ жойи каби сариқ рангда кўради, бироқ, ёруғлиги ва туси бўйича соя жойда олманинг ранги ўзгаради.

Нарсаларнинг шакл ва рангларини ҳақиқий ва табиий ҳолатда кўриш ҳамда қабул қилиш одатини руҳшунослар одатий кўриш, деб аташган. Инсонлар нарсаларни кўришда ва қабул қилишда нафақат турли катталик ва ранг доғларини кўришади, балки нарсаларни ҳақиқий конструктив тузилиши ва рангини ҳам шу қаторда қабул қилади. Одатий кўриш натижасида ҳаваскор рассомлар қатор «колорит» характеридаги хатоларга йўл қўйишади. Улар ҳаво булут кунлари ердаги қорни тасвирлашда оқ рангдан бошқа рангни кўрмайдилар. Яшил барглар ёки ўт-ўланлар куннинг ва об-ҳавонинг турли вақтида уларнинг ранглавҳаларида бир-хил яшилдир, худди уларда самонинг ҳаво ранг туси ва табиий ёруғликнинг ўзгарган кучи ўз таъсирини ўтказмаётгандек.



Илик колоритда



Совук колоритда

М. Набиев, Ў. Тансиқбоев, Р. Аҳмедов, А. Мўминов, И. Ҳайдаров, П. Беньковларнинг кўплаб асарларида сунъий электр ёруғлиги, қуёш ботиши, ойдин кеча ёки булутли ҳавода нарсалардаги шартли рангларни юқори малакада тасвирланганлигини гувоҳи бўламиз.

Натурадан тасвирланаётган ранглавҳа колорити куннинг қайси вактида, қандай ёруғлик манбаи билан ёритилганлигига боглиқ.

Рангларнинг табиийлигини тасвирда тўғри бажариш анча қийин иш. Бунга жиддий меҳнат, нозик дид ва зўр мушоҳада орқали эришиш мумкин.

Натюрмортдаги нарсаларнинг оч-тўқлик даражаларини фарқлашга, ундаги тус бирлигини тушунишга ўрганиш учун натюрмортни битта рангда тасвирлаш катта аҳамиятга эга. Бу усулда расм ишлаш кейинчалик қийин натюрмортларнинг рангли тасвирини бажаришга ўтишни анча осонлаштиради. Бир рангли бўёқда ёзиш усули гризайль, деб аталади.



Х.Рахмонов. Болалар.

Гризайль усулида расм ишлаш турли ранглар воситасида иш усулига ўтиш учун тайёргарлик боскичи бўлиб, унда мўйқаламни ишлатиш йўллари ва акварель бўёкларининг хусусиятларини ўрганиш учун имконият яратади. Бу



услуб билан бир нечта натюрмортларни тасвирлаб ўргангандан сўнг, барча ранг хиллари билан натюрморт рангтасвирини ишлашга ўтиш мумкин.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳикмат Раҳмоновнинг ёз севинчи «Болалар» асарида болаларнинг иссиқ ёзда маза килиб тарвуз тановул килаётганлари тасвирланган. Болалар аҳил, хушчақчақ, ранг-баранг кийимдагиси одамни кувонтиради, суратнинг умумий ранги шўхчанг, ёркин бўёкларда ишланган, жозибали бўлиб, болалик даврини куйлайди.

Шу ерда ранглар оркали инсоннинг характерини тасвирлаш хусусиятлари хусусида рассом Т.Курязов «Жалолиддин Мангуберди» портретида кўриш мумкин. Ш. Дунасарий ўз рисоласида инсон киёфасига берилган ранглар оркали унинг характерини билиш юзасида фикрлар келтиради[1]. Агарда юзи корамагиз рангида бўлса, кўркок ва гам-андуҳга ботган бўлади. Юзи кизил рангида бўлса, мард ва бисёр газабнок бўлади. Юзлари окиш рангида бўлса, ожиз ва камкувват бўлиши мумкин. Оловдай кип-кизил рангида бўлса, у жинни сифат бўлади. Агарда юзи қорайишга мойил сарик рангида бўлса, бемор ва беҳал ранжга ботган бўлади ва бироз кизарувчан рангида бўлса, шарм хаёли бўлади.

Тажрибаларга асосланиб бўёкларни тартибда кўйилса ишлаш учун кулай бўлади. Юкори каторда ўнг томонда иссиқ бўёклар (оқ, сарик, зарғалдок, кизил, жигарранг), чап томонида совуқ рангдаги бўёклар (барикарам, кўк, зангори, кора) жойлаштирилади.



Рангтасвир санъати назарияси ва методларини ўрганишдан мақсад вазифаларни мукаммал бажариб боришдир. Талабалар тўгарак машғулотларидан ташкари уйда ҳам бир канча вазифаларни мустакил бажаришлари лозим.

---

[1] Шамсиддин Дунасарий. Одамни билиш илми. - Тошкент: Ёзуви, 1994. - 12-13 б.

## Натюрмортни босқичма-босқич тасвирлаш

Натурани ҳаққоний тасвирлаш – бу нарсаларни конструктив ва перспектива қонунлари асосида қуриш, уларнинг фазовий жойлашуви, материаллиги, ҳажм ва нисбатларни ифодалаш, этюдни яхлит бир бутунликка келтириш, тасвирланаётган объектлар ва нарсаларни характерли хусусиятлари ва нафис гўзаллигини аниқлашдир.



Реалистик тасвирлаш саводини ўқув натюрмортлари бажариш орқали ўзлаштириш мумкин. Дарҳақиқат, саводли тасвирлаш асосларини ўрганишда натюрморт қимматли тасвирий объект ҳисобланади. Натюрмортни рангтасвирнинг камерали мусиқаси деб аташади. Унда маҳоратли бўёқ суртмаси, колорит монандлиги ва шакл пластикасини кузатиш мумкин. Улар орқали рангтасвирнинг асосий қонуниятларини тез ва қулай ўзлаштириш мумкин. Яъни, перспектив ва конструктив қурилиш, шаклнинг соя-ёруғлиги ва рангда тасвирланиши, тасвирланаётган нарсаларнинг фазовий узоқлашишдаги ҳолати ва материаллиги, тус ва ранг муносабатлари, манзара ва интерьер, инсон боши ва қоматини тасвирлашдаги бирлик ва уйғунлик ҳисобланади. Ўзбекистон Бадиий Академиясининг раиси Т.Қўзиев, ўқув жараёнида натюрмортни муҳим эканлигини таъкидлаб: «Натюрморт – шундай заминки, унда бадиий мактаб мустаҳкам жойлашган бўлиши керак», - дейди.

Натюрмортни хона ичида, очиқ ҳавода, сояда ва қуёшда, табиий ва сунъий ёруғликда тасвирлаш лозим. Бу эса ўз навбатида ўқув ва ижодий вазифаларни самарали амалга оширишга пухта замин яратади.

Натюрмортни амалий тасвирлашнинг дастлабки босқичида бироз соддароқ, сўнгра эса нарса ва нарсаларнинг бир гуруҳини тасвирлаш керак. Нарсаларнинг бир гуруҳ йиғилганини тасвирлаш учун натюрморт композициясини тўғри ташкил этиш муҳимдир. У икки жиҳат асосида тузилади: натура қўйилмасини ташкилий қисми (нарсаларни танлай билиш ва уларни композицион чиройли жойлаштириш) натурага нисбатан кўриш нуқтасини аниқлаш ва қоғоз юзасида қўйилмани тасвирлаш.

Рангтасвир мукаммал қаламтасвирга асосланади. Натюрморт композициясини қурилишида дастлаб қоғоз юзасида тасвирланаётган нарсаларни пухта жойлашуви, қоғоз ўлчамига нисбатан тасвирнинг катта кичиклигини аниқлашдан иборат. Ҳар бир натура қўйилмаси, муайян ўлчамдаги қогозни талаб қилади.

Тасвирланаётган нарсалар маълум ўлчам текислигида «тиқилинч» ёхуд жуда ҳам кичик жойлашиб қолмаслиги зарур. Ҳаддан ташқари кичик жойлашган тасвирлар қоғоз текислигида аниқ кўринмайди.

Тасвирда асосий эътиборни ўзига жалб этувчи нарса – композиция маркази қолганлари эса унга тобе бўлиб хизмат қилади. Тасвирда кўрувчининг назари ана шу марказга йўналтирилган бўлиши керак. Ўлчамни аниқлаб олгач, асосий ишни бошлашдан олдин кичик ўлчамдаги қоғоз бўлагида бўлажак натура қўйилмасини хомаки вариантлари тайёрланади, шундан сўнг, асосий ишга ўтиш мақсадга мувофиқдир.



Дастлаб оддий натура қўйилмаларидан (гипсли геометрик шакллардан), кейин эса геометрик шаклларга яқин бўлган маиший нарсалардан тузилган натюрмортларни астойдил ишлаш, сўнггра, турли рангдаги, материалликдаги нарсалардан тузилган қўйилмалар (пленэр шароитида ва интерьерда жойлаштирилган натюрмортлар)ни тасвирлаш мумкин.

Ўқув натюрмортини амалий бажарилиши, дастлаб фақат тусли (гризайль техникасидаги рангтасвир), кейин рангли (акварель бўёғида) тасвирлаш жараёни билан бошланади.

**Гипсли геометрик шакллардан иборат натюрмортни гризайлда ишлаш**

Рангтасвирни пухта ўрганишда кўпгина етук рассом ва педагоглар (оқ ва қора бўёқларда) натурани тусда тасвирлашга катта аҳамият беришган. Бу масалада Д.Н. Кардовский шундай деган: «Тусни ёруғлик орқали етказишдан кўра рангларда бериш мураккабдир. Шунинг учун рангли тасвирга ўтишда, ёруғликдаги тусга бўлган кўникмага эга бўлиш керак...». Демак, рангтасвирнинг бошланғич курсида гризайль техникасида машқлар бажаришни тавсия қилади.

Тасвир қаламда пухта бажарилгач, ҳар бир нарсанинг материаллиги, унинг ҳажми, тус муносабатлари ранглар воситасида ҳал қилишга ўтилади.

Тусли фарқлар нимани англатади? Ранг жиҳатидан баъзи нарсалар натурада зич ва тўқроқ, бошқалари эса очроқ кўринади. Айрим нарсаларда шахсий соя тўқроқ ва зичроқ «оғир» (масалан, чинни кўзада, чўян қозонда), бошқаларида эса соялар анча очроқ «нозик» (гипсли ваза, қоғоз рулон ва ҳ.к.) кўринади. Бу чоғда нарсалар орқасидаги фонни ҳам ҳисобга олиш зарур. Натура қўйилмасидаги барча нарсаларни тусга нисбатан фоннинг оч-тўқлиги муносабатларининг тўғри олинаётганлиги кенгликни кўрсатишга имкон туғдиради.



Тус муносабатларини энг тўқ нарсалардан ёки чуқур ички соялардан бошлаб кўрсатилиши тўғрироқдир. Ҳар бир нарсаларнинг тус кучини бир-бири билан солиштириш зарур. нарсаларнинг ўзаро оч жойларини, сояни соялар билан, ярим тусни ярим туслар билан таққослаш зарур. Қандайдир тўқ идишда шахсий соя ундан тушувчи сояга нисбатан тўқроқдир. Мевалардаги ёруғлик энг ёруғ жойига қараганда тўқроқ бўлиши мумкин. Тасвирда ва натурадаги нарсаларни бир-бири билан доимий таққослаш орқали улар орасидаги фарқларни камайишига эришиш зарур.

Ишнинг биринчи босқичида асосий муносабатларни аниқлаш керак. Натурадаги асосий объектларнинг ёруғ-соя муносабатлари: фоннинг оч-тўқлиги, нарсаларнинг сиртидаги оч-тўқлигига ва уларнинг ўзаро бир-бирларига нисбати аниқланади. Аввало, қўйилмадаги нарсаларнинг умумий туси бир сидра қопланади. Ишни соядан ёруғликка қараб юритиш керак, бунинг устига соя жойларига имкон борича бўёқ қатламини юпқа ва нозик бериш, ёруғликни эса уларга нисбатан қуюқ бўёқда анча тўқроқ қатламли ва аниқ суртмалар билан қоплаш зарур.

Гризайль техникасида соя, яримсоя, рефлексларни бирданига керакли тусда мос бўёқлар билан қоплаш, (иложи борича бўёқни қайта қайта беришни такрорламасдан) бўёқ суртмаларини шакл йўналиши бўйича ҳаракатлантириш керак. Масалан, цилиндрсимон шаклга эга бўлган нарсага турли тасодифий йўналишда суртмалар берилса, ушбу шаклнинг айланалигини кўрсатиш мушкулдир.

Тусли тасвирлаш мобайнида тасвирловчидан нарсаларнинг узоқлигини ҳисобга олиш зарур бўлади. Агарда бир қаторга бир хил нарсаларни турли масофада жойлаштирсак, яқиндаги нарсаларнинг майда бўлаклари ва материаллик фактураси анча аниқроқ кўринади. Узоқлашган сари бу аниқлиги йўқолиб хиралаша боради. Узоқдаги объектлар силуэтли ва текис (ясси) бўлиб

кўринади. Олд кўринишдаги нарсаларнинг соя-ёруғ қисмлари олисдагидан равшан ва аниқроқ ўқилади.

Нарсаларнинг ҳажмли шаклига пухта ишлов берилгандан сўнг, уларни умумлаштиришга ўтиш зарур. Нарсалар гуруҳини яхлит бир бутун тасвирлаш учун ҳаммасини бир вақтда кузатиб, ҳар бирининг ёруғ ва соя жойларини барчасига нисбатан таққослаш керак. Нарсалар гуруҳини яхлитлигини сақлаш - ҳаққоний тасвирлашнинг асосий шартидир.

**Амалий машғулот:** «Кузги натюрморт». Гризайль.







1. Тасвирни ифодалаш. 2. Дастлабки рангли тусни бериш. 3. Ишни тугаллаш. Бажариладиган иш акварель техникасида ишланади.

## Уй-рўзғор буюмларидан натюрмортни тасвирлаш

Қаршимизда турли нарсалардан тузилган натюрморт қўйилмаси: ҳаворанг кўза, зарғалдоқ анор, ликопчада қовун бўлаги ва столдаги оч ҳаворанг ҳамда жигарранг матолар. Оқ девор оч сариқ мато билан фон вазифасини ўтайди.

Кўза ва анор ранг жиҳатдан ёнидаги нарсаларга нисбатан анча ёркинроқ. Ёнидаги нарсалар ранги анча мураккаб. Қўйилмани жойлаштириб чиройли

кўриш нуқтаси танланади. Қуйилмага ён томондан тушаётган ёруғлик мақсадга мувофиқдир.

Дастлаб а-ля(а-lа) прима техникасида натюрмортнинг этюд эскизи 1 сеансда бажарилади. Бу босқичда асосан, қуйилмадаги катта муносабатлар – соялар ва яримтуслар аниқланади.



Асосий тасвирлашдан олдидан тайёрланган эскизда ижодкорнинг асосий ғоясини кўриш мумкин. Қогоз юзасида предметлар аниқ жойлашган, биринчи, иккинчи ва учинчи кўринишдаги нарсалар тўғри топилган. Этюдни таҳлилига кўра, ранглар фарқидаги иссиқ ва совуқ, ёрқин ва хира нарсалар аниқ кўрсатилган. Зарғалдоқ рангдаги анор эса ўзига иссиқ ва кам тўйинган тусларни бўйсундиради. Кўзада соя, яримсоя ва ёруглик белгиланиб, ёрқин тусдаги матонинг олдинги кўринишда ва девордаги фарқи аниқланган. Олдинги кўринишдаги қовун бўлаги худди ҳозиргина кесиб қўйгандек жуда яққол тасвирланган.

Энди эса қўйилмани қогоз юзасида тасвирлашни бошлаймиз. Қоғоз юзасида тасвирлашдан аввал, кичик ўлчамдаги қоғозда эскиз вариантини чизиб, сўнгра катта ўлчамдаги қогозда ёрдамчи чизиқлар орқали натюрмортни тасвирлаймиз. Бу бизнинг биринчи боскич ишимиз бўлади. Энди бўёқларда ишни бошлаймиз.

Нимадан бошлаш маъқул ? Ёрқин рангга эга бўлган нарсалардан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Қўйилмамизда кўза ва анор кўзга яқин нарсалардир. Девор ва сариқ матони жуда бўрттириб ишланса, яхлитлик нисбатлари бузилиб, натюрмортнинг рангли муносабатлари ўзгариб кетади. Кўза ва анорни тўлиқ ўз ҳолатидаги ранггида олиш мумкин.

Ҳаворанг рангдаги кўза, турли тусда кўринади: ёруғликда бир хил, яримсояда бошқа, сояда энди у ҳаворанг эмас, балки сиёҳранг-ҳаворанг, айрим бўлакларида яшил-жигаррангроқ (шуъла таъсирида) бўлиб кўринади. Ранглар билан ишлашда рангни қўйилмадаги нарсалар рангидан тўқроқ бериш, чунки у қуригач бироз очаради. Ҳаворанг кўзанинг ранглари ёруглик шуълалар таъсирида товланиб турлича тусда кўринади. Қўйилмадаги анорда тушаётган ёруғлик таъсирида совуқроқ пушти ранг, яримсоя эса зарғалдоқ, соя қисмида кучли қизгиш тус хукмронлик қилади.

Ликопчадаги қовун бўлагини бўяр эканмиз уни девор ва девордаги сариқ мато билан таққослаб ишлаш тўғри бўлади. Ўйлаб кузатайликчи ликопчадаги қовун оч тусдами ёки деворми? Ранг жиҳатидан қайси бири совуқроқ - девор, қовун ёки ликопчами? Қандай фарқлар мавжуд? Қовун бўлагининг пўстими ёки қовун ўзи ранглироқми? Шу нарса ёддан чиқмасинки, ҳар дақиқа қўйилмани ўзингиз тасвирлаётган иш билан таққослаб ишлашни давом эттираверинг. Маълум вақт ўтгач ўз ишингизни қўйилма ёнига қўйиб,

уларни солиштириб камчилигини топишга ҳаракат қилинг. Таққослашда, аввал, кичик бўлаклар рангини сўнгра эса ишга яхлит боқиб унинг умумий тус муносабатларини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Энг асосийси ишни сўнггида барча нарса ва нарсаларни умумий тусга бўйсундириб якунлаш ҳисобланади.







**Амалий машғулот:** «Санъат атрибутлари» натюрморт



1



2



1. Натюрмортни майда бўлак тасвири бажарилади.
2. Нарсалар ва матонинг дастлабки локал ранглари бажарилади. Ранглар палитрада оқ бўёқ билан ҳосил қилинади.
3. Ишни тугалланиши: майда бўлак қисмлари аниқланади ва ёруғлик тўқлигига ва тўқлик очлигига нисбатан ишлов берилади. Гуашь бўёғи ўзгартириш киритиш имкониятига эга.

Амалий машғулот: Манзара «Баҳорги тонг»
(акварель, по-сырому)

1



2





3

1. Тасвирнинг каламчизғисини бажариш: манзаранинг асосий бўлакларини ишлаш, унинг композицион жойлашишини белгилаш.
2. Осмон, дарахт ва ернинг асосий рангларини намланган қоғоз юзасига бериш. «Ранг устидан ранг юритиш» усулидан фойдаланиш.
3. Умумлаштириш ва ишни туғаллаш. Кейинги бўёкларни курук катлам юритиш усули билан якунлаш.

Манзара «Кузги ранглар». (гуашь)



1



2



3

1. Манзара композицияси тасвирини бажариш. Тасвир мўйқалам билан колоритига боғлиқ ҳолда илиқ ёки совуқ рангларда ишланади.
2. Осмон, дарахт ва сувнинг асосий ранглари копланади. Асосийси тусли ва рангли муносабатларини тўғри ифодалаш.
3. Майда бўлакларига ишлов бериш, умумлаштириш ва ишни туғаллаш. Манзаранинг колористик яхлитлигини намойиш этиш.

**Саволлар, машқ ва ижодий топшириқлар**

1. Рангтасвир нима ва унинг асосий турлари.
2. Спектр нима ? Спектр рангларнинг номларини айтинг.
3. Хроматик ранглар қайсилари, ахроматиклар-чи ?
4. Совуқ ранглар билан илиқ рангларни айтинг ?
5. Нарсанинг локал ранги дегани нима ? У турли ёруғликда қандай ўзгаради ?
6. Кўзаларнинг тасвирига қараб, уларнинг қайси бири энг енгили, энг оғири, қайси бири катта ва қайси бири эса кичиклигини аниқланг ?



а б в

**Жавоб.** Кўзаларнинг ўлчами бир хил, бирок тўк кўза (б) кичик ва оғир туюлади, сариқ билан кўк рангдагига нисбатан (а,в). Бунинг сабаби ранг ўлчам билан оғирлигини идрок этишига таъсирини кўрсатади.

7. Қандай ёругликда ранглар сояси илик бўлиб туюлади, қандай ҳолатда -совук. (пленэрда ва уй ичидаги ҳолатда). Бундай ҳолатда манзарани қуёшли ва ҳаво булутли, тонгда, куннинг ўртасида ва кечқурун; натюрмортни табиий ва электр ёруғлигида кузатишлар олиб бориш зарур.
**Жавоб.** Қуёшли кунда ранглар сояси совуқрок туюлади, ҳавобулутли кунлари эса – иликроқ. Электр ёруғлиғидаги соялар ранги илик рангдор бўлади.

8. Бир ҳил нарсаларни (помидор, бодринг, ковок, пиёз, апельсин, олма, лимон, нок ва ҳ.к.) турли рангдаги фонда (кўк, қизил, оқ, яшил, сариқ ва ҳ.к.) кўриб чикинг. Нарсаларнинг локал рангларини турли фондаги ўзгаришларини тушунтиринг.
9. Машқни бажаринг — гуашь билан тўқ колоритдаги рангда дарахтни тасвирланг.
Илик рангдаги колоритда дарахтнинг тасвирлаш кетма-кетлиги (гуашь)



1 2 3

10. Машқ — гуашь билан рангли фонда гуллаган шоҳни тасвирлаш.
Тус берилган фонда гуллаган шоҳни тасвирлашининг кетма-кетлиги (гуашь)



1 2 3 4

11. Машк — миллий пиёла тасвирини гуашда бажаринг. Локал рангда пиёла ва чойнак расмини чизинг.
Намуна. Идишнинг расмини тасвирлаш кетма-кетлиги (гуашь).



1 2 3

1. Тасвирни мўйқалам билан битта рангда бажариш, идишнинг умумий шаклини ва унинг нисбатларини кўрсатиш. Қоғоз текислигида композиция жиҳатдан тўғри жойлаштириш.
2. Асосий ранглар билан бўяш. Идишнинг хажмини кўрсатишда тусли ва рангли муносабатларини аниқлаш.
3. Майда бўлак қисмларига ишлов бериш, шуълаларни белгилаш, ишни туғаллаш.
12. Бир нечта сариқ олмаларни ҳар хил фонда ва турли колоритда тасвирини чизиш: а) илиқ колоритда, б) совуқ колоритда.

**Топшириқ:** Илиқ ранглардан фойдаланиб бирон бир композиция ишлаш: «Иссиқ кун», «Қуёшли Арал», «Саҳро дунёси», «Қуёшнинг ботиши».

# КОМПОЗИЦИЯ - ИЖОД ҚИЛИШ НАТИЖАСИ

Талабаларда тасвирий санъат борасидаги барча билимларни амалий ҳамда назарий жиҳатдан ривожлантириш, шунингдек, ижодий шакллантиришда композиция сирларини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Композиция тушунчаси кенг маънога эга бўлиб, қаламтасвир, рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва амалий санъатнинг ҳар бир турида ўзига хос йўсинда ва ўзига мос мазмунни ташкил қилади. Композициядан олган билимлар талабаларни ўз соҳасига ижодий ёндашишларига, ўқитувчилик фаолиятини жиддий ва қизиқарли олиб боришларига катта ёрдам беради.



А.Коснечёв. Натюрморт с гранатами.

Маълумки, композиция тушунчасининг барча санъат турларига алоқадор умумий жиҳатлари ва шунингдек, ҳар бир соҳага оид ўзига хос жиҳатлари бор. Уларни атрофлича ўрганиш, таҳлил қилиш талабалар ижодий фаолиятининг ўсишида муҳим аҳамият касб этади. Композициянинг қонуниятлари назария ва амалиётга бўлинади.

Тасвирий санъат композициясининг асосий маъноси, асарнинг ғоясини аниқ ва ишончли тарзда етказиш билан боғлиқ. Композицияда энг муҳими бадиий образни яратиш.

**Композиция** лотинча ***compositio*** сўз бўлиб, тузиш, бирлаштириш - турли бўлакларни бир бутун яхлит бирор ғояга мос ҳолда бирлаштириш маъносини билдиради. Тасвирий санъатда композиция деб бадиий асарнинг мазмуни, характери ва мақсади билан боғлиқ ҳолдаги қурилиши.

«Композиция» сўзи тасвирий санъат термини сифатида мунтазам равишда Уйғониш давридан бошлаб қўллана бошланди. Бошқа пайтда композиция термини тасвирлаш саводхонлигининг асосий элементлардан бирини билдиради, у орқали санъат асарлари қурилади ва баҳоланади.

Рассомлар асрлар давомида композициянинг ифодаловчи шартли тасвирларини (чизма) излаб келади, натижада айтиш мумкин-ки, муҳимларидан бири сюжет бўйича тасвирлаш элементлари оддий геометрик фигураларни ҳосил қилишади экан (учбурчак, пирамида, айлана, овал, квадрат, тўғри тўртбурчак ваш у кабилар). Буларни мисолларда кўриш мумкин: Ғ. Абдураҳманов «Кашта тикувчи қиз», Ж. Умарбеков «Олис болалик», В.Перов «Митища қишлоғида чойхорлик», М.Тўхтаев «Оила», Иноғомов «Тинчлик бўлсин уйингда».

Қандайдир бир ҳаракатсиз, ўзгармайдиган образни кўрсатиш учун туташтирилган, ёпиқ, мувозанат (ҳаракатсизлик) композиция тўғри келади.

Чизиқни асосий йўналиши марказга тортилади. Айлана, квадрат, тўғрибурчак шакли симметриясини ҳисобга олган ҳолдаги қурилиши керакли ечимини беради.

Панорамли манзарани тасвирлаш учун, кенг далани кўрсатиш керак бўлса, унда ён атрофини қандай-дир дарахтлар ёки бинолар билан ёпиш керак эмас, яхшиси чегарадан ташқарига йўналтирилганлигини кўрсатиш терак. Бу эса очиқ композициядир. Чизиқни асосий йўналишлари марказдан юритилган.



П.Тахиров. Тераклар.



Очиқ композиция.



А.Аликулов. Самарқанддаги бозор.



1



2



3

1. Веласкес. Бред каласининг топширилиши. 2. Марказий кисм.
3. Композиция бўлаги

Мисол тариқасида Веласкеснинг «Бред қаласининг топширилиши» номли асарининг яратилиш жараёнини ўрганиб таҳлил қиламиз. Тўқ ва оч доғларнинг навбат билан алмашуви, жуда кўп одамларнинг аниқ тақсимланиши ёрқин, равон ўқиладиган композициялардан биридир.

Сюжетли композиция маркази мато маркази билан мос келади. Марказда жойлашган икки қомат олисдаги фонда тасвирланган. Қала калитини топшираётган одам бошини, унинг катта оқ ёқаси намоён этиб, калит ушлаган ўнг қўли силуэти ифодали етказилган. Унинг ярим эгилган гавдаси ғолиб ихтиёрига таслим бўлиши ифодаланган.

Калитни қабул қилиб олаётган одам гавдаси ёруғ манзара фонида ишланган. Унинг юзи қора фонда ёруғ кўринишга эга, оқ ёқа ва қора сочлари қарама-қарши равишда тасвирланган.

Кийимни диагонали бўйича ўралиб боғланган шарф ва ўнг томондаги от силуэти сурат диагоналларидан бири эканлиги белгиланган.

Асарнинг яна бир диагоналини байроқ, марказда жойлашган гавдаларнинг қўллар ҳолати ва чап бурчакдаги отиш қуроли ташкил этади.



1



2



3

1. Композицияли шартли тасвир. 2. Композицияда режали кўринишлар.
3. Композицияда оч ва тўкнинг карама-каршилиги.

Учинчи кўринишдаги жангчи кафтанининг ёруғ доғлари ва унинг ёнидаги от боши фазовий чуқурлик сезгисини яратмоқда. Агарда ўша икки доғни беркитсак, қанчалик композициянинг фазовий чуқурлиги йўқолишини кўрамиз, чунки асарнинг биринчи ва охирги кўринишлари хаддан ташқари яқинлашиб кетади. Фазовий кенглик композицияси узоқлик перспективаси билан бирнеча кўринишлардан ташкил топади.

Кизиқарли жойи шундаки Веласкеснинг бу асаридаги тасвирланган қала учун «калит» ҳақиқатдан ҳам уни ўқиш калити каби мос тушган. Шубҳасиз бу калит мато марказида жойлашиб композиция маркази ҳисобланади, ва кўпбурчакли ёруғликда қора силуэт билан махсус ажратилган. Веласкес асарнинг мазмунини энг яхши ҳолатда кўрсатиш учун композициянинг тасвирлаш восита, усул ва қоидаларини ишлатган.

Бадиий назария билан амалиётнинг ривожланиш жараёнида композициянинг йиғилаётган ўз қонуниятлари мавжуд. Композиция маълум бир қонуниятлар асосида қурилади. Унинг қонун-қоидалари ва усуллари ўзаро боғлиқда бўлиб, композиция тузишнинг барча ҳолатларида қатнашади. Бунинг ҳаммаси ҳам бадиий асарнинг яхлитлиги ва ифодалилига эришиш учун йўналтирилган.

## Композиция қонуниятлари

Композициянинг қонун-қоидалари, усуллари ва воситалари бадиий асарнинг қурилишида асосий қонуниятлари ҳисобланади.

**Композиция қонун-қоидалари:** ҳаракатларни тасвирлаш (динамика), тинч ҳолат (статика), олтин кесим (учдан бири).

**Композиция усулларига:** композициянинг қисмлар мувозанати, ритми, симметрия ва асимметрияси, сюжетли композиция марказини ифодаланиши киради.

**Композиция воситаларига:** формат (ҳажм), фазовий кенглик, композиция маркази, мувозанат, ритм, қарама-қаршилик, ёруғ-соя, ранг, декоративлик, динамика ва статика, симметрия ва асимметрия, очиқлик ва ёпиқлик, яхлитликлар киради. Шундай қилиб, композиция воситаси – яратиш учун зарур бўлган барчаси, шунингдек унинг усул ва қоидаларини ўзига камраб олади. Улар турли туман, бошқача айтганда композициянинг бадиий ифодалаш воситаси деб аталади.



Қарама-қаршилик композицияси



Динамик композиция. П.Мордвинцев. Киргизлар.

## Композиция усуллари

**Ритм, харакат ва тинч ҳолатни тасвирлаш.** Ритм – универсал табиий хусусият. Ритм ҳар доим ҳаракатни англатади. Санъатдаги ва ҳаётдаги ритм – бу битта маънодаги нарса эмас. Тасвирий санъат асарларида ҳам, мусикадаги каби, фаоллик, кескинлик, майдали ритм ёки силлик, хотиржам, секинликларни фарклаш мумкин.



В.Бурмакин. Пахтакорлар.

Ритм – маълум кетма-кетликдаги элемент кисмларнинг такрорланиши.

Рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик ва амалий санъатда ритм композициянинг муҳим ифодаловчи воситаси каби бўлиб, тасвирни қурилиш мазмунига маълум ҳиссиётликни бахш этади.

Ритмни чизиқлар, ёруғ ва соя доғлари, ранг доғлари билан бериш мумкин. Композициянинг бир хил элементларнинг такрорланишидан фойдаланиш мумкин. Ритм ёрдами орқали текисликда ҳаракатларни ифодалаш мумкин. ( - расм).

## Ритм

Санъат асаридаги ҳаракат - вақт ифодачисидир.

Портрет, манзара ёки натюрморт каби жанрларда ҳақиқий рассомлар оддийгина тасвирламайди, уларни тасвирни динамика билан тўлдиради, ҳаракатдаги унинг моҳиятини ифодалайди, маълум даврнинг вақти ичида ёки келажакни тақдим этади.



Д.Имамов. Ёз.

## Ритм ва ҳаракат

Ҳаракат мавжуд бўлган санъат асарларини динамик ҳаракатдаги каби таърифланади. Нима учун ритм ҳаракатни кўрсатади. Бу бизнинг кўриш аъзоларимизнинг хусусиятлари билан боғлиқ. Масалан, тўлқинларни кузатганимизда, нигоҳимиз бир тўлқиндан бошқасига кўчаётганда уларнинг ҳаракатида иллюзия пайдо бўлади. Рассомлар ўз асарларида иллюзия ҳаракат кўринишларини яратишда унинг характерига алоҳида урғу беради. Баъзи бир кўринишларни қараб чиқамиз.



В.Бурмакин. Байрам.

Асарни яхлит бир бутунликда кўрганимизда ҳаракат ҳолати тушунарли бўлади. Ҳаракатдаги объект олдида бўш фазовий кенглик бўлса ҳаракатни ҳаёлан давом эттириш учун имконият туғдиради, гўёки у билан бирга ҳаракат қилишга чорлайди.

Бошқа бир ҳолатда эса от арава бутунлай тўхтаб қолгандек. Қоғоз қирраси унга ҳаракат қилишга имкон бермаяпти.





Ҳаракат ҳолатига мисоллар



И.Енин. Рассом портрети.

Қаламтасвир чизиқ йўналишлари ёрдамида ҳаракатни чизиш мумкин. Ҳайкалтарош «Диск улоктирувчи» ҳайкали орқали қаҳрамон кучининг энг тиғиз ҳолатини кўрсатган, Е.Мельников рангтасвирида пойгачиларни жўшқин харакатини акс этган.



Е.Мельников. Отчопардаги пойгалар.

Фондаги вертикал ёки горизонтал чизиқларни кўплиги ҳаракатни тўхтатиб қўйиши мумкин (аб - расм). Ҳаракат йўналишининг ўзгариши уни тезлаштиради ёки секинлаштиради (сд-расм).




Ҳаракат ҳолатининг шартли тасвири.



К.Коровин. Қишда

Санъат асарларида ҳаракатсизликни ҳис қилиш юз бериши мумкин. Масалан, К.Коровиннинг «Қишда» асарида диагонал йўналишларига қарамасдан от чана билан тинч турибди, ҳаракатнинг йўқлигини ҳис қилишда қуйидаги сабаблардир: суратнинг геометрик ва композиция марказларини мос келиши, композиция мувозанатли ҳисобланади, ва от олдидаги фазовий кенглик дарахтлар билан тўсиб қўйилган.



И.Шоабдуллаев. Улуғбек сиймоси.



О.Қозоков. Сароймулкхоним.

Рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, меъморлик асарларида композиция маркази ажратиб кўрсатилади. Масалан, Уйғониш даври рассомлари композиция маркази мато маркази билан мос тушишини афзал кўрган. Бош қаҳрамонларни шундай жойлаштириб, рассомлар уларнинг муҳим ўрнини, сюжет учун маънолигини ажратганлар. (С.Боттичелли. Баҳор).

Рассомлар сурат композиция қурилишининг кўпчилик турларини кашф этган, масалан, композиция маркази асарнинг сюжет мақсади агарда талаб қилса, унда матонинг геометрик марказидан хоҳлаган томонга сурилиши мумкин. Бунга Рембрандтнинг «Адашган ўғлининг қайтиши» номли асари композициянинг классик намунаси сифатида бўла олади, чунки суратнинг асосий ғоясини аникроқ ёритиш учун композиция марказини ўнг томонга суриб тасвирлаган. Суратда тугилиб ўскан остонада ота бола учрашуви тасвирланган.





Рембрандт. Адашган ўғлининг кайтиши. Сурат композициясининг шартли тасвири.

Фазовий кенгликнинг чукурлиги ёруг-соя ва ранглар карама-каршилиги оркали кетма-кетликда кучсизланиб бориши билан кўрсатилган. Кўзи ожиз отаси ўғлининг елкасига кўлини кўйиши ўнинг кечираётганлик белгисидир. Рембрандт суратнинг энг асосийсини ёруғлик билан ажратади. Композиция маркази эса суратнинг энг четида жойлашган. Рассом суратнинг композициясини ўнг томонида турган катта акасининг комати билан мувозанатини тенглаштирмокда. Асосий маъновий маркази баландликка нисбатан учдан бир кисмида жойлашиши олтин кесим конунига мослигини кўрсатади, рассомлар ўз ижодларининг ифодалигига эришиш учун ундан кадимги вактдан фойдаланиб келишади. Олтин кесим коидаси (учдан бир кисми).

## Портрет композицияси



Р. Ахмедов. Ш.Аббосов портрети.

## Портрет композициясини ишлаш босқичи







## Сюжетли асарлар композицияси



В.Гладков. Орол баликчилари.



П.П.Беньков. Миллий кийимдаги татар кизи.

## Композицияда симметрия ва асимметрия

Турли даврдаги рассомлар суратнинг симметрик курилишидан фойдаланишган. Уйғониш даврининг рангтасвирчилари композицияларни тез-тез симметрик конуниятлари асосида куришарди. Бундай курилиш негизида тинчлик, улуғворлик, серҳашамлик ва вокеани муҳимлик таассуротлари намоён бўлади. Бундай композициялар сокинлик ва фикрни, улуғворликни, алохида байрамона тантанаворликни ва муҳим вокеаликни тасвирлашда ёрдам беради. Симметрик композцияларда одамлар, жисмлар шундай жойлашганки улар картинанинг марказий ўкига нисбатан ойнавий кўриниш эгаллаган. Мусаввирлар масалан, Рафаэлнинг «Секстин мадоннаси», «Захриддин Муҳаммад Бобур» портрети асари, О.Татевосянинг «Сайл», М.Тошмуродовнинг «Алла Хасан Хусан», М.Саидовнинг «Сўнги чанок» ва бошкаларда симметрик бажарилганлигини кўришингиз мумкин.



Рафаэль. Сикстин мадоннаси.



Тошмуродов М. Алла Хасан Хусан

Санъатдаги симметрия қурилиши ҳаққоний воқеликда асосланган. Масалан, инсон қомати, капалак, қор учқуни ва бошқа шу кабилар симметрик тарзда қурилган. Симметрик композициялар – статик ҳолатда (мустаҳкам), ўнг ва чап томонлари тенглаштирилган бўлади.



Ж. Умарбеков. Алишер Навоий ва Ҳусаин Байқаро ёшлиги.



А. Абдурахманов. Пахта.

Симметрик



Ўқув иши.

Асимметрик композициялардаги жойлашуви асарнинг сюжети билан маъносига боғлиқ ҳолда турлича, ўнг ва чап томонлари тенглаштирилмаган ҳам бўлиши мумкин. Ассимметрик композицияларда шакл ва жисм кўринишлари турлича жойлашган бўлиб, асарнинг кўриниши мақсадидан келиб чиққан ҳолда чап ва ўнг томонлари мувозанатлаштирилган бўлиши мумкин.

Натюрморт ёки манзара композицияси қурилмасини тасаввур қилиш қийин эмас. Уларнинг симметрик ёки ассмметрик қурилмалари текисликда яққол кўринади. Масалан, мусаввир Раҳим Аҳмедовнинг манзара жанрида ёзган «Тонг. Оналик» асари асимметрик, яъни динамик кўринишга эга, лекин унинг мазмунида оила яъни инсонлар билан она табиатни уйғун ва симметрик акс эттирилган. Табиат билан инсонларни ўртасидаги мослиги, мутаносиблиги, уйғунлиги, симметрик гўзаллиги орқали она Ватанни нақадар гўзал эканлиги ҳақидаги ғояни намоён этиш мумкин бўлган.


25a


25b

25a. Симметрик композицияси, b. Асимметрик композицияси.

Натюрморт ёки манзара композициясини шартли тасвирда тасаввур қилиш жуда осон.



А.Икромжанов. Ч.Ахмаров портрети.

## Композицияда мувозанат

Симметрик композицияда унинг барча қисми тенглаштирилган, асимметрик композицияда эса тенглаштирилиши ёки тенглаштирилмаслиги ҳам мумкин.



Н.Орипова. Қумғонлар.

Мисол, арғимчоқдаги ўспиринни тенглаштириш мумкин, агарда иккинчи томонига иккита кичкина болаларни ўтказса. Кичкина бола хаттоки катта одам билан ҳам ўчиши мумкин, агарда у арғимчоқнинг чекасига ўтирмасдан марказига яқинроқ жойлашиб олса. Шу каби таққослашлар суратнинг ўлчами, туси ва ранглари бўйича турли қисмларининг монандлигига эришиши учун тенглаштириш ёрдам беради, яъни композицияда мувозанатни топади.



1



2



3

1. Тенглаштирилган композиция. 2. Тенглаштирилмаган композиция.
3. Композицияда мувозанатнинг шартли тасвири.

Расмлардаги композицияда мувозанат тасвирланган.






Натюрморт композицияси: a — ранг жиҳатдан тенглаштирилган,
b — ранг жиҳатдан тенглаштирилмаган.

Натюрморт композициясини бажариш бўйича бирнечта мисоллар келтирамиз.




Натюрмортда нарсаларни композицион жойлашишларига мисоллар

Турли кўриш нуқталаридан битта қўйилган натюрмортнинг композицияси ифодали ва қизиқарли бўлиши мақсадида қаралса, шуни кузатиш мумкинки ракурсларни ўзгариши натюрморт образини яратишда кўмак беради.




Натюрмортнинг турли кўриш нуқтасидаги кўриниши.

Маълумки, композиция принциплари уч хил кўринишда намоён бўлади: фронтал, ҳажм – фазовий ва чуқурлик – фазовий кабилардан иборат. Булардан биринчисининг белгиси композициянинг икки координати орқали (вертикал ва горизонтал) ривожланишини билдиради. Унда учинчи координати – чуқурлик, иккинчисига бўйсунган ҳолатда иштирок этади. Бундай композиция амалий безак композицияларида кўп қўлланилади. Ҳажм фазовий композицияларида эса шакллар уч ўлчамли ҳолатларда яратилади. Улар ҳар томондан туриб, айланиб кўришга мўлжалланган, кўпрок ҳайкалтарошликда қўлланади.

Чуқурлик фазовий композиция предметларни картина текислигида тасвир этишда қўлланади ва дастгоҳли рангтасвирда фойдланилади.

Тарихдан маълумки, ўтмишнинг улуғ рассомлари композиция масалаларига жуда жиддий ёндашганлар ва ўз асарларини яратишда умумқоида бўлиб қолган принципларга амал қилганлар. Композициянинг «вертикал», «горизонтал», «доиравий», «квадрат», «бурчак» ва бошқа кўринишларини қўллаб юксак натижаларга, гўзал ифодавийликка эришганлар. «Олтин кесим» композиция усулидан унумли фойдаланиш ҳар соҳада қўл келгани ҳам маълум.

Композиция тузишга моҳир бўлган ва уни ўз асарларида мукаммал даражага олиб келган мўйқалам усталари: Леонардо да Винчи, Микеланджело, А. Дюрер, Ж.Д. Энгр, П. Рубенс, Рафаэль Санти, А. Иванов, К. Брюллов, И.Е. Репин ва бошқалардир. Ўзбек рассомларидан тасвирий санъатнинг турли тур ва жанрларида ижод қилган ва ҳозирги пайтда ажойиб асарлар яратиб келаётган мусаввирлардан: Ў. Тансиқбоев, И. Икромов, З. Иноғомов, Ч. Аҳмаров, А. Абдуллаев, М. Набиев, Р. Аҳмедов, Р. Чориев, И. Жабборов, А. Бойматов, Ж. Умарбеков, Ш. Абдурашидов, Ғ. Абдураҳманов, А. Мирзаев, С. Абдуллаев, А. Икромжонов, Б. Жалолов, А. Нур, О. Қозоқов ва бошқа кўплаб ижодкорларни бемалол композиция усталари деб аташимиз, уларнинг асарларини ижобий жиҳатларини таҳлил қилиб, ибрат олишимиз мумкин, бу, албатта, ўқув-машқларни бажаришда назарий асос вазифасини ўтайди.





Арт Трио.





Д.Тейлор акварели



Д.Тейлор акварели





У.Мухамедов акварель ишлари



Н. Орипова. Хумсон.



## ПЕДАГОГИК РАСМЛАР ИШЛАШ

Кўргазмали таълим дидактик принципларнинг асосийларидан биридир. Графикали кўргазмали куроллар, асосан, математика, адабиёт, табиатшунослик, тасвирий санъат дарсларида кўпрок фойдаланилади. Бу эса бадиий асарлар репродукциялари, фоторасмлар, диафильмлар, диапозитивлар, китоб иллюстрациялари кабилардир. Шу билан биргаликда шуни айтиш лозимки, укитувчи ўз тажрибасида синф тахтасида расм ишлаш йўлларидан жуда ҳам кам фойдаланади. Афтидан ё укитувчиларда бўр билан синф тахтасида расм ишлаш кўникмалари йўк ёки улар педагогик расмга етарли эътибор каратмайдилар.

***Педагогик тасвир бу - ўкитувчининг синф тахтасига, махсус планшетларга ва ўкувчи расм дафтарининг бурчак четига тасвирланган расмлардир.***

Айрим ҳолда график кўргазмали куроллар педагогик расмларнинг ўрнини босолмайди. Буларни тушунадиган тажрибали ўкитувчилар оғзаки тушунтириш вактида намойиш этилган кўргазмали куроллар керакли бўлган тасаввур кўринишларини ҳосил килмагандан сўнг педагогик расмлардан кенг фойдаланишади. Педагогик тасвирлар тайёр жадваллар, расмлардан ўзининг бир катор афзалликлари билан фарк килади. Бу афзаллик шундан иборатки, ўкитувчи ўз хикоясини тасвир оркали кўрсатишда, ўкувчиларнинг кўз ўнгида тасвирни пайдо бўлиши, уни тўлдирилиши ва тугалланиш кўринишларини динамик жараёни(ҳолати)ни яккол кўрсатиш имконига эга бўлади.

Тасвир мустакил равишда ёки иллюстрацияларни тўлдирувчи бўлиб, уларнинг бўлак кисмларини изоҳлаб бориши мумкин. Оддий, аник тасвирлар у ёки бу вокеани, нарсаларни образли, кўргазмали килиб кўрсатади. Лекин уларни бирон-бир махсус ҳозирликсиз бажариш мумкин эмас. Нотўғри, пала-партиш расмлар, нарсалар тўғрисида янглиш тасаввурлар беради ва эстетик дидни шаклланиш жараёнига салбий таъсир этади. Ва аксинча, мазмунли ва чиройли бўр билан бажарилган тасвирлар нарсалар тўғрисида хакконий ва аниқ тасаввурлар ҳосил килишга ёрдам беради. Саводли педагогик расм графикали фикрлашни, кузатувчанликни ўстиради. Педагогик расмни чизишга кизикиши фаннинг ўзига бўлган қизиқишини уйғотади.

Одатда, оғзаки тушунтириш жараёнида тасвирлар бажарилиб борилса, ўкувчиларнинг диккат-эътиборини тортиши мумкин. Ўкувчиларни бир вактда эшитиш ва кўриш кобилиятлари оркали олаётган таассуротлари, ўзгача янги материални чукур ва мустаҳкам ўзлаштиришида аник тасаввурлар бўлишида ёрдам беради.

Педагогик расмларни тасвирлашда энг муҳими аник, схемали тарзда, нарсаларни ўзига хос характерли шаклини, ўлчамларини, ҳажмини, айрим

пайтда иложи борича рангларини хам тўғри тасвирлашдир. Уларни хар бир штрихи ва чизиклари маъноли ишни бажаради.

Кўргазмали куроллар билан бир қаторда педагогик расмларни ҳам тарбиявий имкониятлари жуда каттадир. Педагогик расмларнинг хусусиятлари куйидагиларда ўз аксини топади;

1. Педагогик расмлар ўкувчиларни расм чизишга бўлган кизиқишларини ўстиради.
2. Дарсга фаол иштирок этишга ёрдам беради.
3. Укувчилар томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вактида тузатишга (ёрдам беради) йўналтиради.
4. Расмни кандай килиб чизишга йўналиш беради.
5. Тасвирлаш боскичларини намойиш қилиб кўрсатади.

Педагогик тасвирларнинг турлари бир нечта. Дарсни ҳикоя килиш ва тушунтиришнинг мазмуни ва максадларига кўра куйидаги у ёки бу педагогик тасвирлаш турлари кўлланилади:

а) чизикли тасвирлаш;

б) штрихли тасвирлаш;

в) тоналлик (тусли) тасвирлаш.

***Чизиқли тасвир*** - энг оддий ва кенг таркалган тури. Бу ерда нарсалар яхлит туташ чизиқлар ёрдамида ёруҚлик манбаларисиз ва шакл ҳажмисиз тасвирланади. Чизикли тасвир ўз навбатида текисли (яссилик) ва перспективали бўлиши мумкин. Текисли расмда нарсани фақат узунлиги ва эни берилади. Масалан, барг шаклининг расми, тоғлар ва ҳ.к. Перспективали чизикли тасвирда нарсалар учта ўлчамдан иборатлигини кўрсатади - бўйи, эни ва баландлигини.



Бундай расмларни бажариш машаккатли, негаки, перспектива ёрдамида тасвирлашнинг асосий қонунларини билиш керак ва синф тахтасида бўр билан ишлаш тажрибасига эга бўлиши керак. Перспективада тасвирланган расмда нарсалар тўғрисида тўлик тасаввур беради.



***Штрихли тасвир*** -- киска чизик штрихларнинг комбинациясини ўз ичига олади, одатда улар чизилган нарсаларни соя томонларида жойлашади. Нарсаларнинг хажмини кўрсатишда тасвирдаги штрихлар буюмнинг шаклларининг йўналишлари юмалок ва текислик бўйича юритилади. Нарсанинг хажми кўрсатилмагунча штрихлар бир неча маротаба юргизилади. Чизикли тасвирлашга караганда штрихли тасвир мураккаброк, шу сабабли хам ундан фойдаланишдан олдин мувофик (тегишли) машклар талаб килади. Нарсани факатгина силуэт ёки контурини эмас, балки унинг хажмини хам кўрсатиш керак бўлган холда штрихли тасвирлашдан фойдаланилади.



***Тоналлик (тусли) тасвир*** -- бажарилиши янада мураккаброк. Бундай усулдан нарсани янада яхлит ва кўргазмали кўрсатишда кўлланилади. Тусли тасвирни бажарилиши куйидагича: синф тахтасига нарсанинг ташки кўриниш чизиклари билан тасвирланади, унга бўр суртилган латта билан юпка катлам юргизилади; коронғи бўлган жойлари ўчирилади, ёруғ жойлари бўр билан янада

кучайтирилади; ундан кейин чизилган нарсани характерли кисмлари бўрттириб чизиб кўйилади.







Тусли расмларда айрим ҳолларда рангли бўрлардан ҳам фойдаланилади. Ўкитувчига кўпинча бирон-бир кўриниишни пайдо бўлишини, ҳаракатини, динамикасини тушунтиришга тўғри келади. Уларнинг шу ҳолатини кўрсатиш ва афзал тушунишга ***мультипликация*** – расмлар бера олади (рўй бераётган воқеани кетма-кетлигини тасвирловчи расмлар). Ҳар бир расм, талабаларнинг кўз олдида пайдо бўлади ва тавсифланади (изоҳ берилади). Агарда, ўкитувчининг синф тахтасида бўр билан ишлаш малакаси бўшроқ бўлса, у пайтда олдиндан қоғозга 3-4 боскичда бажарилган расмларни тайёрлаб олиши мумкин. Дарс вақтида уларни кетма-кет кўрсатиб тушунтириш олиб борилади.



Машғулотнинг асосий мақсади - талабаларни тасвирий санъатдан педагогик расмларнинг хусусиятлари ва тасвирланадиган нарсаларни бошланғич боскичларининг методик нозик сирлари билан таништириш.

Педагогик расмлар намойиш этишда тасвирий санъатда ишлатиладиган материаллардан рангли бўрлар, рангли сув бўёклар, кўмир таёкчалар, сангина ва бошқалардан кенг фойдаланмоғи зарур.

Педагогик расм чизиш борасида қуйидаги умумий эслатмаларга эътибор қилиш шарт:

1. Педагогик расмни ҳамма вақтда ўқитувчи тасвирлаш билан биргаликда оғзаки тушунтириб бориши керак.

2. Синф тахтасига ва планшетга чизилган расм иложи борича каттароқ ва ҳажмли бўлиши керак. Агарда тасвир кичик бўлса, охирида ўтирганларга яхши кўринмаслиги ҳам мумкин.

3. Намойиш қилиш пайтида ҳар бир ишлаш услубига қисқача тушунтириш бериб бориш керак.

Педагогик расмлар барча тасвирий санъат дарс турларида қўлланилади. Қаламтасвир машғулотларида янги дарсни баён қилишда қўлланса, композиция ишлаш дарсларида кўпинча талабаларнинг мустақил ишларида қўлланилади.

Махсус тайёрланган планшетларда расм чизиш орқали профессор-ўқитувчи талабаларга рангтасвирни қандай ишлаш техникаси тўғрисида тушунчалар бера туриб, уни амалий жиҳатдан кўрсатади. Акварель бўёғи билан расм ишлаш борасида икки хил рангларни аралаштириб учинчи рангни ҳосил қилишни кўрсатади. Фазодаги ранг тусларини ўзгаришлари тўғрисида, уни акварель бўёғи билан ишлаш техникасини тушунтириш керак. Дарсда талабаларга «а-ля-прима», «гризайль», «лессировка» каби усулларни шу планшетдан фойдаланиб тушунтирилади.

Махсус рангли қоғозларга гуашь, бўр билан расм ишлашни турлича техникаларда ишлаш усулларини таҳлил қилиб кўрсатади.

Талабаларнинг мустақил ишлари жараёнида ўқитувчи томонидан айримларига индивидуал ёндашиш лозим. Талабаларга қоғоз форматининг бир четига тасвирлаш босқичларини, юборилган хатоларни тузатиш йўлларини кўрсатиб, тушунчалар беради.

Санъатшунослик асослари машғулотларида белгили тушунчаларни қонуниятларини кўрсатиш мақсадида педагогик расмдан фойдаланилади. Масалан, симметрия, перспектива ва бошқа расм ишлашда кўпинча нақшларнинг композиция қонунларини кўрсатиш учун педагогик расмлардан фойдаланишади.

Педагогик расм - талабаларга эстетик тарбия беришда, бадиий билим асосларини, тасвирлаш кўникма ва малакаларини ривожлантиришда асосий омилдир. Шу билан бирга талабаларни ўзи олган билимларининг ҳисоботи учун қуйида кўрсатилган мавзулар асосида кўчирма тасвирлар чизилган альбом топширишлари керак. Бундай альбомларда қуйидаги мавзудаги расмлар бўлиши мумкин.

1. Бир неча шаклдаги дарахтлар кўриниши. 2. Уй ва ёввойи ҳайвонларнинг тасвирлари. 3. Уй-рўзғор буюмлари. 4. Спорт ўйинининг жиҳозлари. 5. Транспорт воситалари. 6. Қурилиш ва қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган воситалар. 7. Усталик ва дурадгорлик воситалар. 8. Инсон бош қисмининг турли ҳолатдаги тасвирлари. 9. Инсон гавдаси турли хил ҳаракатларининг кўринишлари.



















































# БАДИИЙ ЭКСКУРСИЯ ТАШКИЛ ЭТИШ



Хар бир саёҳат талабаларнинг билимини мустаҳкамлайди ва чукурлаштиради. Саёҳат жараёнида талабалар хар бир меъморлик обидаларига нисбатан ўз билим, кўникма, малакаларини оширади. Қалбида ватанпарварлик туйғусини шакллантиради. Хар бир талаба жамият тараккиётига, унинг янгиланишига интилиб яшашига маънавий хаётимизни турли таҳдид ва хуружлардан ҳимоя килиш йўлларини, она ватан олдидаги масъулиятни чукур англаб яшашига ўргатишдир. Атрофга, содир бўлаётган воқеаларга бепарво-бетараф қараб, Ватан тақдирига, тарихига шунчаки кузатувчи сифатида эмас, балки авлод-аждодларимиз тарихидан, аҳлоқий дунё каричидан андоза олиб, Ўзбекистондек юрт фарзанди эканлигидан фахрланадиган ватанпарвар шахсларни тарбиялашдир. Чуқур билим эгаси бўлиб етишиши керак, чунки «Қурони карим»дек илоҳий китобимизда ҳам 750 марта илм олишга бежиз чақирмаган. Максадимиз бир аждодларимиз каби буюк Шарк фарзанди эканлигимизни чукур англаб олмокликдир.

Маънавий ва маърифий ишларнинг турли соҳаларини, жумладан, ўлканинг тарихий жойлари ва ёдгорликлари, табиатни, ишлаб чиқариш муассаси ва хоказоларни ўрганишда экскурсиядан фойдаланилади.

Ўзбекистон Музейлари: Тошкент музейлари, Фарғона водийси музейлари: Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи, Қўқон ўлкашунослик музейи. Термез музейлари: Термез Археологик музейи. Нукус музейлари: И.В.Савицкий номидаги Коракалпоғистон Республикаси санъат музейи, Шамуратовлар оиласи уй музейи, Бердах музейи, Коракалпоғистон ўлкашунослик музейи, Муйнак музейлари: Муйнак ўлкашунослик музейи, Самарканд музейлари: Самарканд музейилари, Хива музейлари: Аль-Хоразми ва Беруни номидаги Хоразм тарихи музейи, Амалий санъат ва маиший музейи, Ҳунармандчилик музейи.

Экскурсия уч жараёндан: экскурсияга тайёрланиш, уни ўтказиш ва натижаларини хулосалашдан иборат бўлади. Экскурсияга тайёргарлик кўриш объектни белгилаш, берилган вазифалар буйича адабиётлар билан танишиш, экскурсия раҳбарини танлаш каби ишлардан бошланади.

Экскурсияга мутахассислик фан ўқитувчисининг ўзи раҳбарлик қилиши ёки тегишли ташкилотдан махсус мутахассис гид таклиф этиши ҳам мумкин. Ўқитувчи унга белгиланган объектга қанча талаба боришини, экскурсиядан кандай мақсадлар кўзланганлигини, талабаларнинг тайёргарлик даражасини тушунтириб бериш лозим. Талабаларга эса, экскурсиянинг максади, ўтказилиш вакти, объекти, маршрути, экскурсия жараёнида юриш - туриш қоидаларини уктиради. Тасвирий санъатга оид экскурсиялар, музейлар ва санъат

ёдгорликларига, рассом ва ҳайкалтарошларнинг устахоналарига, халқ бадиий ҳунармандчилиги корхоналарига, ўқувчилар саройидаги рассомлик тўгаракларига, рассомлик ва бадиий олий ўқув юртларига, табиат қўйнига ва ҳоказоларга боришдан иборатдир. Бундай экскурсияларни уюштириш учун тўгарак раҳбари олдиндан режа тузиб чиқади. Талабалар экскурсияга чиққанда қоғоз, қалам, фотоаппарат олиб юришлари лозим.



Экскурсияга боришдан олдин талабаларга рассомларнинг маълум асарлари юзасидан саволлар тайёрлаш топширилади, масалан (Николай Пакнинг рассом Р.Чориев портрети): 1) бу асарининг асосий ғояси? 2) рассом асарни қандай яратган? 3) асарда нималар тасвирланган? 4) рассом ўз мақсадига қандай эришган? 5) рассом асарлари сизга маъқулми ёки нима учун маъқул эмас?

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар зали, Замонавий кўргазмалар зали ва Давлат музейларига қилинадиган экскурсиянинг режаси тахминан қуйидагича бўлиши мумкин: 1. Экскурсиянинг мақсади: а) музейдаги тасвирий санъат намуналари ва ёдгорликларни кўрсатиб талабаларнинг тасвирий санъатга бўлган қизиқишини ошириш ва уларнинг дунёқарашини кенгайтириш; б) уларнинг тасвирий санъат соҳасидаги билимларини бойитиш; в) талабалар эътиборини рассом яратган асарнинг бадиий-эстетик қиммати ва миллий ғоявий мазмунига, сурат рангларининг уйғунлиги ва ҳоказоларга қаратиш; г) музейнинг ташкил этилиш тарихи ва унинг аҳамияти ҳақида қисқача суҳбат; д) рассомларнинг музейга қўйилган асарлари ҳақида суҳбат ўтказиш; е) талабаларнинг саволларига жавоб бериш; ж) хулоса.

## Бадиий экскурсиянинг уюштирилиши

Музейда талабалар билан энг муҳим ва йирик асарлар олдида суҳбат ўтказилади. Масалан, рассомлардан Р.Аҳмедовнинг «Натюрморт. Ёз неъматлари», «Наби Раҳимов портрети», М.Саидовнинг «Хирмонда», Н.Қўзибоевнинг «Ал-Хоразмий», З.Иногомовнинг «Чойга», М.Набиевнинг «Амир Темур портрети», «Ал-Беруний», Н.Караханнинг «Олтин куз», Р.Чориевнинг «Аҳмад» каби асарлари ва Шарқнинг буюк сиймолари образини яратишда академик рассомларнинг ҳиссалари катта. Улар, албатта, талабаларда таъсирли таассурот қолдиради. Улар билан бу рассомлар ҳақида суҳбат

ўтказилади. Суҳбатда ўқитувчи рассомнинг маҳорати, асарларининг реаллиги, унда рангларнинг жозибалигига алоҳида тўхталади. Талабаларни қизиқтирган бошқа музей экспонатлари билан ҳам таништириш мумкин. Саёҳатдан қайтгач, музей ҳақида якунловчи суҳбат ўтказилади. Талабаларнинг музейга ташриф экскурсияси таассуротлари асосида деворий газета чиқарилади.



Н.Кузибоев. Ал-Хоразмий.

**Тошкентдаги Темурийлар Давлат тарихи музейига экскурсия**

...90-йиллар иккинчи ярмида республикамиз пойтахтининг марказида Темурийлар Давлат тарихи музейи бунёд этилди. Мамлакатимизнинг бутун бадиий ва ижодий кучлари шу йирик иншоотни бунёд этишга сафарбар қилинди. Улар орасида "Санойи нафис" гуруҳи рассомлари ҳам қатнашишди. Улар - Ғайрат Комилов, Тойир Болтабоев, Хуршид Назаров ва Содиқ Қорабоевлар эди. Дарвоқе, "Санойи нафис"чиларнинг бу масъулиятли ишга жалб этилишининг ҳам ўзига хос қизиқ тарихи бор. Фанлар академиясининг бир гуруҳ олимлари бўлажак қуриладиган бино салоҳияти ва руҳига мос тасвирий санъат йўналишлари устида иш олиб боришди. Қиркка яқин мавзу танланиб, махсус рўйҳат тузилди ва шунча дастгоҳли рангтасвир усталари бу ишга жалб қилинди. Кейинчалик бу ғоядан воз кечилди - мўмтоз меъморчилик анъаналарига асосланиб бунёд этиладиган бинога мос, унинг қаърига, руҳига сингиб кетадиган йўлни топиш керак эди. Олимлар гуруҳи бу борада энг матлуби мўъжаз санъат услуби деб топишди.

Шундай қилиб, «Санойи нафис» гуруҳининг тўрт нафар ёш мусаввирлари зиммасига ғоят масъулиятли тарихий вазифа тушди. Айтиш керакки, ўша масъулиятли, фурсат жиҳатидан ғоят зиқ вақт оралиғида улар ўзига хос фидойилик намуналарини кўрсатдилар. Қадимий миниатюра асарларини қайта тиклаш, бу борада катта қидирув-изланишлар олиб бориш, композицион ва

тасвир маҳоратини ўзлаштириш, деворий расмлар ишлаш бўйича устоз Чингиз Аҳмаров бошчилигида тўпланган тажрибалар ғоят шиддат билан ишлаш жараёнида қўл келди. Шунингдек, Москвадаги «Ўзбекистон» ресторанини жиҳозлаш, Тожикистон дам олиш зонаси, Урганчдаги «Ижодкорлар уйи», Германиянинг Ганновер шаҳридаги «Ўзбекистон» павильони, Исломобод(Покистон)даги Халқ мероси биносини безашдаги мустақил ижодий изланишлар рассомларнинг ўз санъатларини пухта эгаллашларига ёрдам берганди. Шу тажрибалар, тинимсиз ишлаш-изланишлар, мўъжаз санъат руҳини нозик ҳис этиш Темурийлар Давлат тарихи музейини безаш жараёнида яққол намоён бўлди.

Буюк соҳибкирон ҳаёти ва фаолиятининг тасвири уч бўлимдан - туғилиш, юксалиш ва фахрия бўлимларидан иборат бўлди. Умумий тасвирнинг асосий ғояси буюк соҳибкирон, буюк бунёдкор руҳини ифода этишдан иборат қилиб белгиланди.

Соҳибкироннинг дунёга келиш ҳолатида тикаётган аёллар, бешик, унинг ёпинчиклари тасвири, доира чертиб ўтирган аёл, тепада семурғ қушининг нигоҳи чақалоқ кўтарган Хумо қушига тушади. Самодаги юлдузлар тузилиши "Қўй" буржининг жойлашиши - бу чақалоқ келажакда подшоҳ бўлишига ишора қилаётгандай. Икки сайёра йўли бир-бирига тўғри келган пайтдагина буюк инсон дунёга келади. Бир қўлида Қуръони Карим, иккинчи қўлида адолат қиличини кўтарган фариштани кўрамиз. Сомон йўли - ҳаёт йўли. Амир: "Рости - русти" (куч - адолатда).

Юқоридаги рамзий тасвирлар орқали Амир Темурнинг дунёга келишидаги фалакиёт қонунияти шу улуғ зот туғилишидаги аломатлар, белгилар орқали рамзий талқин этилади. Шу қисмга яна Амир Темурнинг уч тамойил адолат, саломатлик, тартиб-интизом тамойилига суяниб, асосланиб иш кўриши ғояси сингдирилган. Донишмандлик, мардлик, жасурлик рамзлари орқали Соҳибкироннинг ички руҳи, амалга оширган буюк ғоялари ифодаланган.

Тасвир давомида, ундан кейинги авлодлар Амир Темурни ёд этиб ўтиришганига кўзингиз тушади. Муҳаммад Султон, Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Бобур Мирзо - булар Соҳибқирон ишларининг давомчилари. Шу ҳаётга шукрона қилиб юрган дарвешлар, каландарлар. Малика ва сарой ичкарисидаги аёллар - булар Амир Темур томонидан аёллар фикри, маслаҳатлари эътиборга олингани далолати. Шу ифодавий воситалар орқали рассомлар ўша давр тузуми, буюк Темурнинг иш тутишдаги салоҳиятини акс эттиришган.

Учинчи - фахрланиш, мерос қисми. Амир Темур умрбоқий чинор дарахтига киёс қилинади. Ҳаёлчан кетаётган қария тасвири орқали ҳаёт якуни - яъни ёзилган китобни келгуси авлодга топшираётгани ифодаланади. Сув акси - ҳаёт йўлини босиб ўтиш рамзи. Булоқ - ҳаётнинг бошланиши. Ундан оқиб чиқиб кетаётган сув ҳаётнинг ўткинчилигига ишора. Сув, осмон, бошқа, тасвирлар, ҳаммаси ўз жойига тушган. Сектант - чархпалак бир-бири билан боғлиқ. Куфий ёзувидаги Қуръони Карим сўзларининг ишлатилиши - тарихни биз узиб қўймадик, боғлаб юбордик демак. Бу маҳобатли тасвирда илк қўлланилган урғу янгиликдир.

Яна расмлардаги тасвирда Амир Темур ва Аҳмад Яссавий тасвири бунёдкорликка ишора. Осмонда фаришталар тасвири, учаётган юлдуз яна бошқа инсон туғилса, бошқа бирови ҳаётдан ўтди, деган маънода.

Биз таништиришда тасвирларга енгил бир назар таассуротларини ҳикоя қилдик. Аслида бу ерда ишланган ҳар бир рангтасвир орқали ифода этилган воқеа-ҳодисалар, тарихий шахслар ҳақида соатлаб гапириш мумкин. Масалан, сектант, етти хил турланувчи камалак ҳаёт ҳикматлари. Чархпалак давр белгиси, чинор, боғ, тераклар. - Она ер табиати тимсоли. Ўрик гуллагани туғилиш, яратилиш, инсоннинг дунёга келиши. Қуёш, дарёлар, Ой тағидаги муаллақ фаришталар - ботиний дунёни ҳис этиш демак. Қисқа вақтда, афсуски, бутун бир тарихий даврни ўз ичига олган йирик асар ҳақида батафсил ҳикоя қилиш мумкин эмас.

Шунинг учун миниатюрачи ижодкорларимизнинг баъзи омилларига тўхталамиз. Ранг жиҳатидан нисбат муносабатларини топиш жиҳатидан, кўпкўринишли нисбатлар, фазовий кенглик тасвири, бўшлиқни яратиш, жилоларга сайқал беришда, «Санойи нафис» гуруҳи ижодкорларига тан бериш керак. Тасвирнинг турли нуқталаридан пастдан, ён томондан, иккинчи қаватдан кўринишидаги турли ҳолатлар ҳиссий олам яратилиши - буларнинг ҳаммаси рассомлар томонидан ижобий ҳал этилган.

"Санойи нафис" гуруҳи мураккаб вазифани адо этишда катта бир, тарихий давр маданияти, санъатини, кўлёзмалар, адабий баён тафсилотлари, Шарқ илм-фани ютуқларини жиддий ўрганиб, ўз онгларидан ўтказишга муваффақ бўлдилар. Энг муҳими - улар сиймосида Шарқ мўъжаз санъати даҳоларидан Камолиддин Беҳзод анъаналарининг бугунги кундаги муносиб давомчиларини кўрамиз.

**Рассом устахоналарига экскурсия.**



Бунда тўгарак аъзолари таниқли рассом ва ҳайкалтарошлар, уларнинг асарлари билан танишадилар. Бундай экскурсияларнинг яхши томони шундаки, талабалар рассомларнинг ўзлари билан мольберт ёнида, устахонада юзма-юз ўтириб суҳбатлашадилар.

Бундай экскурсияларда талабалар санъаткорларнинг устахоналаридаги зарур ашёлар (рассомларнинг хомаки ишлари, картина эскизлари ёки унинг макетлари, лой, пластилин, ёғоч, гипс, мармар, тош кабилар) билан ҳам танишишга муваффақ бўладилар, рассом ёки ҳайкалтарошнинг қандай янги асар устида ишлаётганлигини кўрадилар.

## РАССОМ ҒАФУР АБДУРАХМАНОВ ИЖОДИ



Натюрморт.



Тарвузли натюрморт.



Балиқ билан натюрморт



Ойдин кеча.



Бобур Мирзо



Чўпонлар.

**Табиат куйнига экскурсия.** Бундай экскурсиялар ўлкамиз табиатига муҳаббат уйғотади. Табиатни кузатиш ва унга қараб расмлар чизиш экскурсиянинг асосий мақсади бўлиб, у талабаларнинг табиатга бўлган бадиий-эстетик дидини оширишни кўзда тутади. Шу билан бирга, экскурсия пайтида талабалар тасвирий санъат тўгараги дарсларида асқотадиган хилма-хил материаллар (барглар, мевалар, дарахт бутоқлари) йиғишлари мумкин.

Тасвирий санъат тўгарагида атроф-муҳитдаги маҳаллий материаллардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Талабалар гулзорлар, йўлаклар, дарахтлар ҳамда пахта даласи ва полиз экинларига қараб уларнинг расмини чизадилар.

Экскурсия вақтида табиат манзарасини кузатиш орқали талабалар нарса ва ҳодисаларнинг ҳажми ва фазодаги жойланишини тўлиқ идрок этиш кўникмасини тарбиялайди ҳамда нарса ва ҳодисаларнинг муайян белгиларини кузатади ва таҳлил этиб, уларни акс эттириш қобилиятини ўстиради.

Экскурсияни куз ва баҳор ойларида ўтказишни режалаштирган маъкул. Бу даврда талабалар турли мавзуларга оид хомаки ва тугалланган расмлар, этюдлар ишлашлари мумкин. Ўқитувчи экскурсия уюштириладиган жойни шундай танлаши керакки, у ерда талабалар турли хил объектларни, жумладан, характерли дарахтзор ва бутазорларни, йўлаклар, тоғлик ерлардаги тошлар ва ҳоказоларни кузатиб, уларнинг расмини чизиш имкониятига эга бўлишлари керак. Экскурсияга борадиган жой жуда узоқ бўлмаслигини эътиборга олиш керак. Талабаларни экскурсияга тасвирий санъат тўгараги раҳбари ёки мутахассислик фан профессор-ўқитувчиси олиб боради.



У.Саидов. Октош тошлари.



А.Разыков. Самарканд



В.Ковинин. Пахта.



П.Тахиров. Индустриал манзара.



С.Рахметов. Истироҳат боғида куз.


Н.Орипова.


Н.Орипова. Куз.

# ХУЛОСА

Санъат илмини ва тарбиясини илмий асосда шакллантиришга эришиш мақсадида замонавий тасвирий санъат тўгаракларини ташкил этишга катта эътибор берилаётгани чинакам ғамхўрликнинг ифодасидир. Дарҳақиқат, бугунги кунда ёшларимиз кўп нарсага чанқоқ, улар гўзал ва мазмунли яшашни орзу қиладилар. Ана шу эзгуликка, кенг фикрлиликка, нафосатга етаклашнинг асосий омилларидан бири замон талабига мос мутахассис мураббийларни тайёрлашдир.

Шундай қилиб, рассом-педагогларни ҳар жиҳатдан шакллантиришда бир қатор илмий педагогик шартларга амал қилиш ўз самарасини беради. Булар қуйидагилардир:

– жаҳон андозаси талабларига мос, шунингдек Ўзбекистон шароити, тасвирий санъат анъаналарига таянилган педагогик таълим тизимини таркиб топтиришга эришиш;

– таълим жараёнида маҳаллий ва умумтасвирий услубларидан замонавий шароитга мос фойдаланиш андозасини ишлаб чиқиш;

тасвирий санъат педагогикасининг ўзига хос жиҳатларини амалда тўла-тўкис қўллаш учун устоз педагоглар учун илғор хорижий давлатларнинг бадиий академияларидаги тажрибаларини ўрганиб таҳлил қилиш;

– дарслик, қўлланма, методик тавсияномаларни ўзбек тилида Ўзбекистан шароитига мос қилиб яратиш учун барча имкониятлардан тўғри ва илмий асосда фойдаланиш.

Мустақил Ўзбекистоннинг бўлажак рассом-ўқитувчиларини ҳар томонлама жаҳон андозасига мос мутахассис қилиб тайёрлаш учун таълим тизимидаги ташкилий масалаларда ҳам бир қатор муаммоларни ҳал этмоқ керак.

Биринчидан, бир неча йиллардан буён олиб борилаётган илмий ва касбий тўгаракларни, шунингдек, янги илмий тўгараклардан маҳаллий шароитларга мос хулосалар чиқариб тасвирий санъат таълими мазмунини узлуксиз такомиллаштириб борувчи бадиий таълим илмий тўгараклар марказини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, тасвирий санъат таълими мазмунига оид турли қалам, муйқалам, бўёқ, мато ва қоғоз каби воситалар, амалий машғулотларда натура учун қўйиладиган хил санъат ашёларисиз тасвирий санъат таълимини олиб бориш мумкин эмас. Демак, махсус ишлаб чиқариш корхоналарини юзага келтириш ва уларни давр талабига мос шакллантириш ҳам зарурдир.

Хулоса қилиб айтганда, республикамиз ҳаётида янгича юксалиш босқичи амалга ошмоқда. Бу жараён жамиятнинг барча жабҳаларида каби тасвирий санъат таълими тизимида ҳам янги сифат босқичига кўтарилмоқда.

## «Тасвирий санъат» фани бўйича тест саволлари.

| Саволлар | Жавоблар | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 1-жавоб | 2-жавоб | 3-жавоб | 4-жавоб |
| Расм чизишни ўргатишга бўлган биринчи интилишлар қайси тарихий даврга тўғри келади ? | Неолит | Палеолит | Мезолит | Ибтидоий |
| 2. Қадимги тасвирлар Сурхондарё вилояти қайси ғордан топилган ва унинг тарихий асри | Мачай ғорлари, неолит | Зараут-сой, тош асри (мезолит) | Айритом, неолит даври | Бойсунтоғ Мезолит даври |
| 3. Тошкент вилоятида качон ва каердан ёввойи бука расми топилган ва у қайси даврга мансуб | 1957 йили Хўжакент, палеолит даври | 1960 йили Ок-қўрғон, неолит даври | 1958 йили Юнусобод, палеолит. | 1959 йили, Паркент, неолит даври |
| 4. Қадимги Мисрда расм чизиш методикаси нима-ларга асосланган? | Нусхаларни кўчириш | Хаёлдан расм чизиш | Буюк рассомлар ижодига таклид қилиб | Ўқитишни илмий асосланган методларга таянган. |
| 5. Расм чизиш таълимига улкан ҳисса қўшган қадимги Юнонистондаги Сикион мактабининг асосчиси ? | Памфил | Эвпомп | Паррасий | Апеллес |
| 6. Ибтидоий одамнинг тошдаги биринчи тасвир-лари каердан топилган ? | Камбаралье, Лес Эйзи, Альтамир ғорларидан. | Муғилистоннинг Гоби чўлларидан | Хитойнинг Тибет тоғларидан. | Американинг Хинду қабилалари. |
| 7. Қадимги ёзувнинг кетма-кетлик ривожланишини кўрсатинг. | Идеографик, пиктографик, ҳарфли | Пиктографик (расмли), идеографик, ҳарфли | Ҳарфли, идеографик, пиктографик | Идеографик, ҳарфли, пиктографик |
| 8.XX аср Ўзбекистон рассомлари кимлар? | У. Тансикбоев, З. Иноғомов, А. Абдуллаев, М.Набиев | А. Мирзаев, Б. Махкамов, Я. Салнинкиди, Н. Усмонов | О. Юнусов, Н. Абдусаломхўжаев, А. Исахўжаев, Г.Абдурахмонов | Н. Орипова, Х. Хўжанов, Х. Аминов, А. Мўминов |
| 9. «Чорсу» меҳмонхонаси качон ва қайси меъмор лойиҳаси асосида қурилган ? | 1981 йил Л. Адамов | 1982 йил В. Спивак | 1983 йил С. Адылов | 1984 йил Е. Розанов |
| 10. Пойтахтимизнинг Миллий боғида ўрнатилган улуғ шоир Алишер Навоий образига аталган ёдгорлиги қайси ҳайкалтарошлар томонидан яратилган ? | Э.Алиев, Н.Банделадзе, В.Дегтяров | А. Рахматуллаев, И.Жабборов, Э.Алиев | А. Рахматуллаев, Л.Рябцев, Д.Рўзибоев | И. Жабборов, Р.Миртожиев, Т.Тошхўжаев |
| 11. Расм чизиш методларини ишлаб чиққан Уйғониш даври рассомлари ? | Леонардо да Винчи, Микеланжело, Апеллес, Рафаэль | Ч.Ченнини, Л.Альберти, Леонардо да Винчи, Дюрер | Ч.Ченнини, Тициан, Веласкес | Л.Альберти, Рембрандт, Мелантий, Рубенс |
| 12. Леон Баттиста Альберти- | Рангтасвир | Буюк дидактика | Эмиль асари | Рангтасвир |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| нинг машхур асари кандай номланган ? | тўғрисида уч китоб | | | хакида китоб |
| 13. Методиканинг кандай турлари мавжуд ? | Илмий ва методик карашлар | Хусусий ва умумий методика | Йуллар ва йўлланмалар | Педагогик-назария методикаси |
| 14. Кадимги Юнонистонда эрамиздан олдинги IV асрда машхур бўлган рассомлар мактаблари ? | Сикион, Эфесс, Фиван | Афина, Фиван, Спарта | Македония, Сикион, Афина | Памфил, Эпир, Афина |
| 15. Кадимги Рим усталарининг тасвирий санъат ривожланишига кўшган хиссалари? | Нусха кўчириш | Тасвирий санъатни ривожланишига хеч кандай хисса кўшмаган | Хайкалтарош лик ишларидан кўчирма ишлаган | Бадиий тасвирий санъат асрларни кўчириш |
| 16. Шарк мўъжаз санъат муссаввири К.Бехзоднинг асарлари кайси китобларда тасвирланган? | Хамса | Шохнома | Гулистон | Бўстон |
| 17. К.Бехзоднинг устози ва у ўкиган мактаб номи? | Мирок Наккош - «Нигористон» санъат мактаби | Махмуд Муззахиб – Шерози санъат мактаби | Мир Сайда Али – Хирот санъат мактаби | Султон Мухаммад «Нигористон» санъат мактаби |
| 18. Акварель бўёклардан кайси санъат турида кўлланилади ? | Рангтасвирда | Каламтасвирда | Амалий санъатда. | Хайкал ишлашда. |
| Асосий ранглар кайси каторда тўлик берилган ? | Зарғалдок, кўк, жигарранг: | Кизил, зангори, сарик | Сарик, ок, кора | яшил, сиёхранг, зангори |
| 19. Куйидаги асарлардан кайси бири Зокир Иноғомов каламига мансуб ? | Чойга | Чойхонада | Куз | Қиш |
| 20. Палитра нима учун керак ? | Хайкал ишлаш учун | Рангтасвир ишлаш учун | Чизмачилик асбобларига | Кимё асбоблари учун |
| 21. Ахроматик ранглар кайси каторда ? | ок, кора, кулранг | кизил, хаворанг, сарик | жигарранг, сабза, хаворанг | барикарам, зарғалдок, бинафша |
| 22. Машхур Амир Темур портретининг муаллифи ким ? | Р.Чориев | М.Набиев | Г.Абдурахманов | Н.Кўзибоев |
| 23. Хроматик ранглар кайси каторда тўғри кўрсатилган ? | кизил, сарик, яшил | кора, сарик, ок | жигарранг, окиш, кулранг | сарик, кулранг, кора |
| 24. Тошкентдаги «Амир Темур» хайкалининг муаллифи ким ? | М.Набиев | И.Жабборов | А.Бойматов | Д.Рўзибоев |
| 25. Натюрморт жанрида ижод килувчи рассомлар кайси каторда ? | П.Тен, Л.Абдуллаев, А.Саврасов | F.Абдурахманов Л.Шарден, А.Икромжонов | А.Муминов, Н.Кашина, А.Волков | И.Перов, Ж.Умарбеков, М.Набиев |
| 26. Хосила ранглар кайси каторда тўғри берилган? | Зарғалдок, яшил, бинафша | Сарик, жигарранг, хаворанг | кизил, сарик, зангори | ок, кирмизи, кора |
| 27. Мастихиндан кайси санъат турида кўлланилади ? | Графикада | Рангтасвирда | хайкалтарошликда | халк амалий санъатда |
| 28. Машхур «Мона Лиза» асарининг муаллифи ким ? | Леонардо да Винчи | П.Рубенс | Микеланжело | Тициан |
| 29. «Спитамен кўзғолони» асарининг муаллифи ким ? | Р. Ахмедов | М. Набиев | Ч. Ахмаров | Р. Чориев |
| 30. Тасвирий санъат жанрлари кайси каторда ? | натюрморт, манзара, | Хайкалтарошлик, | графика, офорт, | рангтасвир, композиция, |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | портрет | меъморчилик, каштачилик | ксилография | каламтасвир |
| 31. Конструктив расм деганда нимани тушунасиз ? | Академик усулда тасвир ишлаш | Синч усулида тасвирлаш | Мўйқаламда расм ишлаш | Ранглавҳа бажариш |
| 32. Республиканинг энг қадимги ноёб санъат асарлари қайси жойдан топилган ? | Варахша, Афросиёб, Тупроққалъа | Самарканд, Чуст, Бешарик | Қўқон, Фарғона, Наманган | Бухоро, Фарғона, Сариосиё |
| 33. Триптих нима ? | Уч рассом томонидан яратилган санъат асари | Бир мавзудаги уч бўлакдан иборат санъат асари | Уч бўлакдан иборат уч мавзудаги санъат асари | Уч ҳайкалтарош томонидан бажарилган санъат асари |
| 34. Дастгоҳли рангтасвир нима ? | Мольбертда ишланган сурат | Деворга ишланган тасвир | Китобга ишланган расм | Журналда тасвирланган расм |
| 35. Таникли француз рассоми томонидан ишланган «Шар устидаги кизча» номли асарнинг муаллифи ким ? | О. Ренуар | П. Пикассо | Э. Моне | К. Моне |
| 36. Портрет жанрида ижод этаётган рассомлар кайси каторда ? | М. Набиев, А. Абдуллаев | Н. Кашина, А. Бойматов | А.Мўминов, F. Абдурахманов | Я.Салпинкиди Н. Хайдаров |
| 37. Ложувард ранг кандай ранг ? | оч яшил | тук кўк | сабза | тўк жигарранг |
| 38. Леонардо да Винчининг машхур трактати кандай номланган ? | Рангтасвир тўгрисида уч китоб | Рангтасвир ҳакида китоб | Ранглар ҳакида | Буюк кашфиетлар |
| 39. Тасвирий санъатнинг асосини белгиловчи фан кайси | Чизматасвир | Рангтасвир | Композиция | Анатомия |
| 40. Абу Райхон Беруний портретининг муаллифи ким ? | М.Саидов | М.Набиев | С.Абдуллаев | М.Набихонов |

# ГЛОССАРИЙ

## Тасвирий санъат терминларини қисқача изоҳли луғати

**«А»**

**АБРИС** (немисча– abriss– чизиқ, хомаки расм)– калька, ўта юпка материалларга тушириладиган контур тасвир. Абрис кўп рангли асар оригиналининг тус ва ранглари чегарасини аниқлайди.

**АВТОГРАВЮРА** (юнон. autos - ўзим ва франц. gravure) - ўймакорлик. Нақш чизишда муаллифнинг ўз қўли билан ёғоч, линолеум ёки металлга ўйиб ишланган ва ундан қолип сифатида фойдаланиб чоп қилинган нусхаси. Ёғоч автогравюраларидан китобларга расмлар тайёрлашда, линолеум ва металл автогравюраларидан эса алоҳида нусхалар чоп этишда фойдаланилади.

**АВТОЛИТОГРАФИЯ** (юнон. autos - ўзим, litos – тош, grapho – ёзаман, чизаман). Литографиянинг ишлаш усулларидан бири. Бунда рассом ўз ғоясини дастлаб тошга ўйиб, сўнг ундан қоғоз сатҳига туширади. Рассомнинг ўзи томонидан қоғозга туширилган сурат ҳам автолитография деб юритилади.

**АВТОПОРТРЕТ** (юнон. autos - ўз, франц. portrait - тасвир) Портрет жанрининг бир тури. Автопортретда рассом ёки ҳайкалтарош ўзини ўзи тасвирлайди. Ўзбекистон рассомларидан А. Волков, Л. Насриддинов, А. Сиддиқий, Б. Ҳамдамий, А. Абдуллаевлар қатор автопортретлар яратган.

**АКАДЕМИЯ** – (юнон.Akademia – Афина яқинида жойлашган, юнонларнинг афсонавий қаҳрамони Академ исмли билан аталган жой номи) – санъатни ривожлантиришга қаратилган олий илмий муассаса. Бу ном тарихи милоддан, аввал, IV асрда Қадимги Юнонистон ва Платон(Афлотун)нинг идеалистик фалсафий мактабига асос солинишидан бошланади. Хирот миниатюра расмлар мактабини Ўрта аср Шарқида давлат томонидан таъсис этилган биринчи бадиий академия деб ҳисоблаш мумкин. (Беҳзод шу академиянинг энг йирик вакилидир).

**АКВАРЕЛЬ** – (итал. acguerello) – сувда эрувчи бўёқлар. Бу бўёқларнинг ажойиб хусусияти бўёқ қатламларининг тиниқлиги ва майинлигидир. Акварелда оқ ранг бўлмайди, унинг ўрнида бўёқларнинг тиниқ ва юпқа қатлами тагидан кўринадиган ёки бўялмай қолган қоғознинг ранги хизмат қилади. Ўзбекистонда акварель санъати ривожини Б. Ҳамдамий, У. Тансиқбоев, Г. Шевяков, Г. Чиганов, К. Чипраков, К. Кайдаловлар томонидан яратилган ажойиб асарларда кўриш мумкин.

**АЛЛА-ПРИМА** итал. («а-ля прима»). Тасвирий санъатда, хусусан, рангтасвирда «намлигича ёзиш» - (живопись по-сырому) усулини англатади.

**АНИМАЛИСТ** (лот. animal-ҳайвон) – ҳайвон ва жониворлар акс эттирилган расм, сурат, ҳайкаллар бўйича мутахассис рассом, ҳайкалтарош. Ўзбекистонда рассом Б. Жуков; ҳайкалтарош Д. Милеев, П. Иванов ва М. Ивановлар ижодий ишлари, Самарқандлик У. Жўрақулов, Ғиждувон туманининг Ўба қишлоғида яшовчи Х. Раҳимоваларнинг ўзбек миллий анъаналари заминида яратган сопол ҳайкалчалари ҳам анималистика жанрига мансуб.

**АНИМАЛ ЖАНР** - ҳайвонот дунёсини, жониворларни тасвирловчи тасвирий санъат тури.

**АПОЛЛОН –** юнон афсонасига кўра Зевс худосининг ўғли. Аполлон Бельведерский эрамиздан олдин 4-асрда машҳур ҳайкалтарош Леохар томонидан ишланган.

**АСОСИЙ РАНГЛАР –** рассомликда асосий деб қабул қилинган учта ранг - қизил, сариқ ва кўк.

**АХРОМАТИК РАНГ**– (юнон. achrimatos - рангсиз) бу ранглар бир биридан ёруғлик куч билан фарқ қиладилар. Ахроматик рангларга оқ, қора ва кул рангнинг барча туслари киради.

**«Б»**

**БАДИИЙ АКАДЕМИЯ**– тасвирий санъатнинг энг йирик намояндалари уюшмаси, санъат масалалари билан шуғулланувчи илмий назорат маркази – муассаса, олий бадиий ўкув юрти. Биринчи «академия» XVI асрда Италияда вужудга келган. 1997 йилда Ўзбекистон Бадиий Академияси ташкил этилди. **Ўзбекистон Бадиий Академиясининг академиклари**.[2]

**БАДИИЙ ОБРАЗ (киёфа)** – борликка томошабиннинг караши. Бадиий образ яратиш жисмларнинг индивидуал такрорланмас табиатининг чегарасида жисмнинг маълум томонларини аниклаган ҳолда ўзига хосликка чамбарчас боғлик. Маълумки, инсонни тасвирлашда рассом нафакат реалистик тарзда объектив образни акс эттиради, балки унинг хис-хаяжонини, ички кечинмалари ва характерини ифодалайди. Шунинг учун рангтасвирдаги бадиий киёфа факатгина тасвирнинг айнан чизикларидан иборат эмас, унинг ички шодлик хаяжонининг ҳам аҳамияти каттадир. Ҳар бир киёфа - бу объектив борликнинг ва рассомнинг эстетик ҳиссиётлари, тасвирга нисбатан туйғулари, индивидуаллиги, унга бўлган муносабати, дили ва усули биргаликда ҳакикий тасвирланиши керак

**БЬЕНАЛЕ –** икки йилда бир марта бўладиган кўргазма.

**БАТАЛ ЖАНРИ** – (франц. bataille – жанг, уриш) – тасвирий санъатнинг жанг, уруш манзараларини акс эттирувчи тури. Асарларда, асосан тарихий аҳамиятга эга бўлган жанг эпизодлари тасвирланади. Ўрта асрларда китобларга ишланган анчагина миниатюралар ҳам баталия жанрига мансуб. (Муҳаммад Мурод, Самаркандий, Беҳзод ижодида.) П.Беньков, В.И.Уфимцев, С.Ф.Абдуллаев, О.Татевосян ва бошка рассомлар баталия жанрининг тараккиётига катта ҳисса кўшдилар.

**«В»**

**ВЕРНИСАЖ–** кўргазманинг очилиши. Дастлаб кўргазмадан олдин рангтасвир асарлари сатҳига лок бериш деган маънони билдирган. Бундай одатни француз рассомлари бошлаб беришган эди.

**«Г»**

**ГАЛЕРЕЯ** - (франц. galeril) – турар жой, жамоат, маъмурий ва маиший бинолар ичидаги узун, тор йўлак жой. Бинонинг бир томонига такаб солингани учун ойнаванд ёки пешайвон килиб курилади. Ўрта асрларда сарой ва уйларнинг расм ва ҳайкаллар билан безатилган йўлаклари.

**ГАММА** – ранг гаммаси маъносида, рангнинг турли туслари, масалан, илик ва совук ранг туслари.

**ГОРИЗОНТ** (уфк текислиги), (юнон. gorisont-чеклайман)- перспектива назариясида шартли равишда кабул килинган текислик, очик ва текис ерда кўринадиган кисми. Дала манзарасида ер билан осмоннинг «туташиш» жойидан ўтадиган чизик горизонт чизиги дейилади. Горизонт доира шаклида бўлиб, кузатувчи ўзини шу доиранинг марказида тургандек ҳис килади, баландга кўтарилган сари горизонт кенгая боради. Картинада

---

[2] Абдуллаев Саидулла, Акиаров Аскарали, Аллаберганов Атахан, Ахмедов Рахим, Болтаев Батыр, Бобоев Бахтиер, Бурмакин Владимир, Жалолов Баходир, Жаббаров Илхом, Ибрагимов Леким, Изентаев Жоллибой, Икрамжонов Акмалжон, Кагаров Медат, Кузиев Турсунали, Куттимурадов Жолласбек, Мирзаев Алишер, Муминова Шахноза, Мухамаджонов Шомахмуд, Нарзуллаев Алишер, Нуритдинов Акмал, Набиев Малик, Рахимов Акбар, Рахметов Собир, Садыков Марат, Тахташ Рафаил, Тохтаев Азамат, Турсунназаров Йигитали, Умарбеков Джавлят, Умаров Абдурахим, Файзуллаев Ортик, Хакбердиев Худойберди, Хакимов Акбар, Холматов Ниёзали, Шин Николай, Юсупов Шарофитдин, Абдуллаев Абдулхак, Башаров Кутлуг, Кузибаев Нигмат, Махмудов Саидахмад, Мирзарахимов Косим, Миржалилов Тахиржон, Саидов Маннон, Усмонов Махмуд, Чориев Рўзи,

горизонт чизиғининг пастрок ёки юкорирокдан олиниши тасвирланаётган нарсаларнинг турини холатига боғлик. Горизонт чизиғи картина ўртасининг пастроғидан ўтса, нарсалар таъсирли, ҳашаматли, бахайбат бўлиб кўринади. Шаҳар манзарасида эса бу чизик трамвай изларининг, кўча четларининиг ва йўлкаларнинг, бир хил баландликдаги уйлар ёки симёғочларнинг кискариб-торайиб, битта нуктада «учрашиш» жойидан ўтади.

**ГРАФИКА** /юнон.grafikus - тасвирланган, акс эттирилган/-тасвирий санъат тури. Унга оддий кора каламда чизилган сурат, мазмунли расм, плакат, маркалар ва шу кабилар киради. Графика санъати асарлари ҳажм жиҳатдан унча бўлмайди ва кўпинча когозда бажарилади. Графика тўрт турга бўлинади: дастгоҳли графика, газета-журнал графикаси, плакат ва амалий (саноат) графикаси.

Графика санъати кадимда ҳайкалтарошлик ва амалий санъат турлари билан биргаликда ривожланиб, уларнинг асосини ташкил этган. Графиканинг юксак намуналари антик даврдаги кишилар эҳтиёжида ишлатиладиган турли хил буюмларда ўзининг чизикли, рангли тасвирлари билан хизмат килган.

Мустакил санъат сифатида графика XV аср охири ва XVI аср бошларидан буён тараккий этиб келмокда. Тарихий ривожланиш жараёнида графика санъатига рангли бўёклар кириб келди ва акварель, пастель, гуашь кабилар бевосита алокадор бўлиб колди. Шунинг учун ушбу материаллар асосида бажарил-ган асарлар ҳам графика санъат турига киради.

Вазифаси ва мазмунига караб графика дастгоҳли бўлимга бўлинади (бажариш жараёнида бадиий матнлар билан боғланиш); китобни иллюстратив бадиий безаш учун ғўлланилади; плакат тасвирий санъатнинг жуда кўп кўринишларини ўз ичига олади, сиёсий масалаларни бадиий усуллар билан бажариш, тарғибот, бадиий-ишлаб чикаришларни ёки амалий (этикетлар, ёрликлар, почта маркалари) кабиларни ўз ичига олади.

**ГРИЗАЙЛЬ** /франц. grisale, gris - кулранг сўзидан/ - бир ранг билан турли /оч, тўк, ним ранг килиб/, кўпинча кул ранг бўёкда яратилган расм. Асосан деворий расмлар рельефли бўлиб кўриниши учун шу тарзда ишланади.

**ГУАШЬ** - /франц. guuische, итал. Guacco – сув бўёғи/ - елим ва белила аралаштирилиб, сувга корилган бўёк ва шу бўёк билан ишланган рассомлик асарлари. Ишлатиш йўллари жиҳатидан гуашь акварель бўёкларнинг юмшок хилларига ўхшаса-да, белила кўшилганлиги, бўёк катламининг калинлиги ва хиралиги билан акварелдан фарк килади.

**«Д»**

**ДАСТГОҲЛИ САНЪАТ** – тасвирий санъатнинг бир тури, санъат асарларини махсус дастгоҳларга (мольберт) ўрнатиб ишланган.

**ДИЗАЙН** - кундалик ҳаёт, турмушда ишлатиладиган буюмлар, кийим-кечак, асбоб-ускуна, идиш-товоғ, мебель ва шунга ўхшаш нарсаларни ғулай, чиройли шакл ва рангини, янги шакл-шамойил яратиш санъати.

**ДИПТИХ** - /юнон. diptikos– икки кават, буклама/. Бир мавзуда бўлиб, бир - бирининг мазмунини тўлдирадиган икки картина.

**«Ё»**

**ЁРУҒЛИК ВА СОЯ** – нарсаларнинг шаклини ва ҳажмини тугри бажаришда ёруғ ва соя конун-лари муҳим аҳамиятга эга. Ёруғлик ва соя мажмуаси куйидаги: ёруғлик, ярим соя, соя, рефлекс, шуъла.

Ёруғлик - буюм юзасидаги тик тушувчи куёш ёки сунъий ёритгичлар нурлари.

Ярим соя - нарса юзига киярок равишда тушувчи ёруғлик.

Шахсий соя - нарсанинг ёритилган кисмининг орка томонига ёруғлик нурлари тушмаган ери.

Рефлекс нарсаларда шахсий соянинг энг чеккасига унинг ёнидаги нарсадан ёки текисликдан акс этган нурлар билан ёритилган жой. Рефлекс нарсанинг ёритилган кисмидан тўкрок кўринади.

Шуъла - нарсаларнинг ёруғ кисми ўртасидаги тиник ок доғ ялтираши. Бу холат шиша, чинни, никель-металл буюмларда кузатилади.

«Ж»

**ЖАНР** - /франц.- тур, куриниш/. Тасвирий санъатда жанр дейилганда, чегараланган мавзуни ўзида акс эттирадиган санъат асарлари тушунилади. Булар манзара - табиат кўринишлари, портрет - одам киёфаси тасвири, натюрморт - мева, гул ва буюмлар тасвири ва х.к. Мазмунли суратлар хам ўз навбатида таснифланади: тарихий, маиший, харбий, анималистик, интерьер.

«И»

**ИЛИҚ РАНГ** – оловни, куёшни, чирoг ёругини эслатувчи ранглар: кизил, сарик, заргалдок, малла каби ранглар туркуми киради.

**ИЛЛЮСТРАЦИЯ** лотн. illuastratsion - ёритиш, кургазмали тасвирлаш - китоб, журнал, газета матнига кўшимча тарзда бериладиган, уни гўлдиришга, матн маълумотларини кўз ўнгида гавдалантиришга хизмат киладиган сурат, расм, репродукция, шунингдек, картина, схема ва турли тасвирлар. Ўзбекистонда В.Кайдалов, Ч.Ахмаров, К.Башаров, Л.Абдуллаев ва бошка рассомлар бу сохада самарали ижод килмокда.

**ИНТЕРЬЕР** франц. interior- ички - бадиий безалган ва жихозланган хонанинг ички кўриниши. Интерьернинг характери бино ичининг кўриниши, хажми, шакли, безак хили, ранги, маъноси гояси ва бошка билан аникланади. Тошкентдаги кўп бинолар интерьери диккатга сазовор: Навоий номидаги, Давлат академик Катта театр биносининг вестибюлида Навоий «Хамса»си асосида ишланган панно.

«К»

**КАНОН** – конун.

**КАПИТЕЛЬ** - Лонж-кала, - бош/- устуннинг юкори кисмидаги безаги.

**КАРАНДАШ** - калам – ёғоч ёки пластмасса кобик ичига жойлаштирилган графитнинг ингичка таёкчаси. Карандаш ёрдамида ёзув ёзилади, расм чизилади, чизмалар чизишади. Карандаш иборасининг келиб чикиши асло руcча сўзидан эмас. «Кара» сўз кисми «кора», «даш»- «тош» маънони англатади.

**КАРИКАТУРА** (итал. karikare– бўрттириш) – ижтимоий сиёсий ва маиший мавзуда хажв ёки кулгили килиб ишланган расм. Бирор вокеа ёки шахсни танкид килиш, аччик кулги тугдирадиган килиб бўрттириб тасвирланади. Расмга киска мазмундор матн илова килинади.

Тасвирий санъатда карикатура кадимдан мавжуд. Айникса, Уйгониш даврида ривож топди (Леонардо да Винчи). Хозирги кунда карикатура ташвикотнинг мухим воситаси. Ўзбекистонда карикатура ривожи, асосан, «Муштум» сатирик журнали фаолияти билан боглик. М. Воробейчиков, А. Николаев, Д. Синицкий, Н. Леушин, Т. Мухамедов, Н. Иброхимов ва бошкалар карикатуралари исрофгарчилик, хўжасизлик, порахўрлик, арокхўрлик каби иллатларга карши курашда мухим ахамиятга эга.

**КАРТИНА** - мустакил бадиий кийматга эга бўлган тасвирий санъат асари. Ромга тортилган мато, металл ёки ёғоч тахта, картон, когозга мойли бўёк, акварель, пастель, гуашь, тушь, мум кабилар билан дастгох (мольберг)га ўрнатиб ишланади. Бу итальянча «карта» сўзидан бўлиб, «когоз» деган маънони англатади. Картина сўзининг дастлабки маъноси – «нозик, чиройли, безатилган когоз».

**КОЛОРИТ** - /итальянча colorito, лотинча color – ранг, бўёк маъносида/ - тасвирий санъатда реал хаётни хакконий акс эттириш учун ишлатиладиган рангларнинг ўзаро мутаносиблигини, нисбати. Рассом асарида гояни, образни ифодалашда бўёкларга алохида ахамият билан карайдиган санъаткор колорист рассом деб аталади. Ўзбекистонлик рассомлардан Ў.Тансикбоев, Н.Г.Карахан, З.М.Ковалевская, Ч.Ахмаров, М.Саидов ва бошкалар Ўзбекистон манзаралари, замон кишилари киёфасини ифодалашда рангга алохида ахамият берадилар.

**КОНТРАСТ** - /франц. kontraste – кескин зиддият/ кора ранг, ок ранг олдида яна хам корарок кўринади; иссик парсани сезиш кетидан совукка сезгирлик кучаяди ва х.к.

**КОНТУР** - /франц. kontoir/ предметнинг умумий шаклини тасвирловчи кўриниш, абрис, чизик.

**КОМПОЗИЦИЯ** /лотинча composition – тузиш, куриш маъносида/- этюд ёки сурат курилиши, кисмларининг мувофиклиги. Натурани тасвирлашда: жисмларни танлаш ва

кўриш, кўз карашнинг энг мос нуктасини топиш, ёруғлик, шакл ўлчамларини аниклаш, композицион марказни пайдо килиш ва унга асарнинг иккинчи даражали кисмларини бўйсиндиришдир.

Картина яратишда: мавзуни танлаш сюжет устида ишлаш, асар ўлчамини топиш, тасвирдаги шахсларни ички кечинмалари, бир-бирига бўлган муносабатлари, холатлари, харакатлари, маънодорлиги, оҳангдорликни кўллаш - булар ҳаммаси суратни композицион кўришнинг асосий кисмлари бўлиб, рассом фикрини максадли бажарилишига хизмат килади. Бундай композицияда ҳамма нарса ҳисобга олинади: жисмлар микдори ва уларнинг вазни, оҳанги, перспектива, уфк чизиги ва тасвирга кўзнинг караш нуктаси, суратдаги бўёк рангларининг бир-бирига мос келиши, уларнинг караш йўналиши, жисмларнинг перспектив кискариши, ёруғ соянинг таксимланиши, холати ва бошкалар.

**КЎМИР ҚАЛАМ -** кўмир калам, писта кўмир. Уни тайёрлаш учун куритилган тол ёки узум новдасидан каламчалар олинади ва консерва идишига кум тўлдириб ичига каламчалар жойлаштирилади, копкоғи беркитилади, кизил чўғга 2 соат кўйиб, сўнгра идиш совигач кўмир каламчалар олинади ва улар ишлатишга тайёр бўлади.

**КЎП ҚАТЛАМЛИ РАНГТАСВИР** – мойбўёк рангтасвирининг муҳим техник кўриниши (подмалёвка, ёзув, лессировка). Йирик мавзули композицияни, унинг билан бирга умуман узок давом этувчи ишни бажариш жараёнида кўп катламли рангтасвир, мойбўёкли рангтасвирнинг ягона тўлик техникаси ҳисобланади. XIX асрнинг ўрталаригача барча буюк рассомлар шу техникани асос сифатида кўллашган. Кейинчалик импрессионистлар ундан воз кечишди.

**КЎРИШ ЯХЛИТЛИГИ** – рассомнинг натура жисмларини бир вактда яхлит кўриш кобилиятини назарда тутади. Тўлик кўриш ҳолатида жисмлар мутаносиблигини, тус ва ранг муносабатларини тўғри аниклаш ва натура бутунлигига эришиш мумкин. Кўриш яхлитлиги бу рассомнинг «кўз караши»ни маҳоратини англатади.

«Л»

**ЛЕССИРОВКА** /немисча lasieren сир билан коплаш маъносида/– рангтасвир техникасининг бир тури бўлиб, бошка бўёклар катлами зич ҳолда куриган текисликка жуда юпка, бакувват ва хирарок коплашдир. Бунда рангларнинг жарангдорлиги, алоҳида бир енгиллиги вужудга келади.

**ЛОКАЛ РАНГ** - бу ранг буюмнинг асл ранги, масалан, гипсдан ишланган оқ вазанинг окլиги вазанинг локал ранги.
Жисмга хос бўлган (унинг бўялиши) ҳеч кандай ўзгартириш киритилмаган ранг. Ҳакикатда бундай бўлмайди. Жисм ранги ҳамиша ёруғлик тушиши, рангнинг кучи, атроф муҳит, фазовий йўналиши бўйича ўзгариб туради ва у локал эмас балки шартли деб аталади. Баъзи пайтларда шартли ранг деганда жисм ранги эмас, балки атрофдаги рангларга нисбатан асосий муносабатларни олиб шартли рангнинг умумий туси тушунилади.

**«М»**

**МАНЗАРА** - пейзаж – маълум бир жойнинг кўриниши, тасвири: тасвирий санъат жанри. Манзарада табиат тасвири – денгиз кўринишлари /марина/, дарахтзорлар, ғирлар, шаҳар ва кишлокларнинг киёфаси, умуман, турли жойларнинг тасвири оркали кишининг ҳис-туйғулари бадиий образларда ифодаланади. Манзара Ўрта асрларда Хитой, Япония, Уйғониш даврида эса Европада ривож топди. Ўзбекистонда Ў. Тансикбоев манзара жанридаги жозибадор асарлари билан машҳур.

**МАЗОК -** бўёқ суртмаси.

**МАИШИЙ ЖАНР** – кундалик турмушда учрайдиган ҳодисаларни ўзида акс эттирган тасвирий санъатнинг бир кўриниши.

**МАРИНА** - денгиз тасвири.

**МАСТИХИН** - грекча сўз. Эгилувчан пўлатдан ясалган махсус асбоб бўлиб, рангтасвир ишлаш жараёнида палитрани ортикча бўёклардан тозалаш максадида ва

куримасидан олдин нотуғри қуйилган буёқ қатламини сидириб олиб ташлаш учун фойдаланилади.

**МАТЕРИАЛЛИК** - тасвирланадиган жисм материаллиги, аввало, ёруғ-соя орқали акс эттирилади. Турли хил материал-лардан ташкил топган жисмлар ўзига хос ёруғ-сояга эгадир. Цилиндр шаклидаги гипсли жисм ёруғликдан яримсояга, соядан рефлексга равонлик билан ўтади. Цилиндр шаклидаги шишали жисм эса аниқ ёруғ-соя градациясига эга эмас. Унинг шаклида фақат бликлар ва рефлекслар мавжуд. Металл жисмлар ҳам асосан бликлар ва рефлексларга эга. Агарда буюмни ёруғ-соясини ифодаласак, жисмларни материаллиги кўринади. Жисмларнинг материаллик сифатида боғлиқ бўлган муҳим шартлардан бири – расм ёки рангтасвир этюдида натурага пропорционал бўлган жисмлар ўртасидаги тусли ва рангли муносабатларнинг сақланиши. Жисмларнинг материаллик сифатини кузатганда бизнинг онгимиз, асосан, уларнинг тус ва ранг муносабатлари томошабин образига мослашган ҳолда акс эттирилган бўлса, унда натюрморт жисмларининг ёки манзаранинг тўлиқ материал сифати тасвирини кўришимиз мумкин.

**МОДЕЛ** - ўлчам, нусха, қолип демакдир. Бирор асарни яратишда тасвир учун нусха, андаза, намуна вазифасини бажарган одам ёки нарса, буюм, ҳайкалтарошликда эса асарнинг лойдан ишланган нусхаси ёки ундан қуйилган қолип.

**МОЙБЎЁҚЛАР** – ўсимлик ёғи билан аралаштирилган бўёқлар: (лён, лола-қизғалдоқ ёки ёнғоқли). Мойбўёқлар ёруғлик ва ҳаво таъсирида аста-секин қотиб боради. Мато, дарахт, картон каби асослар кўпинча мойбўёқда ишлаш учун грунтланади. Мойбўёқ мўйқаламларини тозалаш учун уларни керосин, скипидар ёки бензинда тозалаб, сўнгра совунлаб иссиқ сувда ювилади ҳамда қоғозга ўралади.

**МОЛЬБЕРТ** /нем. malbrett/ - рассомликда ишлатиладиган уч оёқли дастгоҳ. Рамкага тортилган полотнони ёки тахтани унга ўрнатиб расм чизилади. Уч оёқ деб ҳам юритилади.

**МОНУМЕНТАЛ РАНГТАСВИР** - катта ўлчамдаги рангтасвир асарларининг алоҳида бир кўриниши. Архитектура иншоатларининг девор ва шифтларини безайди (фреска, мозаика, панно). Монументал рангтасвирнинг юксаклиги, унинг асарлардаги маълум катталиги, архитектура билан боғлиқлиги, оддийлик ва композициянинг қисқа ва лўнда ифодалаш усули, силуэт аниқлиги ва пластик шаклнинг умумийлигини талаб қилади.

**МУСАВВИР** /араб – рассом/ - турли тасвирлар ишловчи, расм чизувчи ижодкор.

**МУТАНОСИБЛИК** - жисмларнинг ёки уларнинг бўлакларини бир-бирига ва бир бутунликка бўлган муносабати. Рангтасвир ёки қаламтасвирда муносабатлар мутаносиблликка мос равишда вужудга келади, яъни катталашиш ёки қисқариш бир вақтнинг ўзида бир хил кўринишда ифода этилади. Мутаносибликни сақлаш ҳал этувчи аҳамиятга эга, чунки у жисмнинг муҳим белгиси бўлиб, тўғри ва аниқ тасвирнинг асоси ҳисобланади.

**МУНОСАБАТЛАР МУТАНОСИБЛИГИ** - реалистик рангтасвир қонуни. Натурани кўриш, ҳар бир этюдлаги ёруғлик рангларининг бошқалари билан боғлиқлиги, мутаносиблигини белгилаб беради. Тус ва ранглар фақатгина бирламчи эмас, балки атроф муҳит билан боғлиқ ҳолда, бошқа тус ва ранглар билан биргаликда қабул қилинади. Шунинг учун рассом натуранинг тус ва ранг фарқларини тасвирнинг мутаносиб мослаштириш усули билан жисмларнинг перспектив ҳажмларини этюдда шакллантиради. Булар билан этюднинг ёритилиш ҳолатига, бўртган шаклнинг тўғри тузилишига, материаллигига, фазовий чуқурлик ва тасвирнинг бошқа сифатларига эришилади.

**МУЛЯЖ** - франц. ҳайкалтарошликда натурадан олинган нусха, табиий маҳсулотлар, одам гавдаси қисмларининг сунъий шакли.

**МЎЙҚАЛАМЛАР** – қилқалам, рассомлар ишлатадиган ёзув ва тасвир қуроли. Мўйқаламлар думалоқ ва яссиоқ ҳолда бўлиб, олмахон тукидан ёки қаттиқ қилдан тайёрланган бўлади. Қаттиқ қилдан қилинган мўйқаламлар мойбўёқлар билан ишлашга мўлжалланган, аммо улардан темпера ёки гуаш бўёқларида ҳам фойдаланилади. Олмахон мўйнасидан тайёрланган мўйқаламлар акварелда кенг ишлатилади. Мўйқаламлар катталиги рақам билан белгиланади. Текис мўйқаламларнинг рақамлари унинг миллиметрдаги

кенглигига мослаштирилади, думалок мўйкаламларнинг эса диаметрга (миллиметрига хам) мос равишда бўлади.

Мойбўёкларда астойдил ишлагандан сўнг, дастлаб эритгичларда, сўнгра мўйкаламлар илик сувда совунлаб ювилади. Мўйкаламларни ацетон билан ювиш асло мумкин эмас; унинг киллари ишдан чикади. Акварель мўйкаламлари ишлатилгандан сўнг тоза сувда ювилади. Асло мўйкаламнинг котиб колишига йўл кўймаслик керак. Ювиб, тозаланган мўйкаламни коғозга ўраб кўймок лозим, шунда у ўз шаклини саклаб колади.

**«Н»**

**НАТУРА** /лот. натура - табиат/ - рассом, шунингдек, фотограф, кинооператорга тасвир объекти бўлиб хизмат киладиган реал, борлик /инсон, нарсалар, манзара ва х.к./ Натурани танлаш ва тасвирлашда рассомнинг дунёкараши, ижодий махорати кўзга ташланади. Портрет, манзара, натюрморт, этюд ва бошк. натурага асосланиб бажарилади.

**НАТЮРМОРТ** /франц. nature morte - жонсиз табиат/ - тасвирий санъат жанри. Гул, мева, кушлар, рўзгор буюмлари, айрим мехнат куроллари, тўкин дастурхон тасвирланади. Натюрморт асарлари кадимдан маълум. Унинг пайдо бўлиши тасвирий санъатда реалистик услубнинг карор топиши ва тараккиёти билан боглик. Биринчи намуналари Кадимга Мисрда деворга ишланган фрескаларда, эллинизм мозаикаларида учрайди. Республикамизда В. Уфимцев, М. Курзин, З. Ковалевская, Ю. Елизаров, Н. Кашина, Р. Ахмедов, Ю. Талдикин каби ўнлаб натюрморт усталари етишиб чиккан.

**«О»**

**ОБРАЗ** - киёфа, сиймо, ифода, талкин.

**ОРНАМЕНТ** /лат. Ornamentum - безак/ - накш, безак. Геометрик шакллар билан ўсимлик ёки хайвонлар оламидан олинган тасвирларни кўшиб, уйғунлаштириб ишланган бўёкли, ўйма ёки чизма накш, безак.

**«П»**

**ПАЛИТРА** /франц. Palette – пластинка, планка/ - рассом бўёк корадиган тахтача. Металл, чинни, баъзан ёгочдан тайёрланади. Маълум бир рассом, расм учун характерли бўлган ранг, бўёклар хам палитра деб юритилади.

**ПАСТЕЛЬ** /итал.pasta– хамир/ - расм чизиладиган махсус рангли калам, шу калам билан чизилган расм. Графикада кўп фойдаланилади. Рассомлар янги асарлари учун этюдлар чизишда хам пастелни ишлатадилар.

**ПЕРСПЕКТИВА** /лот.perspitio– равшан кўраман/ - нарсаларни текисликда тасвирлаш конун-коидаларини ўргаиувчи амалий фандир. Расм чизаётган кишига нисбатан нарсаларнинг холати, шакли, ранги уларнинг жойлашишига кўра ўзгаради. Нарсанинг якиндаги кисмига нисбатан узокдаги кисми кандай ўзгаришини чизикли перспектива ўргатса, нарсалар узоклашган сари ранг жихатдан хам ўзгариб боришини хаво перспективаси ўргатади. Перспектива Кадимги Юнонистонда кўллана бошлаган. Уйғониш даврида Леонардо да Винчи, А.Дюрер, Пьерро делла Франческа ва бошка рассомлар перспективадан мунтазам фойдаланган.

**ПЛАСТИК АНАТОМИЯ** - одам танасининг тузилиши, шакл шамойили, мушаклар кўриниши ва уларнинг ўзаро боғланиши, уйғунлиги муносабатини ўрганадиган таълимот. Пластик анатомия рассомларга ўргатиладиган фанлардан бири.

**ПЛЕНЭР** – франц. (очик кенглик)- табиат, табиат манзараси, мухит, табиат кучоғида тасвирлаш ва унинг ўзига хослигини мужассам этувчининг ифодасини яратиш.

**ПЛЕНЭР РАНГТАСВИРИ** – очик хаводаги рангтасвир. Очик хавода ёруғлик ва хаво таъсирида рангларни турлича ўзгаришини хисобга олиб ишланган этюд. Бунда асосий эътиборни натуранинг умумий тус ва ранг холатларига каратиш лозим (ёритишнинг кучи ва ранги в.б.). Пленэрдаги этюднинг тус ва ранг муносабатларини хал этувчи жараён хисобланади.

**ПОДМАЛЕВКА (дастлабки суртма ишланмаси)** – мойбўёк билан подмалёвка хамда лессировкадан кейин, матодаги асосий боскич. Кенг маънода прописка сўзини гохида подмалевка деб хам аташ мумкин.

**ПОРТРЕТ** - (франц. portreit - тасвир) - реал борликда мавжуд бўлган ёлғиз, икки ёки бир гуруҳ кишиларнинг тасвири. Кишиларнинг боши, белигача ёки бутун гавдаси тўла акс эттирилиши мумкин. Портрет тасвирий санъатнинг энг муҳим жанрларидан, рассом томонидан чизилади, ҳайкалтарош томонидан ўйиб, суваб (барельеф, горельеф), йўниб (мармар, ёғоч ва бошка ҳайкаллар) тайёрланади. Графикада чизиб, бўяб гравюра, офорт, ксилография каби усуллардан тайёрланади. Тасвир характери жиҳатдан монументал, оддий интим, ҳажвий портретларга бўлинади. Портретнинг автопортрет хили кенг тарқалган. Рассом ёки ҳайкалтарош натурадан ёки эталикдан, хотиралар асосида, архив материалларига таяниб портрет яратиш мумкин. Антрополог ва ҳайкалтарош М.М. Герасимов пластик реконструкция асосида (кишиларнинг бош суякларини илмий ўрганиб) портретлар яратишни асослади (у яратган Амир Темур, Шоҳрух, Улуғбек, Рудакий портретлари диккатга сазовор) ҳамда Малик Набиев томонидан бажарилган Амир Темурнинг рангтасвири эталон сифатида кабул қилинди. Портретнинг дастлабки намуналари Қадимги Мисрда яратилган. Бизгача сақланган Эхнатон ва Нефертити портретлари (милоддан аввал XIV-XV асрлар), мусулмон дини жонли мавжудодни тасвирлашни мутлақо ман этгани туфайли ислом ақидалари хукм сурган ўлкаларда портрет рассомлик санъатида, ҳайкалтарошликда ривожланмади. Беҳзод (Шайбонийхон, XV аср), Махмуд Музаҳҳиб (Алишер Навоий, XVI аср) каби мўйқалам усталари фақат миниатюрадагина портрет намуналарини яратдилар. Ўзбек тасвирий санъатида портрет жанри, асосан, 30 йиллардан бошлаб ривожланди. Портрет жанрида ёркин образлар яратишди. А. Абдуллаев, С.Ф. Абдуллаев, Л. Абдуллаев, Р. Ахмедов каби рассомлар самарали ижод килди. 50-60 йиллардан диккатга сазовор портрет намуналарини яратдилар (Ч. Аҳмаров «М. Турғунбоева портрети», М. Набиев «Абу Райҳон Беруний», Р. Аҳмедов «Кекса деҳкон портрети», Б. Бобоев «Риштонлик уста Муса Исмоилов ўғли», А. Абдуллаев «Комил Яшин», В. Кайдалов «Алишер Навоий», Р. Чориев «Келин. Шоҳи сўзана», М. Мусабоев «Улуғбек ҳайкали», Н. Қўзибоев «Юнус Ражабий», М. Саидов «Ҳамза» шунингдек, Т. Оганесов, А. Бойматов ва бошка санъаткорларнинг кўп сонли портретлари).

**ПРОПОРЦИЯ** - (лот.proportio– муносабат)- бадиий асарнинг алоҳида элементлари ва бутун асар катталиклари муносабати.

**ПРОФИЛЬ** – (итал. Provilo – кўриниш) – юз ёки бирор нарсанинг ён томонидан кўриниши.

**«Р»**

**РАКУРС** – (франц. raccoureir - кисқариш маъносида) – тасвирий санъатда турли нарсаларни кисқартиб акс эттириш. Унинг ҳаққоний кўринишини ўзгаришига олиб келади: кескин кисқаришлар жисмнинг усти ёки тагидан кузатганда намоён бўлади.

**РАНГТАСВИР** - тасвирий санъатнинг асосий кўринишларидан биридир. Жисмнинг кўринишини, унинг ташқи белгиларини график усуллар, яъни чизиқлар ва тушь билан ифода этиш ҳам мумкин. Лекин атроф муҳитнинг барча гўзал гўшаларини турли ранглар жозибаси ила инсонга тўла-тўкис тасвирлаб бериш ҳам мумкин. Техник жиҳатдан рангтасвир қуйидагиларга бўлинади: мой, темпера, фреска, мум, мозаика, витраж, акварель, гуашь ва пастель. Ушбу номлар рангтасвир техникаси усулларини қўлланишларидан олинган. Рангтасвир асарининг асосий вазифаси шундаки, у рассомнинг ички дунёсини тўла ифодалайди.

Рангтасвир қуйидаги турларга бўлинади: дастгоҳли, монументал, декоратив, театр декорацияси ва миниатюра.

Декоратив рангтасвирнинг алоҳида вазифаси шундаки, у фақат бинонинг интерьер ва экстерьерини безаш, унинг кўринишини кенгайтириш ёки аксинча ҳар хил шаклда қисқартириш учун хизмат қилади. Декоратив рангтасвир интерьердаги ҳар хил накшинкор кўринишлар, ҳайкалтарошлик элементларини бир-бири билан боғлаб, кўркамлиги ва чиройини аниклаштиради. Уларни меъморчилик билан мослигини ёркин намоён этади. Декоратив рангтасвир билан буюмларни ҳам безаш мумкин: (кутича, сандик ва бошкалар). Уларнинг мавзуси ва тузилиши эса жисмнинг шакли билан боғлик.

**РАНГ МУНОСАБАТЛАРИ** – натура рангларининг, ранг туслари, ёритилиши ва тўйинганлиги бўйича фарклари. Натурада ранг доимо уни камраб олган мухит, унга чамбарчас боғлик бўлган атроф, жисмлар билан бевосита боғлик.. Шунинг учун этюднинг ранг муносабатлари натурага мутаносиб ҳолда бўлиши керак.

**РАНГ НОМЛАРИ** – анорранг – анор гули ранги, асфальт, биллурий, бинафша ранг, гулранг – гулгун (пушти), ёкутранг, жигарранг (кўнғир), зарҳал – тилласимон ранг, зарғалдок, зумрад – яшил рангнинг бир тури, кармин – кирмизи (қизил ранг тури), кобальт - кўк бўёк тури (оч ҳаворанг, тўк ҳаворанг ёки нилобий), краплак - кизил лавлаги рангига якин, кулранг - ок ва кора рангдан ҳосил бўлган ранг, кумушранг – кумуш рангига якин, кўк ахзар – осмон рангига якин, лоларанг, марваридранг, ним сарик - оч сарик, ним яшил – оч яшил, ним кўнғир – оч кўнғир, ним кизил, ним зарғалдок, ним малла, ним пушти, ним кулранг, нимоханг – ёруғ билан соя ўртасидаги тус, новвот ранг, норанжваш – апельсин рангига якин, оловранг, осмоний – мовий(ложувард, нилгун), пистоки ранг – писта рангига якин, сабзаранг – яшил ранг, сомоний ранг – сарик (тилласимон ранг), яшил – баргикарам (пистоки, барг рангига якин), кизил - кон рангига якин, кирмизи - кизил рангнинг тури.

**РАНГТАСВИР ТЕХНИКАСИ** - мойбўёғ, акварель, темпера, пастель, фреска, мозаикаларда ишлаш йўллари.

**РАНГ ХУСУСИЯТЛАРИ** - рангли туси ёки тус: кизил, кўк, сарик, саргиш-яшил, ёруғлик ва тўйинганлик (унинг кулрангдан фаркланиш боскичи, яъни тоза спектр рангига якинлашиш боскичи). Рангтасвир жараёнида шу уч хил хусусият бўйича натурадаги ранглар солиштирилади, уларнинг рангидаги фарклари топилади ва этюдда мутаносиб муносабатларда акс этади.

**РАНГЛАВҲА** – енгил ва тез ишланган, унча катта бўлмаган ўлчамдаги рангли этюд. Бундай ранглавҳанинг асосий вазифаси тўлик кўра билишни шакллантириш, унинг асосидаги ранг муносабатларини топа олиш ва тўғри акс эттириш. Маълумки, тасвирни рангда ифодалаш, натуранинг асосий ранглари жилоси ўртасидаги фаркларининг пропорционал етказиб бериш билан белгиланади.

